



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



**ЎЗБЕКИСТОНДА АДВОКАТУРА:
ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ВА
РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ
(таҳлилий маълумот)**

Тошкент - 2020



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



**ЎЗБЕКИСТОНДА АДВОКАТУРА:
ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**
(таҳлилий маълумот)

Тошкент - 2020

Мазкур таҳлилий маълумот Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатасининг раиси А.Эрназаров раҳбарлигида тайёрланди.

МУАЛЛИФЛАР:

САЛОМОВ Бахром

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Услубий маслаҳат кенгаши раиси, юридик фанлари доктори, Россия адвокатура ва нотариат академияси академиги, Халқаро адвокатлар иттифоқи (ҳамжамияти) вице-президенти, Россия фахрий адвокати, Тошкент шаҳар “SANKTALEKS” адвокатлик фирмаси бошқарувчи шерик.

ДАВЛЯТОВ Валишер

ТДҶОУ мустақил изланувчиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлими бошлиғи

ПАРДАЕВ Сафар

Тошкент шаҳар “SANKTALEKS” адвокатлик фирмаси адвокати.

САЙФИЕВА Гўзал

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Халқаро ҳамкорлик департаменти раҳбари

НАШР КООРДИНАТОРИ:

Азамат САЛАЕВ

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик”
қўшма лойиҳаси раҳбари

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН** тайёрланган. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), АҚШ ҳукумати ва БМТ Тараққиёт Дастурининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Мазкур нашрнинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.sud.uz, Ўзбекистон Адвокатлар палатасининг www.pagu.uz ва БМТ Тараққиёт Дастурининг www.uz.undp.org интернет сайтларида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.
Телефон: (+998 71) 239-02-67

МУНДАРИЖА

I. КИРИШ	6
II. ЎЗБЕКИСТОНДА АДВОКАТУРАНИ РИВОЖЛАНИШ (ИСЛОҲ ҚИЛИШ) БОСҚИЧЛАРИ	8
Адвокатуранинг 1990-1996 йиллардаги ривожланиш босқичи ва фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари	8
Адвокатуранинг 1997-2008 йиллардаги ривожланиш босқичи ва фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари	13
Адвокатуранинг 2008-2018 йиллардаги ривожланиш босқичи ва фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари	23
III. ЎЗБЕКИСТОНДА АДВОКАТУРАНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ	35
IV. ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ. МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ	44
V. ИЛОВАЛАР	71
1. Адвокатлар ўртасида ўтказилган сўров натижалари	72
2. Тошкент Давлат Юридик Университети талабалари ўртасида ўтказилган сўров натижалари	99
3. Хорижий мамлакатлардаги адвокатура моделларининг қиёсий таҳлили	118
4. Юридик касбни тартибга солувчи халқаро стандартлар	135



I. КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида Республикада истиқомат қилаётган ҳар бир шахснинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланган. Юридик ва жисмоний шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилган.

Адвокатура фуқаролик жамиятининг асосий ва муҳим институтларидан бири бўлиб, унинг зиммасига юридик ва жисмоний шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ Конституциявий вазифа юклатилган. Шу боис ҳам Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ суд-ҳуқуқ тизимининг ажралмас бўғини ҳисобланган адвокатура институтини ислоҳ қилиш, демократик принципларга асосланган кучли, мустақил адвокатура тизимини барпо этишга алоҳида ва доимий эътибор қаратиб келинди.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида рўй бераётган муҳим ўзгаришлар, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-маданий, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар Адвокатура тизимини ҳам замон билан ҳамоҳанг тарзда ривожлантириш, қонунчилик ҳуқуқий базасини такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва қонуности актларининг амалиётда қўлланилиши жараёнида пайдо бўлаётган айрим муаммолар, қонун ҳужжатларидаги, хусусан “Адвокатура тўғрисида” ва “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунларда бир-бирини такрорловчи ёки декларатив характердаги нормаларнинг мавжудлиги, шунингдек тараққиётнинг ҳозирги босқичида рўй бераётган ўзгаришлар, республикада барча соҳаларни халқаро ҳамжамият билан интеграллашуви ва либераллашуви, ижтимоий жараёнларнинг чуқурлашуви ҳам Ўзбекистонда адвокатура тизимини ислоҳ қилиш, соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Шунингдек жамият тараққиётининг жадал суръатларда ўсиши, хусусан 1991-2016 йилларда яратилган ҳуқуқий базани тубдан янгиланиши, ҳуқуқий ахборот, интернет технология ва суд-ҳуқуқ тизимида электрон воситалардан фойдаланишни кучайиб бориши Ўзбекистонда (бизнес-) тадбиркорлик муҳитини яхшиланиб бориши натижасида хорижий инвестициялар оқимини кўпайиб бориши ва уларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бизнес соҳасига ихтисослашган адвокатларнинг етишмаслиги ёки чуқур ихтисослашган малакали адвокатларни тайёрловчи даргоҳларнинг мавжуд эмаслиги каби омиллар ҳам бундан кейин адвокатура институтини янада ислоҳ қилишни тақозо этади.



Бундан ташқари дунё миқёсида рўй бераётган глобаллашув жараёни мамлакатимиз аҳолисини ҳам қамраб олаётганлиги, охириги 2-3 йил давомида жадал олиб борилаётган демократик ислохотлар туфайли фуқаролар онгини ўсиб бориши ва ҳуқуқий маданиятини юксалиши оқибатида улар томонидан сиёсий-ҳуқуқий фаолликни кучайиб бориши ҳамда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун суд органларига мурожаат қилиш ва адвокат ёрдамидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши сингари омиллар адвокатурани замон талабига жавоб берадиган даражада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Умуман олганда, адвокатура институтини пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши узоқ тарихга бориб тақалади. Ўзбекистонда ҳам адвокатуранинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари бир неча юз йиллик тарихга эга бўлсада унинг расман адвокатура институти сифатида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўрни Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.



II. ЎЗБЕКИСТОНДА АДВОКАТУРАНИ РИВОЖЛАНИШ (ИСЛОҲ ҚИЛИШ) БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиликка эришгандан то шу кунгача жамият ҳаётининг барча соҳалари каби суд – ҳуқуқ тизимининг ажралмас қисми бўлган адвокатура тизими ҳам узлуксиз равишда ривожланиб, такомиллашиб борди. Шу боис Ўзбекистонда Адвокатура институти ривожланишини шартли равишда қуйидаги асосий уч босқичга бўлишимиз мумкин:

1-босқич - 1990-1996 йиллар;

2-босқич - 1997-2007 йиллар;

3-босқич - 2008-2017 йиллар.

Мазкур қисмда адвокатура тизимининг фаолият йўналиши ва ривожланишининг ўзига хос ва алоҳида эътиборга молик жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

1990-1996 йилларда адвокатура

1990-1996 йилларда адвокатлик тузилмасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли

Ривожланишнинг ушбу босқичида адвокатура Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан 1980 йил 12 ноябрда тасдиқланган “Ўзбекистон ССР Адвокатураси тўғрисида”ги Низом асосида фаолият кўрсатиб келди.

Мазкур Низомда Адвокатлик тузилмаларининг ташкилий шакли сифатида Қорақалпоғистон АССР, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида биттадан адвокатлар ҳайъати (Коллегияси)ни ташкил этиш ва юридик ёрдам кўрсатишни адвокатлар ҳайъатининг туманларда ташкил этиладиган юридик маслаҳатхоналар орқали амалга оширилиши белгиланган эди.

Низомда адвокатлар ҳайъати (коллегия) олий юридик маълумотга эга бўлган шахслардан иборат таъсис этувчилар томонидан ёки халқ депутатлари вилоят, шаҳар ижроия қўмиталари ташаббуси билан ташкил этилиши ва Ўз ССР Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланиши белгиланганди. Бир сўз билан айтганда адвокатлар ҳайъати (коллегиялар)ни ташкил этиш, тугатиш, улар фаолиятини бошқариш, назорат қилиш, адвокатлар ҳайъати бошқарув органларини шакллантириш, Коллегия раисини, юридик маслаҳатхона мудирларини тайинлаш ва уларни лавозимларидан олиши билан боғлиқ барча масалалар Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги ва жойлардаги адлия бўлимлари томонидан Халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман ижроия қўмиталарнинг розилиги билан ҳал қилинар эди.

Ушбу даврда Қорақалпоғистон АССР, вилоятлар (вилоят) (Тошкент шаҳри)да биттадан адвокатлар Коллегияси ташкил этилган бўлиб, улар тегишлича, вилоят, Тошкент шаҳар



адвокатлар коллегияси деб номланган. Мазкур коллегияларнинг тегишли туманларда юридик шахс мақомига эга бўлмаган юридик маслаҳатхоналари фаолият кўрсатиб, улар ўз ҳудудида фуқаролар, корхоналар, колхоз ва савхозларга юридик ёрдам кўрсатиб келганлар. 1997 йилга қадар жойларда Адвокатлар ҳайъатидан ташқари адвокатлик тузилмалари бўлмаган.

1997 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида жами 1 641 адвокат фаолият кўрсатган

1997 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида жами 14 та адвокатлар ҳайъати (коллегияси) ва туман/шаҳарларда жами 180 та юридик маслаҳатхоналар фаолият кўрсатган бўлиб, уларда фаолият кўрсатган адвокатлар сони 1641 тани ташкил этган.

Адвокатлар ҳайъати (коллегияси)нинг олий органи адвокатларнинг умумий йиғилиши ҳисобланган. Унинг бошқарув органи сифатида Раёсат фаолият кўрсатган. 5, 7, 9 тадан иборат раёсат аъзолари ва унинг раиси адвокатларнинг умумий йиғилишида 5 йил муддатга сайланган.

1-жадвал

1990-1996 йилларда адвокатлик тузилмасининг тузилиши



Раёсат адвокатлар умумий йиғилиши олдида ҳисобдор ҳисобланган.

Адвокатларни ҳайъат аъзолигига қабул қилиш, уларни аъзоликдан бўшатиш, адвокатларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш, интизомий ишларни кўриб чиқиш ва интизомий жазо бериш Раёсат ваколатига тегишли бўлган.

Адвокатлар ҳайъатининг штат бирликлари, ойлик иш ҳақлари, тушум ва харажатлар сметаси Адлия идоралари томонидан назорат қилинган.



1990-1996 йилларда адвокатлик фаолияти

Ушбу даврда амалда бўлган “Ўзбекистон ССР Адвокатураси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ олий юридик маълумотли, юридик мутахассислиги бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахслар адвокатлар ҳайъатига адвокат сифатида қабул қилинганлар. Баъзи ҳолларда адвокатликка қабул қилишда уч ойлик синов муддати ҳам белгиланган. Мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлмаган ёки етарли иш стажига эга бўлмаган шахслар адвокатлар ҳайъатига олти ойдан бир йилгача стажировкадан ўтганидан кейин адвокат сифатида ишга қабул қилинган. Адвокатлар ҳайъатида стажировкани ўташ тартиби Адлия органлари томонидан белгиланган.

Адвокатликка қабул қилиш ҳақида берилган ариза Адвокатлар ҳайъати томонидан бир ой ичида кўриб чиқилган. Агар талабгорни адвокатликка қабул қилиш рад этилса, у рад этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ижроия қўмиталарига шикоят қилишга ҳақли бўлган. Агар халқ депутатлари вилоят, шаҳар ижроия қўмиталари адвокатликка қабул қилиш ҳақидаги Адвокатлар ҳайъати Раёсат қарорини нотўғри, амалдаги қонун ҳужжатларига зид деб топса, қарор ижросини тўхтатиб қўйиш ва шахсни адвокатликка қабул қилиш ҳақидаги аризасини қайтадан раёсатда муҳокама қилиш масаласини қўйган.

Адвокатлар ҳайъатига аъзо бўлган адвокатнинг ҳимоячи ва вакил сифатида ваколатлари қуйдагича белгилаб қўйилган:

- ўз касбий фаолиятини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатиш бўйича мурожаат қилган шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини барча давлат, нодавлат ташкилотлари олдида ҳимоя қилиш;
- ўзи фаолият кўрсатаётган юридик маслаҳатхона (консультация) орқали юридик ёрдам кўрсатилиши учун зарур бўлган маълумот, тавсифнома ва ҳужжатларни давлат ва жамоат ташкилотларидан сўраш, олиш ва ҳ.к.

“Ўзбекистон ССР Адвокатураси тўғрисида”ги Низомда ҳимояни амалга ошириш жараёнида адвокатни ўзига маълум бўлган ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги адвокатнинг касбий ваколатининг кафолати сифатида мустаҳкамланган.

Низомда юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан ишонч билдирувчидан олинган маълумотларни ошкор қилишни таъқиқланиши яъни адвокатлик сирини сақланиши адвокатнинг мажбурияти сифатида белгилаб қўйилган.

Ушбу даврдаги соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида адвокатга нисбатан интизомий ишни кўриб чиқиш ва адвокатга интизомий жазо чорасини қўллаш ваколатига эга бўлган мустақил орган (комиссия ёки қўмита) ташкил этиш масаласи назарда тутилмаган.

Адвокатга нисбатан интизомий иш, ҳайъат адвокатларининг умумий мажлиси, раёсат, ҳайъат раиси, томонидан қўзғатилган. Адлия вазири, ҳудудий адлия бошқарма бошлиқлари,



халқ депутатлари вилоят шаҳар ижроия қўмиталари адвокатга нисбатан интизомий иш қўзғатиш масаласида адвокатлар ҳайъати, унинг президиумига топшириқ беришга ҳақли бўлганлар.

Адвокатнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан ариза ва шикоятлар юридик маслаҳатхона мудирини, Адвокатлар ҳайъати раиси томонидан кўриб чиқилган. Адвокатга нисбатан интизомий жазо Адвокатлар ҳайъатининг президиуми томонидан ҳам қўлланилган.

Адвокатни адвокатлар ҳайъати аъзолигидан чиқариш интизомий жазоларнинг бири бўлиб ушбу жазонинг қўлланилиши шахснинг адвокатлик мақомини тугатишига олиб келган.

Адвокат меҳнатига ҳақ юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан жисмоний шахслар, корхона ва ташкилотлардан юридик маслаҳатхоналарга келиб тушган маблағлар ҳисобидан тўланган. Меҳнат ҳақи миқдори тўланиши тартиби Адлия идоралари томонидан тасдиқланган Инструкция билан тартибга солинган.

Мустақилликка эришгунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида адвокатларни бирлаштирувчи касбий бирлашма мавжуд эмас эди. 1989 йилда тузилган “СССР Адвокатлар союзи” деб аталмиш жамоат ташкилоти ўзини расман барча адвокатлар ҳайъатларини бирлаштирувчи касбий уюшма деб эътироф этган. Ўзбекистонда мазкур уюшманинг расмий бўлиниши ташкил этилди деб эълон қилинган бўлсада у ҳеч қандай фаолият кўрсатмаган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин яъни 1992 йил 13 мартда Ўзбекистон Адвокатлар Уюшмаси ташкил этилди. Лекин мазкур уюшма номигагина тузилганлиги боис 1997 йилгача фаолият кўрсатган эмас.

1990-1996 йилларда адвокатура ва адвокатларнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари

Адвокатура ва адвокатларнинг солиқ тўловлари масалалари ўша пайтдаги соҳани тартибга солувчи қонунчилик ва бошқа қонун ҳужжатларида алоҳида белгилаб қўйилмаган эди.

Лекин шунга қарамасдан Адвокатура нодавлат ташкилот сифатида Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод этилган бўлиб, фақат жисмоний шахс сифатида адвокатлардан даромад солиғи, ягона ижтимоий суғурта тўлови ушлаб қолинар эди. Ўша пайтда барча юридик шахслар учун ойлик иш ҳақи фондидан тўланадиган ижтимоий суғурта тўловлари 35 фоиз миқдорида белгиланган. Шу жумладан адвокатлар ҳайъатлари томонидан 1996 йилгача 35 фоиз миқдорида ижтимоий суғурта тўловлари тўлаб келинди. Кейинчалик, яъни 1996 йилда Адвокатлик фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олиниб адвокатлар учун ижтимоий суғурта тўловининг миқдори 35 фоиз ўрнига 7 фоиз қилиб белгиланди ва амалда бўлди. Лекин ушбу имтиёз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 январдаги қарори билан бекор қилинди.



1990-1996 йилларда адвокатуранинг Адлия органлари ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабати

Адвокатура фаолиятини тартибга солувчи Низомда Адвокатуранинг Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги билан, Адлия органларининг жойлардаги бўлимлари, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман ижроия қўмиталари билан ўзаро муносабатлари алоҳида белгилаб қўйилган эди.

Низомда Адлия органлари ўз ваколатлари доирасида адвокатлар ҳайъатлари фаолияти юзасидан умумий раҳбарликни амалга ошириш, адвокатларнинг қонун ҳужжатларига риоя қилишлари устидан назорат қилиш, адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш тартибларини белгилаш, адвокатура фаолиятини тартибга солувчи методик қўлланмалар, инструкциялар ишлаб чиқиш, юридик ёрдамни ташкил этиш, адвокатларни касбий билимларини ошириш каби вазифаларни амалга оширишга Адвокатлар ҳайъати президиумига амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан адвокатура билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйилиши белгиланган.

Шунингдек, низомда Адвокатуранинг Халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман ижроия қўмиталари билан ўзаро муносабати қуйидаги йўналишларда намоён бўлиши кўрсатиб ўтилган :

- адвокатлар ҳайъатларининг адвокатура фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига оғишмай амал қилишини назорат қилиш;
- адвокатлар ҳайъати президиуми раисини адвокатлар ҳайъати фаолияти юзасидан ҳисоботларини эшитиш;
- адвокатлар томонидан фуқаролар ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатиш тартибларини белгилаш, адвокатларни касбий, сиёсий билим даражаларини ошириш масаласида Адвокатлар ҳайъати президиумига амалий ёрдам кўрсатиш;
- адвокатлар ҳайъатлари иш тажрибаларини умумлаштириш, адвокатлар ҳайъатлари, юридик маслаҳатхоналар, алоҳида адвокатларнинг ижобий ишларини тарғиб қилишда амалий ёрдам кўрсатиш.

1990-1996 йилларда адвокатурада мавжуд муаммолар

Ўша даврдаги сиёсий жараён, мавжуд муҳит, тизимни Собиқ иттифоқ давридаги сиёсий мафкурага асосланган Қонун ости норматив ҳужжатлари асосида фаолият кўрсатиб келганлиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатувчи қуйидаги муаммоларни келтириб чиқарди:

- а) Адвокатура жамиятнинг алоҳида ҳуқуқий институти сифатида қаралмасдан давлатнинг ижроия органлари (Адлия идоралари, Халқ депутатлари вилоят шаҳар, туман ижроия қўмиталари) томонидан назорат қилинди ва бошқарилди. Бу ҳолат эса, халқаро ҳужжатларда белгиланган Адвокатуранинг мустақиллик тамойилларига мутлақо зид ҳисобланган.



- b) Адвокатлар иш ҳақларининг энг кўп миқдори ва адвокатлар ҳайъатларидаги адвокатларнинг штат бирлиги чегараси адлия органлари томонидан белгилаб берилган. Бу ҳолат эса, юридик ёрдам кўрсатишда эркин рақобатни чеклаб, адвокатлар сонини ўсишини сунъий равишда чегаралаб қўйди.
- c) Адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакли сифатида Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фақат биттадан адвокатлар ҳайъати фаолият кўрсатиб келган бўлиб, адвокатлик фаолиятини бошқа шакллари тузишга рухсат берилмаган. Адвокатлар ҳайъатини ташкил этиш ёки уни тугатиш, аҳолига юридик ёрдам кўрсатиш масаласини ҳал этиш Адлия органлари ваколатига тегишли бўлган.
- d) Қонун ҳужжатларида адвокатлар малакасини ошириш масалалари назарда тутилмаганлиги боис, адвокатларни мунтазам касб малакаларини ошириб боришига эътибор қаратилмади.

1997-2008 йилларда адвокатура

Ўзбекистонда адвокатура институти ривожланишининг иккинчи муҳим босқичи 1996-2008 йилларга тўғри келади.

Ривожланишнинг ушбу босқичида адвокатура тизимида амалга оширилган дастлабки ислохотларнинг ҳуқуқий амалий натижаси сифатида мамлакатда илк бор 1996 йил 27 декабрда “Адвокатура тўғрисида” даги 1998 йил 25 декабрда эса мазкур Қонуннинг мантиқий давоми сифатида “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

“Адвокатура тўғрисида”ги қонунда Адвокатурага ҳуқуқий таъриф берилиб фуқаролик жамиятнинг алоҳида ҳуқуқий институти сифатида эътироф этилди.

Шунингдек, қонунда адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакллари, адвокатлик фаолиятининг турлари, адвокатлик мақомини олиш тартиблари, малака комиссиялар, адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш, адвокатнинг интизомий жавобгарлигини тартибга солувчи нормалар белгиланган бўлса, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунда эса, адвокатнинг даҳлсизлиги, касбий фаолиятнинг кафолати ва адвокатнинг даҳлсизлиги, юридик ёрдамни ташил этишнинг кафолатлари, адвокатуранинг давлат билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи нормалар белгиланди.

1997-2008 йилларда адвокатлик тузилмасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли

Қабул қилинган Адвокатура тўғрисидаги Қонунда илк бор адвокатура фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий шакли сифатида амалда фаолият кўрсатаётган Адвокатлар ҳайъати билан бир қаторда адвокатлик фирмаси, адвокатлик бюросини ташкил этилиши белгилаб қўйилди.



Шунингдек, қонунда адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмаси, адвокатлик бюросини таъсис этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, тугатиш шартлари, вазифалари, маблағларни сарфлаш тартиби, раҳбар органларининг ваколатлари, уларни сайлаш тартиби ҳамда адвокатлик тузилмалари фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар уларнинг уставлари (низомлари), таъсис шартномалари билан тартибга солиниши белгилаб қўйилди.

Қонун талабига кўра, белгиланган тартибда лицензия олган шахс адвокатлик фаолиятини ўз адвокатлик бюросини очиб, фаолиятини яқка тартибда амалга оширишга ёхуд бошқа адвокатлар (шериклар) билан адвокатлик фирмасини ёки аъзоликка асосланган адвокатлар ҳайъатини тузишга ёхуд фаолият кўрсатаётган шундай адвокатлик тузилмаларидан бирига киришга ёки юридик маслаҳатхонада ишлаган ҳолда адвокатлик фаолиятини амалга оширишга ҳақли бўлди.

Мазкур Қонун қабул қилиниши муносабати билан адвокатлар ҳайъатининг монопол фаолиятига чек қўйилиб юридик ёрдам кўрсатишда соғлом рақобатни вужудга келиши учун ҳуқуқий замин яратилди. Натижада шу давргача фаолият кўрсатиб келган адвокатлар ҳайъатларининг аксарияти қайта ташкил этилиб, уларда фаолият кўрсатиб келган адвокатлар ўзлари адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмаси ва адвокатлик бюрларини таъсис этиб мустақил равишда фаолиятларини бошладилар.

Қонун қабул қилингунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида биттадан адвокатлар ҳайъати ва туманларда уларнинг юридик маслаҳатхоналари фаолият кўрсатиб келган бўлса Қонун қабул қилиниши муносабати билан жойларда адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакллари сифатида адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюрлари ҳам фаолият кўрсатиб жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиб кела бошладилар.


1997 йил 1 июл ҳолатига кўра, Республикада 20 та адвокатлар ҳайъати, 42 та адвокатлик фирмаси ва 80 та адвокатлик бюрлари ташкил этилган бўлиб, уларда жами 2 701 нафар адвокат фаолият кўрсатган.

2005 йил 1 январ ҳолатига кўра эса Республика ҳудудига фаолият кўрсатаётган адвокатлар ҳайъатлари сони 24 та, адвокатлик фирмалари сони 178 та, адвокатлик бюрлари сони 289 тани ташкил қилиб уларда фаолият кўрсатаётган адвокатлар сони 3032 нафарга етган.


2007 йил 1 январ ҳолати бўйича Республикада жами 23 та адвокатлар ҳайъати, 348 та адвокатлик фирмаси ва 438 та адвокатлик бюрлари фаолият кўрсатиб келган. Шу даврда жами 6238 нафар шахсга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилган бўлса-да, шулардан 3834 нафари юқорида қайд этилган адвокатлик тузилмаларида адвокатлик фаолияти билан шуғулланиб келган.



2-жадвал



3-жадвал



1997-2008 йилларда адвокатлик фаолияти

1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунда адвокатлик мақомига эга бўлиш ва ундан маҳрум бўлиш, адвокатнинг интизомий жавобгарлиги, адвокатнинг процессуал ваколати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, адвокатнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, касбий малакага қўйилган талаблар, касбий ва ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ барча масалалар илк бор алоҳида ҳуқуқий норма сифатида белгиланди.

Қонунда адвокатлик фаолияти лицензияланувчи фаолият турига киритилди. Шунингдек, қонунда олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси адвокат бўлиши мумкинлиги, Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи шахс малака имтиҳонини топшириши шартлиги, лицензия Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар Адлия бошқармалари томонидан тегишли малака комиссияларининг қарорига асосан берилиши кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари Қонунда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олишга монелик қиладиган иккита ҳолат яъни белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар ва судланганлиги бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Бундан ташқари адвокатлик мақомини тўхтатиб туриш ёки бекор бўлиши асослари ҳам Қонунда белгилаб қўйилди. Адвокат касб одоби нормаларини мунтазам равишда бузганда ёки қонун ҳужжатлари талабларини қўпол равишда бузганда малака комиссиясининг интизомий



жазо бериш ҳақидаги қарорига асосан лицензияни тўхтатиб қўйилиши ёки бекор қилиниши адвокатлик мақомини тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиниши учун асослардан бири ҳисобланади.

Адвокатлик фаолиятининг турлари, адвокатнинг вазифалари, ҳуқуқ ва бурчлари Қонунда алоҳида норма сифатида белилаб берилди. Жумладан, судларда, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларни кўриб чиқаётган органларда далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан давлат органларидан, корхона, муассаса, ташкилотлардан зарур бўлган маълумотлар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш, юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертлар хулосаларини мижознинг розилиги билан сўраш ва ёзма тарзда олиш, мансабдор шахсларга илтимоснома ва шикоят бериш, улардан ёзма равишда далил исбот талаб қилиши ва бошқалар, касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида адвокатнинг ҳуқуқлари сифатида кўрсатиб ўтилди.

4-жадвал



Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги қонунда бевосита адвокат қасамёди институтини киритилиши адвокатни ўз касбий вазифаларини виждонан, ҳалол ва фақат қонунга буйсунган ҳолда амалга оширишини ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилишга замин яратди. Шунингдек ушбу қонунда адвокатнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Хусусан ушбу қонунда муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ваколатли эканлиги ордер билан тасдиқланиши, адвокат тараф сифатида суд ишлари юритилишининг ҳамма босқичларида процесснинг барча иштирокчилари билан тенг ҳуқуқга эга эканлиги, ўз ҳимоясидаги шахс билан у ушланган пайтдан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, миқдори ва муддати чекланмаган ҳолда холи учрашувлар ўтказиши каби прогрессив нормаларнинг белгиланиши адвокатнинг касбий вазифаларини лозим даражада амалга оширишнинг кафолати сифатида хизмат қилди. Қонунда Адвокат ёрдамчиси тушунчаси киритилиб унинг ҳуқуқий мақоми белгиланди.


Мазкур қонунларда адвокатлик касбига қўйилган талабларни аниқ белгилаб берилганлиги, адвокатлик фаолиятини амалга оширишнинг давлат томонидан кафолатланиши, адвокатуранинг жамиятдаги роли ва обрўини ошишига хизмат қилди. Энг асосийси, мазкур Қонун қабул қилиниши муносабати билан адвокатлар сонини чегараловчи (Адвокатлар сонини Адлия органлари томонидан белгиланиши) илгариги талаблар бекор қилиниб, адвокатлик эркин




касбга айлантирилди. Олий юридик маълумотга эга ва Қонунда белгиланган талабларга жавоб берадиган ҳар қандай шахс адвокатлик фаолияти билан эркин шуғулланиш имкониятига эга бўлди. Бунинг натижасида 1996- 2008 йилларда адвокатлар сони илгарига нисбатан қарийиб 3 бараварга ошди. Бу эса, аҳолининг юридик ёрдам олиш имкониятларини янада кенгайтди.

1997-2008 йилларда адвокатура жамоат бирлашмасининг фаолияти

1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида Адвокатлар Қонунда белгиланган тартибда жамоат бирлашмаларини тузиш мумкинлиги белгилаб қўйилди.



Мазкур Қонун қабул қилиниши муносабати билан Адвокатура тизимида бир-бирдан мустақил турли ташкилий ҳуқуқий шаклдаги адвокатлик тузилмаларинининг ташкил этилиши натижасида Республикада барча адвокатларнинг ягона касбий бирлигини таъминлаш имкониятига эга бўладиган, уларнинг манфаатларини ифода этадиган жамоат бирлашмасини ташкил этиш зарурияти пайдо бўлди. Шу боис 1997 йилда бўлиб ўтган адвокатларнинг II-Съездида Ўзбекистон Адвокатлар Уюшмаси Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси деб қайта ташкил этилиб, унинг Устави тасдиқланди. 1999 йилда “Адвокат” журналинини чоп этилиши йўлга қўйилди.



Ўзбекистон адвокатларининг 2003 йил 6 февралда бўлиб ўтган III-Съездида Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг янги таҳрирдаги Устави ва адвокатларнинг касб одоби Қоидалари тасдиқланди. Ушбу Съездда Ассоциация раиси ва ҳар бир вилоятдан иккитадан Бошқарув аъзолари сайланди. Шунингдек, Съездда Адвокатурани ислоҳ қилиш Концепцияси лойиҳаси муҳокама қилиниб, тасдиқланди. Уставда Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси Республикада фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг касбий бирлашмаси сифатида кўрсатилди. Шунингдек



Уставда Ассоциациянинг ҳуқуқий мақоми, унинг мақсад ва вазифалари, ассоциацияга аъзолик, ассоциациянинг Бошқарув ва назорат органлари, унинг ҳудудий бўлимлари, ассоциациянинг мол-мулки ва маблағлари каби масалалар назарда тутилган эди. Уставда ассоциациянинг олий бошқарув орган ҳисобланган Съездни 4 йилда 1 марта чақирилиши белгиланди.

Адвокатларнинг жамоат бирлашмаси сифатида Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси ихтиёрий аъзоликка асосланган бўлиб, у аъзо адвокатлар томонидан ўтказиладиган аъзолик бадали ҳисобига ўз фаолиятини амалга оширди.

Ассоциацияга аъзолик ихтиёрий бўлганлиги, қабул қилинадиган қарор ва меъёрий ҳужжатларни бажарилиши адвокатлар учун мажбурий бўлмаганлиги боис Республикада фаолият кўрсатган адвокатларнинг муайян қисмигина Ассоциацияга аъзо бўлган эдилар ва улар томонидан ўтказиладиган аъзолик бадаллари уюшманининг тўлақонли фаолият юртиш имкониятини чеклаб қўйган эди. Лекин шунга қарамасдан Адвокатлар Ассоциацияси Республикадаги адвокатларни манфаатларини давлат органлари олдида ифода этиш, адвокатура тизими олдидаги муаммоларни мумкин қадар ҳал этиш, соҳа қонунчилик базасини такомиллаштириш йўлида самарали фаолият кўрсатиб, том маънода адвокатларни ўзида бирлаштирувчи бирлашма сифатида республикада танилди, ҳамда республиканинг барча вилоятларида ва Тошкент шаҳрида унинг бўлимлари фаолият кўрсатди. Натижада адвокатларнинг Ассоциация фаолиятига нисбатан муносабати аста-секин ижобий томонга ўзгариб ихтиёрий равишда Адвокатлар Ассоциацияси атрофида бирлаша бошладилар.

Рақамларга эътибор берилдига бўлса, агар 2003 йилда Республикада фаолият кўрсатган адвокатларнинг **1 100** нафари расман Ассоциацияга аъзо бўлган ва уларнинг 50 фоизи аъзолик бадалларини тўлаб турган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич **2 500** тани ташкил қилди. Адвокатлар Ассоциацияси ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган ҳудудий бўлимлар орқали амалга оширди. Адвокатлар Ассоциацияси Уставида Ассоциация раисининг ваколат муддати 4 йил бўлиб, у Съездда алтернатив номзодлар орасидан ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси адвокатларнинг жамоат бирлашмаси сифатида 2008 йилгача фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора тadbирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан Ўзбекистон адвокатлар Ассоциацияси негизида мажбурий аъзоликка асосланган ўзини ўзи бошқариш органи бўлган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этилиши муносабати билан 2008 йил сентябрда ўз фаолиятини тугатди.



1997-2008 йилларда адвокатура ва адвокатлар учун белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар

Адвокатура ўз табиати ва фаолият йўналишига кўра, нотижорат ташкилот ҳисобланса-да, 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги ва 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунларда нотижорат ташкилот деб кўрсатилмаганлиги, шунингдек, адвокатлик фаолиятининг ўзига хос алоҳида хусусиятлари инobatга олиниб, адвокатура ва адвокатларни солиққа тортиш тартиби Солиқ тизимини тартибга солувчи Қонун ҳужжатларда алоҳида белгилаб қўйилмаганлиги боис Адвокатура ва адвокатларни солиққа тортишда турлича ёндошувлар вужудга келди.

Аксарият ҳолларда солиқ идораси ходимлари томонидан адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакли ҳисобланган адвокатлик фирмалари тижорат ташкилоти деб ҳисобланиб, адвокатлик фирмаларини сақлаш учун ажратиладиган маблағлар адвокатуранинг фойдаси сифатида даромад солиғига тортилди.

Шунингдек 1996 йилда адвокатлик фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олиниб, адвокатлар учун 7 фоиз қилиб белгиланган ижтимоий суғурта тўлови бўйича имтиёз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 январдаги қарори билан бекор қилинди. Шу боиса Адвокатлик тузилмалари ҳам адвокатлар гонорари ҳисобидан 35 фоиз миқдорда ижтимоий суғурта тўловларини ушлаб, Пенсия жамғармасига ўтказиш бошладилар. 35 фоиз миқдордаги ижтимоий суғурта тўловларидан ташқари адвокатлик гонораридан жисмоний шахслардан ундириладиган пенсия фондига мажбурий тўлов (ўша пайтда 2,5 фоиз ва 1 фоиз касаба уюшмаларига) ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ушланиб ўтказиб келинди. Бунинг натижасида адвокатнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдори 65-70 фоиздан ошиб кетди (Меҳнат қонунчилиги бўйича эса, ходимнинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинадиган тўловларнинг умумий миқдори 50 фоиздан ошмаслиги белгиланган).

Адвокатура ва адвокатларнинг солиқ тўловларидаги номутаносиблик ва ноҳақликлар адвокатларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди. Адвокатуранинг солиқ ва бошқа тўловлари бўйича юзага келган муаммоларга барҳам бериш, барча адвокатлик тузилмалари учун солиқ тўловларининг ягона амалиётини шакллантириш учун Молия Вазирлиги ва Давлат солиқ қумитасининг 2004 йил 29 феврладаги 41-сон ва 29 сонли Қўшма қарорлари билан **“Адвокатлик бюрolari, адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари томонидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”** Йўриқнома тасдиқланди.



Мазкур Йўриқномада адвокатлик тузилмалари тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар деб кўрсатилиб, уларни тижорат юридик шахслар томонидан тўланадиган даромад солиғи ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилиши белгиланди.

Бундан ташқари Йўриқномада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан тўланадиган мажбурий суғурта бадалларини адвокатлардан ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш тартиблари белигилаб берилди.

Ушбу Йўриқнома адвокатуранинг солиқ тўловларига бирмунча ойдинлик киритиб, тижорат ташкилот сингари адвокатурадан айрим солиқларни ундириш амалиётига барҳам берган бўлсада, адвокатлар гонорари ҳисобидан ушлаб қолиниб бюджетга ўтказиладиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорига ўз таъсирини кўрсатмади. Адвокатлар гонорари ҳисобидан ушлаб қолинадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар миқдори илгариги каби 50 фоиздан ортиқни ташкил қилди.

Мазкур Йўриқнома адвокатларни солиққа тортиш масалалари янги қабул қилинган Солиқ кодексида алоҳида бўлим сифатида киритилганлиги боис 2008 йил 7 мартда ўз кучини йўқотди.

1997-2008 йилларда адвокатуранинг Адлия органлари ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабати

Адвокатуранинг Адлия вазирлиги билан ўзаро муносабати “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасида белгиланган бўлса, Адвокатуранинг давлат билан ўзаро муносабатлари “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуннинг 12 моддасида белгиланди.

Юқорида қайд этилган Қонунларда Адлия вазирлигининг Адвокатура билан ўзаро муносабатлари қуйидаги йўналишларда намоён бўлиши белгиланди:

- адвокатлар малакасини ошириш тадбирларини амалга оширишга ёрдамлашиш,
- адвокатура ҳақидаги статистик маълумотларни тўплаш, адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмалари ва бюроларига услубий ёрдам кўрсатиш;
- адвокатларни касбий фаолияти билан боғлиқ тарздаги таъқиблар, асоссиз чеклашлар ва тажовузлардан ҳимоя қилиш;
- адвокатлар ҳайъатлари, фирмалари ва адвокатлик бюролари ва Малака комиссиялар фаолиятига ёрдам кўрсатиш.

Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармаларнинг адвокатура билан ўзаро муносабатлари кўпроқ Малака комиссиялари фаолиятида кўринади.

Қонунда Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун Қароқалпоғистон Республикаси Адлия Вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармалари ҳузурида Адвокатлар малака комиссиялари



тузилиши, Малака комиссиялар Адлия бошқармаси бошлиқларининг буйруғига асосан адвокатлар ҳамда адлия органларидан тенг миқдорда киритилган ҳолда ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, унда адвокатга фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лецензияни ва адвокатга гувоҳномани ҳам бевосита адлия идоралари томонидан берилиши белгиланди.

Албатта, Адвокатура соҳасини тартибга солувчи ушбу қонунларда Адлия идораларнинг Адвокатура билан ўзаро муносабатлари Адвокатлик тузилмалари ва адвокатларга методик ёрдам кўрсатиш, адвокатларни турли таъқиб ва тажовузлардан ҳимоя қилиш йўналишларида белгиланган бўлса-да, малака комиссияларини бевосита адлия бошқармалари ҳузурида ташкил этилиши ва унинг аъзоларини Адлия бошқармалари бошлиқларининг буйруғи билан тасдиқланиши бир қадар бўлсада, адвокатуранинг мустақиллигига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Айниқса, Адлия идораларининг Адвокатура устидан назорати Малака комиссияларнинг амалий фаолиятида сезилди. Амалиётда Малака комиссияларига адвокатлардан аъзоларни танлаш, талабгорларни малака имтиҳонидан ўтказиш ёки ўтказмаслик масалаларида адлия идоралари ходимларининг фикри инобатга олинди

“Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунда давлат билан адвокатура ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шакллари белгиланди. Унда давлат ҳар бир фуқаронинг тенг ва эркин юридик ёрдам олиши ҳуқуқини таъминлаш учун адвокатура билан қуйидаги масалаларда ҳамкорлик қилиш белгиланди:

- адвокатура манфаатларига даҳлдор масалалар Республика адвокатлар жамоат бирлашмаси иштирокида белгиланган тартибда ҳал этиши;
- Давлат адвокатурани фуқаролар мурожаат қилиши учун қулай бўлган жойларда зарур бинолар билан таъминлаши;
- адвокатурага коммунал хизматлар, алоқа хизматлар ҳақини тўлаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзлар бериши мумкинлиги ва ҳ.к.

Қонунда белгиланган Давлат билан Адвокатура ўртасидаги ўзаро муносабатлар Адвокатура ривожаланишининг айрим йўналишларида ўзининг амалий натижасини кўрсатди.

Хусусан, юридик ёрдам кўрсатиш учун илгариде ажратиб берилган биноларнинг аксарияти адвокатлик тузилмаларига доимий фойдаланиш учун қолдирилди. Биноларнинг айримларини хусусийлаштирилишига рухсат берилди.

Бундан ташқари ушбу даврда адвокатура институтини такомиллаштириш бўйича Қонун ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда Адвокатларнинг жамоат бирлашмаси бўлган Адвокатлар Ассоциацияси фаол қатнашди. Соҳага оид қонун ёки меъёрий ҳужжатларни қабул қилишда Адвокатлар Ассоциациясининг фикри кўп ҳолларда инобатга олинган.



1997-2008 йилларда адвокатурада мавжуд муаммолар

Ривожланишнинг ушбу bosқичида, соҳани тартибга солувчи муҳим иккита қонун қабул қилиниб, унда адвокатура ва адвокатлик фаолиятининг ўзига хос муҳим жиҳатлари белгилаб берилганлиги, адвокатлар ижтимоий ва касбий ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилганлиги ҳамда касбий ҳимояни амалга ошириш бўйича қатор Қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши натижасида Адвокатура институти жамиятда ўз ўрни, мавқеига эга бўлган бўлса-да, қонунчиликдаги айрим камчиликлар ва бўшлиқлар амалиётда ҳал этилиши лозим бўлган қуйидаги муаммолар борлиги ва адвокатура янада ислоҳ қилиниши лозимлигини кўрсатди.

- 1) Қонунчиликда адвокат мақомини олган шахс қачондан бошлаб адвокатлик фаолиятини бошлаши лозимлиги ҳақида ҳуқуқий норма белгиланмаганлиги сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ишловчи олий маълумотли шахслар томонидан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши нияти бўлмаса-да, ҳар эҳтимолга қарши адвокатлик лицензиясини олиб қўйиш амалиёти кучайди. Масалан, 2009 йил 1 январга қадар Республикада 7225 нафар шахс адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олган бўлса, шулардан 4225 нафари амалда адвокат сифатида фаолият кўрсатган.
- 2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрь 455-сонли Қарори билан Адвокатурага нисбатан ижтимоий суғурта тўлови бўйича берилган имтиёз бекор қилиниб, тадбиркорлик субъектлари каби ижтимоий суғурта тўлови 35 фоиз қилиб белгиланди. Шу муносабат билан адвокатлар ўртасида норозилик пайдо бўлиб, иш ташлаш каби реал таҳдид юзага келди. Шу боис ҳукумат қарори билан 2004 йилдан адвокатура идоралари учун ижтимоий суғурта тўловининг миқдори 35 фоиздан дан 25 фоизга камайтирилди.
- 3) 2001-2008 йилларда жиноят ишлар бўйича давлат ҳисобидан адвокатларга ҳақ тўлашда ҳам муаммолар кузатилди. Чунки давлат маҳаллий бюджетларнинг ҳаражат қисмида тайинлов асосида қатнашган адвокатлар меҳнат ҳақларини бюджетдан тўланиши кўрсатилмаганлиги боис, шу тоифа ишларга қатнашган адвокатларнинг меҳнат ҳақлари ойлаб, баъзида йиллаб тўланмасдан келинди. Шунингдек, тайинлов асосида қатнашган адвокатларга давлат томонидан тўланадиган ҳақнинг миқдори бир мунча кам бўлиб, уларнинг меҳнати ва сарфлаган вақтига мос бўлмаганлиги ҳамда ушбу тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги сабабли камдан кам ҳолларда малакали адвокатларни ушбу тоифадаги ишларга қатнашиши кузатилди.
- 4) Қонунчиликда адвокатлик тузилмаларининг молиявий хўжалик фаолиятларини назорат қилувчи органлар томонидан текширилиши, назорат қилиниши мумкин



эмаслиги белгиланишига қарамасдан, амалиётда айрим адвокатлик тузилмалари Назорат қилувчи органларнинг текширув жадвалига киритилиб, уларнинг фаолияти текширилди.

- 5) “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунда Адвокатурага коммунал хизматлар, алоқа хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар берилиши ҳақидаги норма декларатив характерга эга бўлганлиги ва уни амалиётда тадбиқ этиш механизми белгилаб берилмаганлиги боис Адвокатлик тузилмалари фойдаланишидаги нотураржой биноларнинг ижара тўловлари баъзи тижорат ташкилотлари учун белгиланган юқори тўлов ставкаларида белгиланди. Бу эса адвокатларни молиявий томонидан қийин аҳволга солиб қўйди.
- 6) 1997 йилда қайта ташкил этилган Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси 1997-2003 йиллар оралиғида 9 та вилоятда ҳудудий бўлимини тузмаган ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлим тузилган деб расман эълон қилинган бўлса-да, у амалда фаолият юритмаган эди. Шунингдек Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг раислари (3 марта Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси раиси алмашган) ва ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида асосий иш сифатида бошқа лавозимларда фаолият юритганлиги сабаб Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг алоҳида офиси бўлмаган. Ушбу муаммолар ва адвокатлар ўртасида етарли ташвиқот ишларини олиб борилмаганлиги ҳамда энг муҳими Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси адвокатларни ўзини-ўзи бошқариш органи эмас, балки жамоат бирлашмаси бўлгани сабаб 1997-2003 йилларда УАА адвокатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнайдиган бирлашмага айлана олмади.

2008-2018 йилларда адвокатура

Адвокатура тизими ривожланишининг мазкур босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 май “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши билан характерланади. Мазкур фармон суд-ҳуқуқ тизимининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган адвокатура институтини ислоҳ қилишнинг янги босқичини бошлаб берди.

Фармонда адвокатура институтини янада ислоҳ қилишнинг қуйидаги йўналишлари белгиланди:

- адвокатларнинг ўзини-ўзи бошқарадиган марказлаштирилган самарали тизимини яратиш;



- адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйиладиган талабларни кучайтириш, уларнинг юридик соҳа бўйича муайян иш стажига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида стажировкани ўташи;
- адвокатларни мажбурий равишда касбий малакаларни ошириш тартибини жорий қилиш;
- адвокатлик тузилмалари ваколатлари ва ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш;
- адвокатурани касб маҳорати юқори даражада бўлган ҳалол мутахассис кадрлар билан тўлдиришни таъминлайдиган самарали лицензиялаш тизимини ташкил этиш;
- жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш;
- ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишларида иштирок этишини чеклашга қаратилган тарафлар вакиллиги институтини босқичма-босқич такомиллаштириш;
- адвокатлар томонидан касб этикиси қоидаларига риоя қилинишини назорат қилишнинг самарали механизмни яратиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатининг 2008 йил 4-5 декабрда бўлиб ўтган ялпи мажлисида маъқулланган “Адвокатура институтини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2009 йил 1 январда қонуний кучга кирди.

Мазкур Қонун билан амалдаги “Адвокатура тўғрисида”ги ҳамда “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунларга, шунингдек Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2008-2017 йилларда адвокатлик фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий шакллари

2009 йил 1 январда кучга кирган “Адвокатура институтини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунинг Адвокатлик фаолиятининг принциплари ва ташкилий ҳуқуқий шакллари деб номланган моддасига қўшимча ва ўзгартишлар киритилиб, адвокатлик лицензиясини олган шахс ўз адвокатлик бюросини очиб яқка тартибда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш ёхуд фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмаларидан бирига киришга ёки юридик маслаҳатхонада ишлаган ҳолда касбий фаолиятини амалга ошириш мумкинлиги белгилаб



қўйилди. Энг асосийси, адвокат бир пайтнинг ўзида фақат битта адвокатлик тузилмасида ўз фаолиятини амалга оширишга ҳақли эканлиги қатъий белгиланди.

Шунингдек, амалдаги қонунчилик Адвокатлик тузилмаларининг ташкилий шакли ҳисобланган адвокатлик бюроси, адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмаларнинг ҳуқуқий мақоми, уларни ташкил этиш ва тугатиш тартиблари, уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатларини белгиловчи ҳуқуқий нормалар билан тўлдирилди. Хусусан, адвокатлар ҳайъатини ташкил этишнинг асосий ҳуқуқий мезони сифатида унда фаолият кўрсатаётган адвокатлар сонинг 10 нафардан кам бўлмаслиги Қонунда белгилаб қўйилди. Шунингдек, адвокатлик фирмасини адвокатлик тузилмасининг бошқа ташкилий шаклига ўтказилишига асос бўлувчи ҳолатлар аниқ белгилаб берилди.

Қонунчиликка киритилган ушбу ўзгаришлар адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш, адвокатлик тузилмаларида адвокатларнинг фаолиятини йўлга қўйиш, ишонч билдирувчи шахслар билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузиш, адвокатлик тузилмаларининг моддий таъминоти масалаларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этилишига ва ягона тўғри амалиётни шаклланишига хизмат қилди.

2008-2017 йилларда адвокатлик фаолияти

Энг аввало адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг юридик соҳа бўйича муайян иш стажига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида стажировкани ўташи, адвокатларни мажбурий равишда касбий малакаларини ошириш тартибини жорий қилиш ва адвокатура сафини ҳалол, етук касб малакасига эга бўлган мутахиссислар билан тўлдириш орқали адвокатуранинг жамиятдаги нуфузини ошириш ва аҳолини малакалакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 май “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида адвокатурани ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатда белгиланган эди.

Фармонда белгиланган ушбу устувор йўналишлар “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунга киритилган қуйидаги қўшимча ўзгартиришларда ўз аксини топди.

Жумладан, Қонунда адвокатнинг илмий педогогик фаолиятдан, шунингдек, Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалардаги фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишига ҳақли эмаслиги белгилаб қўйилди. Бундан кўзланган мақсад адвокатлик касбини иккинчи касбга айлантиришга йўл қўймаслик ва адвокатлик касбининг нуфузини сақлаш, асосий касб сифатида адвокатлик фаолияти билан мунтазам шуғулланиш орқали ўз касбий малакасани доимий равишда ошириб боришга эришишдан иборат эди.



Бундан ташқари Қонун ҳужжатларига адвокатлик мақомини олиш бўйича белгиланган талабларни кучайтиришга қаратилган айрим нормалар киритилди. Хусусан, Қонунга Лицензия олиш учун адвокатлик мақомига эга бўлишга талабгор шахс юридик мутахассислиги бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши, шу жумладан адвокатлик тузилмасида камида олти ой стажировка ўтаган бўлиши ҳамда малака имтиҳонини топшириши шартлиги, малака имтиҳонини топшира олмаган талабгор уни такороран топширишга камида бир йилдан кейин йўл қўйилиши ҳақидаги нормалар киритилди. Шунингдек, малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор лицензия олиш учун тегишли Адлия органига уч ой ичида мурожаат қилиши лозимлиги назарда тутилди. Бундан ташқари Қонунда белгиланган тартибда лицензия олган талабгор уч ой ичида адвокат қасамёдини қабул қилиши ва якка тартибда ёки лицензияга эга бўлган бошқа шахслар билан биргаликда адвокатлик тузилмасини тузиши ёхуд фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмаларидан бирига кириши шартлиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, адвокат касбига доир вазифаларни олти ой мобайнида узрсиз сабабларга кўра, бажармаганда фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бекор бўлиши ҳақидаги норма фаолият билан шуғулланиш нияти бўлмаган айрим шахсларни номигагиона лицензия олиб қўйиши каби ҳолатларга барҳам бериш ва касбий фаолият билан доимий равишда шуғулланиш мажбуриятини амалда таъминлашнинг ҳуқуқий механизми сифатида қонунчиликка киритилди.

Адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи Қонун ҳужжатларида юқорида қайд этиб ўтилган адвокатлик мақомини олишга қўйилган талабларни кучайтиришга қаратилган нормаларни киритилиши:

- биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ишловчи олий маълумотли юристлар томонидан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш нияти бўлмасада ҳар эҳтимолга қарши адвокатлик лицензиясини олиб қўйиш амалиётига барҳам берди.
- иккинчидан, тизимга бир оз бўлсада адвокатлик касбига садоқатли, ҳалол, етарли касбий малакага эга бўлган шахсларни кириб келишига ҳуқуқий замин яратди.

Адвокатура тўғрисидаги Қонунга адвокатлик мақомини олиш бўйича янги қўшимча меъёрлар киритилиши муносабати билан Республикада фаолият кўрсатаётган ва касбий фаолият билан шуғулланиш истагида бўлган барча адвокатлар қайтадан малака имтиҳонларни топшириб, уларга янги шаклдаги адвокатлик лицензияси берилди. Бунинг натижасида лицензия олиб амалиёт билан шуғулланмаган 3000 нафардан ортиқ шахснинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялари ўз-ўзидан бекор бўлди.


Шу даврга келиб амалда адвокатлик фаолияти билан шуғулланаётган адвокатлар сони илгаригига нисбатан бир мунча камайган бўлсада кейинги йилларда уларнинг сони тўхтовсиз ўсиб борди. Хусусан, адвокатлар сони 2013 йилда 3398 нафар, 2014 йилда 3557 нафар, 2015



йилда 3682 нафар, 2016 йилда 3872 нафар, 2017 йилда 3946 нафар ва 2018 йилнинг 6 ойида 3944 нафарни ташкил қилди.

7-жадвал

2013-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида адвокатлар сони



Тергов ва суд ишлари юретишнинг ҳар қандай босқичида фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатланиши кўп ҳолларда адвокатларнинг касб маҳоратларига ва уларнинг касбий малакаларини мунтазам равишда ошириб боришига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, адвокатларни мунтазам равишда касбга оид малакаларини оширишнинг мажбурийлигини жорий қилиш Президентнинг юқорида қайд этилган фармонида ҳам адвокатура институтининг янада ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Шундан келиб чиқиб “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунда ҳар уч йилда адвокатларни малакасини ошириш мажбурийлиги белгиланди ва уни ташкил этиш Адвокатлар палатасининг вазифаларидан бири сифатида кўрсатилди. Бунинг натижасида адвокатларнинг касб малакаларини мунтазам равишда ошириш жараёни Юристар малакасини ошириш марказида йўлга қўйилди.

Ушбу соҳадаги рақамларга эътибор бериладиган бўлса, агар Республика бўйича 2005 йилда 60 нафар, 2006 йилда 21 нафар адвокат ўз касбий малакасини оширган бўлса, адвокатларининг касбий малакасини оширишнинг мажбурийлиги қонунчиликда белгиланганидан кейин бу кўрсаткичлар мунтазам ўсиб борди. Мавжуд маълумотларга кўра 2014 йилда 492 нафар, 2015 йилда 493 нафар, 2016 йилда 498 нафар, 2017 йилда 765 нафар ва 2018 йил биринчи ярим йиллигида 708 нафар адвокат ўз касбий малакаларини оширган. Адвокатлар касб малакаларига қўйилган талабларнинг кучайтирилиши биринчидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган юридик ёрдамни сифатига ижобий таъсир кўрсатди, иккинчидан адвокатларни ўз касбларига бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлди.

8-жадвал

2014-2018 йилларда касбий малакасини оширган адвокатлар сони





2008-2017 йилларда адвокатурада ўзини - ўзи бошқариш органлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида адвокатларнинг жамоат бирлашмаси сифатида фаолият кўрсатиб келган Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси негизда Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатиб келган барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этилиши кўрсатилиб, унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди.

Фармондан келиб чиқиб, 2008 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарорда адвокатлар палатасининг ташкилий тузилмаси, палата раиси, ўринбосарларини лавозимларга тасдиқлаш, палатанинг Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бошқармаларини ташкил этиш, бошқарма бошлиқларини лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, палатага аъзолик, аъзоларнинг кириш ва аъзолик бадалларини белгилаш, Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларини жой билан таъминлаш каби ташкилий ҳуқуқий масалалар белгилаб берилди.

Юқорида қайд этилган Президент фармони ва Вазирлар Маҳкамаси Қарори талабларидан келиб чиқиб ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг таъсис конференцияси ўтказилди. Ушбу конференцияда Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси негизда унинг ҳуқуқий вориси сифатида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бошқармалари ташкил этилди. Шунингдек, таъсис конференцияда палатанинг Устави, Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом, Адвокатлар касб этикаси Қоидалари тасдиқланди ҳамда палата раиси, Бошқарув аъзолари сайланди, палатага кириш ва аъзолик бадалларининг миқдорлари белгиланди.

Палатанинг кейинги конференцияларида унинг Уставига тегишли ўзгартиришилар киритилди ва янги таҳрирдаги Адвокатларнинг касб этикаси Қоидалари тасдиқланди.

2009 йил 1 январда кучга кирган “Адвокатура институтини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунига “Адвокатлар Палатаси” деган қўшимча моддалар киритилиб, унда палатанинг ҳуқуқий мақоми, палатага аъзолик, палатанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналиши белгилаб қўйилди.



Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилиши муносабати билан илгари адлия идоралари томонидан амалга оширилиб келинган адвокатура ва адвокатлик фаолиятига оид қуйидаги масалаларни ҳал этиш ваколати Адвокатлар палатасига берилди.

Хусусан:

- адвокатурага оид масалалар бўйича тушунтириш ва хулосалар бериш;
- адвокатларнинг ҳуқуқлари ва ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- адвокатларни уларни касбий фаолияти билан боғлиқ турли таъқиблардан, асоссиз чеклашлар ва тажовузлардан ҳимоя қилиш;
- адвокатларни, адвокат стажерлари ва ёрдамчиларини касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- аҳолининг юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжларини ўрганган ҳолда юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш орқали аҳолини юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжини қондириш;
- Адвокатларнинг касб этикаси Қоидалари ва соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя қилинишини назорат қилиш;
- Малака комиссиялар ишини ташкил этиш;
- Адвокатура тизимини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларини белгилаш;
- адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилиши бўйича статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш ва ҳ.к.

Адвокатлар палатасининг асосий вазифаларидан бири адвокатлик тузилмаларининг фаолиятини марказлаштирилган ҳолда мувофиқлаштириб боришдан иборат.

Маълумки мажбурий аъзоликка асосланган адвокатура ўзини-ўзи бошқариш органини ташкил этилиши илгариги қонунчиликда белгиланмаганлиги ва Адвокатларнинг жамоат бирлашмаси сифатида фаолият кўрсатган Адвокатлар Ассоциациясига мажбурий аъзолик назарда тутилмаганлиги боис адвокатлик фирмаси ва адвокатлик бюроларида ишлаган адвокатларнинг аксарият қисми Ассоциацияга аъзо эмас эдилар. Бунинг натижасида ушбу адвокатлик тузилмаларининг фаолияти, улардаги адвокатлар томонидан кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг сифати назоратдан четда қолиб келди. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этилиши натижасида мавжуд муаммолар бартараф этилди. Адвокатлар палатаси адвокатлик тузилмалари фаолиятини марказлаштирилган ҳолда мувофиқлаштириб бориб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари билан биргаликда адвокатуранинг ягона ўзини-ўзи бошқариш тизимини ташкил қилди.



Қонунчиликда Адвокатлар палатасига аъзо бўлмасдан туриб адвокатлик фаолиятини бошлаш мумкин эмаслиги тўғрисида ҳуқуқий механизмни белгиланганлиги фаолият кўрсатаётган барча адвокатларни Адвокатлар палатасига тўлиқ аъзолигини таъминлади.

Адвокатлар палатаси фаолияти давомида қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириб адвокатлик тузилмалар ва адвокатларнинг касбий фаолиятидаги айрим муаммоли масалаларини ҳал қилиб келган бўлсада бошқарувдаги айрим камчиликликлар, адвокатлар билан бўлган муносабатлардаги баъзи чалкашликлар Палатанинг Адвокатура институти ҳимоячиси сифатидаги ролини пасайиб кетишига сабаб бўлди. Палата фаолиятидаги бу каби камчиликлар ва айрим муаммолар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майда қабул қилган “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ҳам кўрсатиб ўтилди ва унда Палата фаолиятини янада такомиллаштириш йўналишлари белгилаб берилди.

2008-2017 йилларда юридик ёрдам кафолати ва бепул юридик ёрдам

Адвокатура тизими ривожланишининг ушбу босқичида нафақат адвокатура институтини ислоҳ қилишга қаратилган қонунчилик базаси мустаҳкамланди, балки жиноят судлов жараёнининг ҳар қандай босқичида фуқароларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам кафолатлари ҳам кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 20 июндаги Қарори қабул қилинди ва ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлигининг 2 декабрь 2008 йилда рўйхатдан ўтказилган қўшма қарори билан “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаражатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Ушбу Низомда жиноят ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчилар оиласидаги ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ялпи ойлик даромад энг кам ойлик иш ҳақининг 1.5 баравардан ортиқ бўлмаган ҳолларда уларга адвокат томонидан бепул юридик ёрдам кўрсатилиши ва ушбу ишларда қатнашган адвокатларнинг меҳнат ҳақларини давлат ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, жиноят иши бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчиларни бепул юридик ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида муайян тоифадаги жиноят ишлар бўйича гумон қилинувчи айбланувчи ва судланувчиларга нафақат дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида балки апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида ҳам адвокатлар томонидан бепул юридик ёрдам кўрсатилиши ва адвокатларнинг ушбу ҳаражатлари




ҳам давлат ҳисобидан қопланиши белгиланди. Мазкур меъёрий ҳужжат қабул қилингунга қадар жиноят ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчиларни фақат дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида бепул юридик ёрдам билан таъминлаш назарда тутилган эди.

Шунингдек, ушбу меъёрий ҳужжатда давлат ҳисобидан қатнашган адвокатлар меҳнатига давлат томонидан тўланадиган тўлов миқдорини оширилиши ва тўловларни ўз вақтида тўланишини таъминловчи ҳуқуқий механизм ҳам белгилаб берилди.

9-жадвал

Тайнлов асосида адвокатлар қатнашган жиноят ишлари сони



Жиноят ишлар бўйича фуқароларни бепул юридик ёрдам олиш имкониятларини кенгайтирилганлиги натижасида ушбу даврда жиноят ишлар бўйича адвокатлар тайнлов асосида қатнашган ишлар сони ҳам ошди. Хусусан, адвокатлар тайнлов асосида 2013 йилда 59 802 та, 2014 йилда 66 566 та, 2015 йилда 70 830 та, 2016 йилда 72 010 та, 2017 йилда 78 062 та, 2018 йил 6 ойида 28 866 та жиноят ишларига қатнашган. Ушбу рақамларнинг ўзи ҳам жиноят ишлар бўйича фуқароларнинг юридик ёрдам олиш имкониятлари кенгайиб борганлигидан далолат беради.

Шунингдек, 2017 йил 29 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Жиноят қонунчилигига ҳам ўзгартириш киритилиб ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ишлар тоифасига:

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда;
- апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди томонидан кўриладиган ишларда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Ушбу ҳолат ҳам жиноят судловнинг ҳар қандай босқичида шахсларга адвокат томонидан бепул малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқини кафолатлади.

2008-2017 йилларда адвокатура ва адвокатларнинг солиқ тўловлари

Адвокатлик тузилмалари ва адвокатларни солиққа тортилиши билан боғлиқ мунозарали ҳолатлар адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари, адвокатлик бюrolари ва адвокатларга солиқ солишнинг алоҳида тартиблари Солиқ қонунчилигида белгилаб қўйилгунга қадар давом этди.

Солиқ кодексига адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакллари ҳисобланган адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюrolари нодавлат нотижорат ташкилотлар сифатида кўрсатилиб, фаолиятнинг адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш билан



боғлиқ қисми бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан озод этилиши белгилаб қўйилди. Бунинг натижасида адвокатлик тузилмаларини хусусан адвокатлик фирмаларини тижорат ташкилот сифатида солиққа тортиш бўйича нотўғри амалиётга барҳам берилди.

2008-2017 йиллардаги мавжуд муммолар

Ривожланишнинг ушбу босқичида адвокатура институти янада такомиллаштириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш, суд ишларининг барча босқичларида томонларнинг тортишув принципларини тўлақонли амалга оширилишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган юридик ёрдамни сифат ва самарадорлигини ошириш, адвокатларнинг мақоми ва касб малакаларига қўйиладиган талабларни кучайтирилиши ҳамда адвокатларнинг касбий фаолияти кафолатларини таъминлашга қаратилган Қонунчилик базаси янада такомиллаштирилиб, ушбу йўналишда муайян вазифалар амалга оширилди. Лекин шунга қарамасдан соҳа қончилигидаги айрим нормаларни амалга ошириш механизмларининг мукамал эмаслиги ва айрим ҳуқуқий муносабатларни қонунчиликда белгиланмаганлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муайян камчиликлар адвокатуранинг замон талаби даражасида ривожланишига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар борлигини кўрсатди. Хусусан:

- 1) Жиноят ишлар бўйича ҳимояни амалга ошириш жараёнида суриштирув ва тергов органларининг айрим ходимлари томонидан адвокатларни ҳимоя остидаги шахслар билан дастлабки учрашувларига тўсқинлик қилиши, айрим ҳолатларда суриштирув ва терговнинг дастлабки материаллари билан танишишларига изн бермаслик ҳолатлари мавжуд бўлиб, уларнинг ушбу ҳатти-ҳаракатлари юзасидан адвокатларнинг шикоятларини кўриб чиқишнинг таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги боис адвокатларнинг ҳимоя остидаги шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш ва уларнинг қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш имкониятларини чекланишига сабаб бўлди.
- 2) Юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат томонидан сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган нусхаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериши шарт бўлган давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш билан боғлиқ адвокатнинг ҳуқуқи соҳани тартибга солувчи қонунда белгилаб қўйилган ва ушбу талабларни бажармаганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ҳам белгиланганлигига қарамасдан баъзи ҳолларда адвокат сўровига жавоб бермаслик ёки ўз вақтида жавоб бермаслик ёхуд сўров мазмунига мос бўлмаган жавобларни бериш кузатилди. Қонун ҳужжатларида адвокат сўровига жавоб беришнинг аниқ муддатлари белгиланмаганлиги, сўровга жавоб бермаганлик учун мутасадди ташкилотларнинг масъул шахсларини жавобгарликка тортиш билан боғлиқ



механизмлар аниқ кўрсатилмаганлиги боис, адвокатни уларнинг ҳатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш масаласида қилган шикоятлари кўп ҳолларда оқибатсиз қолдирилди.

- 3) Адвокатнинг - юридик ёрдам кўрсатаётган ишдаги зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техник воситалар ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш ҳуқуқий - соҳага оид қонунларда мустаҳкамланиб қўйилган ҳолда, уни амалга ошириш тартиблари (механизми) аниқ белгилаб қўйилмаганлиги боис адвокатни ушбу ҳуқуқдан фойдаланишида айрим муаммолар юзага келди. Хусусан, дастлабки тергов ва суд биносида нусха кўчириш имкониятига эга бўлган техник воситалар (уяли алоқа телефон, фото аппарат ва бошқалар)ни олиб киришга рухсат берилмаганлиги, дастлабки тергов органлари ва судларда мавжуд бўлган нусха кўчириш аппаратларидан аксарият ҳолларда фойдаланишига турли сабаблар билан рухсат берилмаганлиги боис, адвокатлар ўзларига берилган ҳуқуқдан тўлиқ фойдалана олмадилар.
- 4) Жиноят процессуал кодексда ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар белгиланган бўлиб, ушбу тоифадаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига кўра ёҳуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажримига кўра, уларга давлат ҳисобидан ҳимоячи тайинланиши ушбу қарор, ажрим ижроси Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан таъминланиши белгиланган. Давлат ҳисобидан ҳимоячи тайинлаш тартиблари, уларни амалга ошириш механизмлари Қонун ҳужжатида ёки идоравий норматив актларда аниқ белгилаб қўйилмаганлиги боис амалиётда мазкур тоифадаги ишларга қатнашиш учун суриштирув, дастлабки тергов органлари томонидан Палатанинг ҳудудий бошқармаларини четлаб ўтиб тўғридан-тўғри муайян адвокатлик тузилмаларига ёки адвокатларнинг ўзларига мурожаат қилиш амалиёти юзага келди. Бу ҳолат эса тайинлов асосида ишларга мунтазам равишда маълум бир гуруҳ адвокатларни иштирок этиши ва ушбу адвокатлар аксарият ҳолларда суриштирувчи, терговчи ёки судья манфаатларига тўғри келадиган позицияда ҳимояни амалга ошириб, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг қонуний манфаатларини халол ва малакали ҳимоя қилинмаслига сабаб бўлди.
- 5) Соҳани тартибга солувчи Қонун ҳужжатларда Адвокатлар Палатаси раисини лавозимига сайлаш ва уни муддатидан олдин чақириб олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномасига асосан амалга оширилиши, шунингдек, ўзини - ўзи бошқариш органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси



худудий бошқармалари бошлиқларини Республика Палатаси раиси томонидан лавозимига тайинланиши ва озод этилиши белгиланган бўлиб, ушбу ҳолатлар Халқаро ҳужжатларда белгиланган адвокатура институти ва адвокатлик фаолиятининг мустақиллик принципларига ҳамда соҳага оид халқаро нормалар табиатига зид. Чунки соҳага оид халқаро ҳужжатларда ва ривожланган давлатларининг адвокатура қонунчилигида адвокатура ўзини - ўзи бошқариш органи раҳбарлари тайинлов асосида эмас балки адвокатлар томонидан альтернатив йўл билан очиқ-ошқора демократик тартибда сайланиши белгилаб қўйилган.

- 6) Адвокатлик тузилмалари (ҳайъат, фирма, бюро) ўртасидаги фарқли жиҳатлар, молиявий хўжалик фаолияти бошқарув тартиблари соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилмаганлиги боис бу соҳада турли амалиёт вужудга келган.
- 7) ЎзР АП фаолиятига оид муҳим масалалар хусусан бошқарув органлари аъзоларининг (Бошқарув аъзолари, Тафтиш комиссияси аъзолари, раис ўринбосарлари) лавозимидан озод қилиш, конференциялар оралиғида янги аъзоларни сайлаш ёки тайинлаш масалаларини қонун ҳужжатларида эмас корпоратив ҳужжатларда белгиланганлиги амалиётда Палата бошқарув органларини шакллантиришда давлат органлари мансабдор шахсларининг таъсир кўрсатиш имкониятини яратади.
- 8) Адвокатларнинг касб этикаси Қоидаларига, адвокатлар учун бажарилиши мажбурий бўлган бошқа корпоратив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ва мулоҳазаларни адвокатлар ўртасида очиқ-ошқора муҳокама қилиш механизми яратилмаганлиги боис ушбу ҳужжатларни ижросини таъминлашда баъзи адвокатлар ўртасида айрим тушунмовчиликлар ва норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Юқорида қайд этиб ўтилган Қонун ҳужжатларидаги муайян бўшлиқлар, номувофиқликлар ҳамда адвокатлик фаолиятини лозим даражада амалга оширилишига тўсиқ бўлаётган амалиётдаги айрим муаммолар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.2018 йилдаги “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармонида ҳам кўрсатиб ўтилди ва уларнинг қонуний ечими Фармон талабларидан келиб чиқиб 2018 йил 12 октябрда қабул қилинган “Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунда ҳам ўз аксини топди.



III. ЎЗБЕКИСТОНДА АДВОКАТУРАНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ

2018 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, унда сўнги йилларда мамлакатда кучли, мустақил Адвокатура тизимини барпо этиш йўлида амалга оширилган ислохотлар, уларнинг ижобий натижалари эътироф этилиши билан бирга Адвокатура институтининг бугунги кун талаби даражасида ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ҳам кўрсатиб ўтилди ва Адвокатурани ислох қилишнинг қуйидаги йўналишлари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси (кейинги ўринларда “Палата” деб юритилади) Республикада фаолият кўрсатаётган адвокатларни корпоратив бирлигини таъминлаш, касбий ҳимоя қилиш ва барча ташкилотлар олдида уларни манфаатларини ифода қилиш мақсадида касбий бирлашма сифатида ташкил этилган бўлишига қарамай у ўзининг 10 йиллик фаолияти давомида вазифасини тўлақонли бажармади. Фармонда таъкидланганидек унинг адвокатура институти ҳимоячиси сифатидаги роли пасайиб бюрократик ташкилотга айланиб кетди. Шу боис Президент Фармонида Адвокатлар палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш унинг ваколатини кенгайтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилди.

Фармонда Адвокатлар палатаси зиммасига фармоннинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ замонавий талаблар, адвокатура фаолиятининг кафолатларини амалда таъминлаш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида қонуний манфаатларини қўллаб - қувватлашга алоҳида эътибор қаратгани ҳолда ўз ишини қайта йўналтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгилаш вазифаси юклатилди.

А) Фармонда **Адвокатлар палатаси ҳузурида Этика комиссиясини ташкил этиш** белгиланган чора-тадбирларнинг бир йўналиши сифатида назарда тутилди. Мазкур комиссиянинг ташкил этиш зарурияти шу билан изоҳланадики, Адвокатлик фаолиятининг асосий тамойилларини ва ахлоқий мезонларини белгилаб берувчи Адвокатлар касб этика Қоидаларини амалиётда қўллашда турли талқинлар мавжуд бўлиб, айрим ҳолларда улар амалдаги қонунчиликка зид равишда фойдаланилиб келинаётган, бу эса айрим тушунмовчиликлар ва ноаниқликларни келтириб чиқараётган эди. Ташкил этилиши назарда тутилган Этика комиссияси эса айнан мазкур муаммоларни бартараф этиш ёки олдини олишга қаратилди.



Этика комиссияси Адвокатлар касб этикаси қоидаларини амалиётда қўллаш бўйича шарҳлар, тушунтириш бериш ва бошқа функцияни амалга ошириш билан шуғулланадиган мустақил янги орган ҳисобланиши, унинг қабул қилган қарор, фармойиш ва тушунтиришларини ижро этиш барча адвокатлар, адвокатлик тузилмалари ва Адвокатлар палатаси учун мажбурийлиги Фармонда бевосита кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, Этика комиссияси соҳага оид халқаро андозалар ва миллий қонунчилигимиз ҳамда касбий амалиётдан келиб чиқиб адвокатлик фаолиятининг стандартларини ишлаб чиқади ва уни амалиётда татбиқ этилишига кўмаклашади. Президент Фармони талабларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузурида Этика комиссияси тузилиб, унинг Низоми тасдиқланди.

Б) Президент Фармонида Палата зиммасига гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатлик тузилмани автоматик равишда белгиловчи, бир адвокатнинг қайта-қайта жалб этилишига, учинчи шахсларнинг бу жараёнга аралашувига йўл қўймайдиган механизмлари жорий этиш вазифаси ҳам юклатилди.

Фармонда назарда тутилган жиноий иш бўйича давлат ҳисобидан ҳақ тўланадиган ишларга адвокатларни иштирокини тартибга солиш масаласини долзарблиги шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 52-моддаси талаблари бўйича жалб қилинаётган адвокатларни суриштирув, дастлабки тергов ва суд ишларига жалб қилишни самарали механизми мавжуд эмаслиги боис амалиётда айрим нохуш ҳолатлар ва муайян муаммолар юзага келаётган эди. Шу боис Президент Фармони талабларидан келиб чиқиб, Палата томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатлик тузилмани автоматик равишда белгиловчи янги тартиб ишлаб чиқилди. Адвокатлар палатаси томонидан ишлаб чиқилган тартиб мазкур тоифадаги ишларда содир бўлиши мумкин бўлган турли суиистеъмолчиликлар хусусан; ўзига таниш бўлган адвокатни доимо жалб қилиш, касбини виждонан бажарадиган адвокатларни гарчи навбатчилик рўйхатига киритилган бўлсада таклиф қилмаслик, муайян гуруҳ адвокатларни давлат ҳисобидан катта ҳажмдаги иш билан таъминлангани ҳолда аксарият адвокатларда бундай тоифадаги ишларда иштирокини мутлақо таъминланмаслиги ва бошқа салбий ҳолатларни олдини олишга қаратилган.

В) Президент Фармонида адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини адвокатлар палатаси билан келишилиши шартлиги ҳамда унинг раиси қонун лойиҳалари парламентда муҳокама қилиниши жараёнида иштирок этиб ўз фикрини билдиришга ҳақли эканлиги белгиланди. Адвокатура ўзини-ўзи бошқариш органи бўлган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг раисига бундай ваколатнинг берилиши адвокатуранинг жамиятдаги мавқеи ва нуфузини янада ошириш баробарида суд- ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ Қонун ҳужжатларини ишлаб



чиқилиши ва уни такомиллаштириш жараёнида бевосита адвокатларнинг иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилади. Таъкидлаш жоизки МДХ мамлакатларида ва ривожланган давлатларнинг аксариятида адвокатларнинг касбий бирлашмаси ва унинг раҳбарида бундай ваколат мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича Президент Фармонида белгиланган айрим йўналишлар талабларидан келиб чиқиб, 2018 йил 12 октябрда қабул қилинган “Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунида ҳам ўз аксини топди. Ушбу Қонун билан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан Адвокатлар палатаси раисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этишга ва улар юзасидан фикр-мулоҳазалар юритишга ҳақли эканлиги Қонуннинг 12-3* моддасида мустаҳкамланиб қўйилди. Шунингдек, мазкур моддада Адвокатлар палатаси раисининг ваколат муддатининг чегараси ҳам аниқ кўрсатилиб, унда айни бир шахсни кетма-кет икки муддатдан ортиқ Палата раиси бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Қонунчиликка киритилган ушбу ўзгартириш адвокатлар палатаси бошқарув тизимини такомиллаштириш, бошқарувда умумэтироф этилган тамойилларни жорий этиш йўлида қўйилган муҳим қадамлардан биридир.

Адвокатларнинг касбий фаолиятини такомиллаштириш

А) Президент фармонида белгилаб берилган масалалардан бири бу -адвокатларнинг малака даражаларини таъсис этилишидир. Бундан кўзланган мақсад - адвокатура тизимида меҳнат қилиб келаётган адвокатларни иш стажига қараб рағбатлантириб бориш, ҳалол, сифатли, узоқ йиллар ишлаб касбига садоқатли бўлган, ижтимоий фаол ва жонкуяр адвокатларни бошқа ҳамкасбларига ўрнак қилиб кўрсатиш орқали барча адвокатларга профессионализм руҳини сингдириш, юқори малака даражасини олишга интилиш, касбий маҳоратни такомиллаштириб бориш ва пировард натижада адвокатлик фаолиятини жамиятдаги мавқеини ошириб боришдир. Фармонда белгиланган мазкур талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан “Адвокатларга малака даражаларини бериш тартиби тўғрисида” Низом ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Ушбу Низомда малака даражасига талабгор шахсларни тавсия этиш жойлардаги малака комиссияларининг хулосасига асосан амалга оширилиши ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси томонидан берилиши назарда тутилди.

Мазкур ҳужжатда камида 5 йил адвокатлик иш стажига эга бўлган адвокатларга III малака даража, 10 йил адвокатлик стажига эга бўлганларга II малака даража, 15 йил адвокатлик стажига



эга бўлган адвокатларга I малака даража, 20 йил ва ундан ортиқ иш стажига эга адвокатларга Олий малака даражаларини бериш кўзда тутилган.

Адвокатларга малака даражаларини бериш масаласи Президент фармонида кўрсатиб ўтилган бўлса-да, бу норма Президент фармони талабларидан келиб чиқиб, “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунга киритилган қўшимча ва ўзгартишларда ўз аксини топмади. Адвокатларга малака даражаларини бериш тартиби ва тамойиллар тўғридан-тўғри тизимни тартибга солувчи Қонунларда белгиланмаганлиги ва Палата томонидан қабул қилинган Низом фақат адвокатлар учун бажарилиши мажбур бўлган лекин Қонун кучига эга бўлмаган корпоратив ҳужжат бўлганлиги боис Президент Фармони қабул қилинганига бир йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, Адвокатларга малака даражаларини бериш масаласи амалиётда тадбиқ этилмади.

Б) Президент Фармонида фаолият юритаётган адвокатлар ва янгидан адвокат мақомини олган шахслар Адвокатлар палатаси томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган ҳар бир танланган мутахассислик бўйича алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатиши белгиланди. Бундан кўзланган асосий мақсад аввало хориж тажрибасидан келиб чиқиб, адвокатларни ҳуқуқ соҳасининг муайян йўналишлари бўйича ихтисослаштириш орқали юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган юридик ёрдам сифатини ошириш, шунингдек, глобаллашув жараёнида замон талабларига жавоб берадиган малакали адвокатларни шакллантиришдан иборат. Мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб 2019 йил 1 январдан бошлаб Адлия идоралари томонидан фаолият кўрсатаётган барча адвокатларга қайта малака имтиҳонларини топширмаган ва расмийлаштириш учун йиғим тўлашдан озод этилган ҳолда танланган мутахассислик бўйича адвокатлик лицензиялари расмийлаштириб берилди. Янгидан адвокатлик лицензиясини олиш учун талабгорларга танланган ихтисослик бўйича малака имтиҳонларини топшириш тартиби белгиланди.

Касбий фаолиятни ихтисослаштириш бўйича Президент фармонида белгиланган мазкур тартиб ушбу Фармонга асосан Адвокатура тизимини тартибга солувчи Қонун ҳужжатларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларда ўз аксини топмади. Адвокатларни муайян мутахассислик бўйича ихтисослашувини назарда тутган нормалар Қонун ҳужжатларида белгиланмаганлиги, уларнинг амалиётда тадбиқ этиш механизмлари ва тартиблари Қонунда тўғридан тўғри белгиланмаганлиги боис бу йўналишда жиддий ўзгаришлар рўй бермади. Адвокатларга қайтадан расмийлаштириб берилган лицензияларда уларнинг ихтисоси кўрсатиб ўтилган ҳолда, адвокатлар илгариги каби ҳуқуқнинг барча йўналишлари бўйича юридик ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, адвокатларнинг ихтисослашуви амалиётда деярли сезилмади.



Адвокатлик мақомини бериш ва ундан маҳрум этиш

А) Президентнинг юқорида қайд этилган Фармони билан Адвокатлик мақомини олишга қўйилган талаблар бир мунча енгиллаштирилди.

Хусусан, Фармонда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировка ўташ муддати олти ойдан уч ойга қисқартирилиши, бунда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил фаолият юритган шахсларга мажбурий стажировка ўтамасдан малака имтиҳонларини топшириш ҳуқуқи белгиланди. Мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3¹-моддаси га тегишли ўзгартириш ва қўйишлар киритилди.

Адвокатлик мақомини олишга қўйилган талабларни бир мунча енгиллаштирилиши эркин касб сифатида адвокатлик касби нуфузини оширишга қаратилган бўлсада, ушбу ҳолатда адвокатура соҳасининг ва адвокатлик касбининг ўзига хос алоҳида жиҳатлари эътиборга олинмаган кўринади. Гарчи корхона, муассаса, ташкилот юристлари ҳамда судья, терговчи, прокурорлар ўз соҳаларида муайян тажриба ва касб малакаларига эга бўлсаларда, адвокатура соҳаси улар учун бутунлай янги касб ҳисобланади. Шу боис стажировка ўтамасдан, яъни адвокатлик касбининг сир-асрорларини, адвокатурага оид иш юритув ҳужжатларни расмийлаштириш тартибларини ўрганмасдан адвокатлик фаолиятини бошлаши амалиётда дастлабки даврда муайян қийинчилик ва тушунмовчиликларни келтириб чиқариши, бу эса, охир оқибат улар томонидан малакасиз юридик ёрдам кўрсатилишига олиб келиши мумкин. Шу боис бизнинг назаримизда, адвокатура соҳасига кириб келаётган барча талабгорларни мажбурий стажировка ўташни назарда тутувчи илгариги тартиб сақланиб қолиши мақсадга мувофиқ эди.

Б) Президент Фармонида лицензияни тугатиш учун асос бўладиган адвокат томонидан узрли сабабларсиз ўз касб мажбуриятларини бажармаслик муддати амалдаги уч ойдан олти ойга узайтирилди. Адвокатнинг касб этикаси Қоидалари талаблари, адвокатлик сирини ва адвокат қасамёди мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганда, адвокатнинг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда, шунингдек, лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган муддатларда бартараф этмаганда, лицензиянинг амал қилишини тугатиш фақат суд томонидан амалга оширилиши белгиланди.

В) Адвокат лицензиясини амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уни тугатиш тартибини такомиллаштириш бўйича фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддасига ўзгартиш ва



қўшимчалар киритилди. Унда лицензияни амал қилишини тугатиш учун судга мурожаат қилиш тартиби ва асослари, уни кўриб чиқадиган ваколатли суд органи кўрсатиб ўтилди. Хусусан қонунчиликка киритилган ўзгартишга кўра, эндиликда адвокат лицензия амал қилишини тўхтатиб туриш ёки лицензияни амал қилишини тугатиш масаласи Олий малака комиссиясининг хулосаси асосида Адлия вазирлигининг мурожаатига кўра маъмурий суд томонидан амалга оширилади. Адвокатнинг ножўя ҳатти-ҳаракатлари учун интизомий жазо сифатида лицензиясини амал қилишини тўхтатиб қўйиш ёки уни тугатишни фақат суд орқали амалга ошириш тартибини белгиланиши, халқаро ҳуқуқ нормаларига ва миллий қонунчилигимизнинг демократик тамойилларига мос бўлиб, ушбу жараёнда очиқлик, шаффофлик таъминланади ва адвокат суднинг қароридан норози бўлган тақдирда қонунда белгиланган тартибда юқори инстанция судларига шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шунингдек, фармон талабларидан келиб чиқиб, “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 15, 16 моддалари янги таҳрирда баён этилиб унда лицензия амал қилишини тўхтатиб туриш ёки лицензия амал қилишини тугатишнинг қўшимча асослари, муддатлари кўрсатилди.

Касбий фаолиятнинг кафолатлари

А) Адвокатнинг ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган ҳимоя остидаги шахс билан муддати ва сони чекланмаган ҳолда учрашиш ҳуқуқини таъминловчи кафолатлар амалдаги Жиноят процессуал кодексига, адвокатура фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиб қўйилганлигига қарамасдан, адвокатнинг ушбу касбий вазифасини амалга ошириш жараёнида суриштирув, тергов органларининг айрим мутасадди шахслари томонидан қонуннинг ушбу талабларига риоя қилинмасдан учрашувга рухсат беришда қўшимча тасдиқ хатларини талаб қилиш ёки турли баҳоналар билан учрашувга рухсат беришни пайсалга солиш амалиёти давом этиб келаётган эди.

Адвокатларнинг касбий фаолиятларини тўлақонли амалга оширишдаги амалиётда учрайдиган мавжуд муаммолар, сунъий тўсиқлар Президент Фармонида ҳам эътироф этилиб, уларни бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий нормалар белгиланди.

Адвокатларни ўзларининг ҳимоя остидаги шахслар билан аудио ва видеокузатув қурилмалари бўлмаган махсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашишини таъминлаш Президент Фармонида кўрсатилиб, ушбу норма Адвокатура тўғрисидаги Қонунда мустаҳкамланиб қўйилди.

Б) Адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатаётган ишдаги зарур маълумотларни ёзиб олиш, техника воситалар ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш ҳуқуқи “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасида, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 53-моддасида белгиланган бўлса-да, уни



амалга ошириш механизми қонун ҳужжатларида аниқ белгиланмаганлиги, яъни ишдаги маълумотлардан нусхалар олишга мўлжалланган техника воситаларини (компьютер, фотоаппарат, нусха кўчириш аппаратлари, фото нусхалар олишга мўлжалланган телефон аппаратлари) олиб киришга рухсат берилмаганлиги боис амалиётда адвокатнинг қонунда белгиланган ушбу ҳуқуқларидан фойдаланишда муайян муаммолар юзага келаётган эди. Айнан Президент фармонида адвокатни ўз профессионал фаолиятини амалга ошириши учун, суд биносига компьютер, мобил ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилганлиги ушбу йўналишдаги муаммоларни бартараф этишнинг ҳуқуқий механизми сифатида хизмат қилди.

Президент Фармонида кўрсатиб ўтилган адвокатнинг ушбу ҳуқуқлари қонун ҳужжатларига ҳуқуқий норма сифатида киритилмаган бўлсада, уни амалга ошириш механизми суд органлари томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топди ва адвокатлар суд биноларига компьютер техникаси, мобил алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Аммо адвокатнинг профессионал фаолиятини амалга ошириш бўйича қонунда белгиланган мазкур ҳуқуқлари тўлақонли амалга оширилди деб бўлмайди. Президент Фармонида компьютер, мобил ва бошқа алоқа воситаларини фақат суд биносига олиб киришга ҳақли эканлиги кўрсатилганлиги боис, адвокатларни ҳуқуқни муҳофаза этувчи идорлар (Ички ишлар, прокуратура, ДХХ) биноларига компьютер, мобил ва бошқа алоқа воситаларини олиб киролмаслиги улардан касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида фойдаланиш имкониятлари ҳамон чекланмоқда.

В) Юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат томонидан сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериши шарт бўлган давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилотлардан маълумотномалар ҳамда бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш ҳуқуқи 1996 йида қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида адвокатнинг ҳуқуқларидан бири сифатида белгиланган бўлсада қонунда адвокатнинг сўровига жавоб беришнинг аниқ тартиб ва муддатлари ҳамда адвокат сўровига ўз вақтида жавоб бермаслик ёки умуман жавоб бермаганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги аниқ кўрсатилмаганлиги боис, амалиётда айрим мансабдор шахслар томонидан адвокат сўровига безътибор бўлиб, унга жавоб бермаслик ёки сўров мазмунига мос бўлмаган жавоб бериш каби салбий ҳолатлар кузатилаётган эди.

Ушбу йўналишда амалиётда учраётган муаммолар Президент Фармонида ҳам кўрсатиб ўтилиб, уни ҳал этишнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланди.



Хусусан, Фармонда адвокатларнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган, давлат ва бошқа органлардан ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини олиш учун сўровлари, сўров қабул қилинган пайтдан бошлаб кўпи билан ўн беш кун муддатда, баъзи ҳолларда уч кунлик муддатда бажарилиши шартлиги, шунингдек, адвокат сўровига кўра, маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаслик, ёлфон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганликда айбдор мансабдор шахслар адвокатнинг баённома тузмасдан судга тўғридан-тўғри мурожаатига асосан белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилиши кўрсатиб ўтилди.

Президент Фармонида кўрсатиб ўтилган мазкур ҳуқуқий механизмлар “Адвокаура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳам бевосита ўз аксини топган бўлиб, унда илк бор адвокат сўровига ҳуқуқий тушунча берилди. Шунингдек, қонунда Адвокат сўровини расмийлаштириш ва юбориш тартиблари, адвокат сўровига жавоб беришнинг аниқ муддатлари, давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилот мансабдор шахсларнинг адвокат сўровига муносабати ва уларнинг масъулияти кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари Президент фармони талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодексига ҳам тегишли қўшимча ва ўзгартириш киритилиб, унда адвокат сўровига жавоб тақдим этмасликда ёки ахборотни ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд била туриб ёлфон ёки нотўғри ахборот тақдим этишда ифодаланган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун маъмурий жазо чоралари кучайтирилди.

Инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини адвокатура соҳасига жорий этиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги Фармонида илова сифатида берилган Адвокатура институтини янада такомиллаштиришга доир комплекс чоратadbирлар дастурида Инновацион ва ахборот – коммуникацион технологияларни адвокатура соҳасига жорий этиш бўйича қуйидаги чора –adbирларни амалга оширилиши белгиланди:

А) Адвокат мақомини олиш учун малака имтиҳонлари ўтказилиши жараёнининг шаффофлигини таъминлаш, шу жумладан, зарур ҳужжатларни электрон тартибда тақдим этиш, уларнинг рўйхатини мақбуллаштириш ва имтиҳон жараёнини реал вақт режимда Интернет тармоғида трансляция қилиш. Аҳолини қизиқтирган мезонлар бўйича (адвокатнинг ихтисослиги, адвокатлик тузилмаси жойлашган жой ва ҳоказо) адвокатларни излаш бўйича электрон сервисни яратиш.

Б) Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси сайтини қуйидагиларни иноватга олган ҳолда модернизация қилиш: статистик ҳисоботларни электрон шаклда олиш; замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, хусусан вебинар ўтказиш йўли билан ўқитиш;



on-line маслаҳат бериш; электрон кутубхонадан фойдаланиш; “Адвокат” журналини электрон кўринишда эълон қилиш; сайтни уч (ўзбек, рус ва инглиз) тилда юритиш.

В) Гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчига давлат ҳисобидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи адвокатни автоматик равишда танлаш бўйича махсус электрон тизимни жорий этиш.

Г) Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш учун ариза ва бошқа ҳужжатларни электрон тақдим этиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Д) Адвокатлар ва адвокатлик тузилмаларининг ягона электрон реестрини шакллантириш, расмийлаштирилган гувоҳномалар беришни ҳисобга олиш китобини электрон шаклда юритиш.

Е) Адвокатлар ишонч билдирувчи (ҳимоя остидаги шахс) билан ўзлари учун қулай бўлган вақтда учрашиши учун ахлоқ тузатиш ва тергов ҳибсхоналарига ташриф буюриши режалаштирилгани ҳақида реал вақт режимида олдиндан хабарнома юборишлари мумкин бўлган махсус электрон портал яратиш.

Ж) Адвокатлар касбий малакасини жойларга чиққан ҳолда, шу жумладан видеоконференция ўтказиш йўли билан ошириш амалиётини жорий этиш

Умуман олганда, 2018 йил 12 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва унинг талабларидан келиб чиқиб, адвокатура фаолиятини тартибга солувчи Қонун ҳужжатлари ва бошқа Қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар Адвокатура соҳасида олиб борилаётган узлуксиз ислохотларнинг тадрижий давоми бўлиб унда белгиланган комплекс чора-тадбирлар тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва тизим қонунчилигини янада такомиллаштириш орқали бугунги кун талабига жавоб берадиган мустақил, кучли адвокатурани барпо этишга хизмат қилади.



IV. ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ. МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

Мамлакатимизда узлуксиз равишда амалга оширилаётган ислохотлар кундан-кунга барча соҳаларни ўз ичига қамраб олмоқда. Ислохотлар ва ўзгаришлар жараёнида барча соҳалар билан бир қаторда фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлган адвокатура тизими такомиллашиб бормоқда.

Жамият ҳаётида рўй бераётган инқилобий ўзгаришлар ва янгиланишлар барча тизимларни, шу жумладан, адвокатура соҳасини замон талабига ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириб бориш ва ислоҳ қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шунингдек, жамият тараққиётининг жадал суръатларда ўсиши, хусусан, 1991-2016 йилларда яратилган ҳуқуқий базани тубдан янгилашга киришилиши, суд-ҳуқуқ тизимида ахборот-технологияларидан фойдаланишнинг кучайиши, Ўзбекистонда тадбиркорлик(бизнес) муҳитини яхшиланиб бориши заминида хорижий инвестициялар оқимини кўпайиб бориши ва уларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бизнес соҳасига ихтисослашган адвокатларнинг етишмаслиги ёки чуқур ихтисослашган малакали адвокатларни тайёрловчи даргоҳларнинг мавжуд эмаслиги каби омиллар ҳам бундан кейин адвокатура институтини янада ислоҳ қилишни тақозо этади.

Адвокатуранинг янада ислоҳ қилиш зарурияти ва долзарблиги соҳани тартибга солувчи ҳар икки қонунни (“Адвокатура тўғрисида” ва “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунлар) амалиётда қўллаш жараёнида юзага келган ва келаётган муаммолар, баъзи нормаларнинг декларатив характерга эга эканлиги, уларни ижро этиш механизмларининг яратилмаганлиги, қонун ҳужжатларидаги айрим ноаниқликлик ва номувофиқликлар ҳамда тизим ривожланишига тўсиқ бўлаётган салбий ҳолатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни умумлаштирган ҳолда қонун ҳужжатларига комплекс ўзгартишлар киритиш ва ягона “Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида” янги қонун қабул қилишдан иборат.

Адвокатура тизимида амалга оширилиши лозим бўлган кейинги ислохотлар қуйидаги йўналишларни қамраб олиши лозим:

- 1) Адвокатураниннг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва бошқарув тизимини янада такомиллаштириш;



- 2) Адвокатлик мақомига эга бўлиш ва ундан маҳрум этиш, фаолиятни лицензиялаш масаласини қайта кўриб чиқиш;
- 3) Адвокатларнинг ижтимоий ва касбий ҳимоясини кучайтириш;
- 4) Адвокатлик тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш;
- 5) Юридик ёрдам сифати ва самарадорлигини ошириш;
- 6) Адвокатларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда касб малакаларини ошириш тизимини такомиллаштириш;
- 7) Адвокатларнинг процессуал ваколатларини кенгайтириш ва жиноят судлов жараёнида адвокатларнинг процессуал тенглигини амалда таъминлаш;
- 8) Юридик хизмат бозорини кенгайтириш ва чет эл адвокатларини Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш тартиб-тамойилларини жорий этиш;
- 9) Адвокатура ва давлат муносабатларини либераллаштириш.

1. Адвокатуранинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва бошқарув тизимини янада такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–3993-сон Фармони ва ундан келиб чиқиб, қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 112-сон қарорига асосан адвокатларнинг жамоат бирлашмаси сифатида фаолият кўрсатиб келган Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси негизида барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди. Мазкур Фармон ва қарордан келиб чиқиб, “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилиб, унда адвокатлар палатасининг ташкилий тузилмаси, Палата раиси, ўринбосарларини лавозимларга тасдиқлаш, Палатанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бошқармаларини ташкил этиш, бошқарма бошлиқларини лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, палатага аъзолик, аъзоларнинг кириш ва аъзолик бадалларини белгилаш каби масалалар алоҳида ҳуқуқий норма сифатида белгиланди.

Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларини ташкил этиш, бошқарув органларини шакллантириш, Палата фаолиятини бошқариш тартибини белгиловчи амалдаги қонунчилик нормалари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи миллий қонунчилик ҳамда адвокатура фаолиятига тааллуқли халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига унчалик мос эмаслигини амалиёт кўрсатмоқда.



Соҳани тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатларида Адвокатлар палатаси раисини лавозимига сайлаш ва уни муддатидан олдин чақириб олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномасига асосан амалга оширилиши, шунингдек ўзини-ўзи бошқариш органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармалари бошлиқларини Республика палатаси раиси томонидан лавозимига тайинланиши ва озод этилиши белгиланган бўлиб, ушбу ҳолатлар халқаро ҳужжатларда белгиланган адвокатура институти ва адвокатлик фаолиятининг мустақиллиги принципларига ҳамда соҳага оид халқаро нормалар табиатига зид ҳисобланади. Чунки соҳага оид халқаро ҳужжатларда ва ривожланган давлатлар адвокатура қонунчилигида адвокатура ўзини-ўзи бошқариш органи раҳбарлари тайинлов асосида эмас, балки адвокатлар томонидан альтернатив асосда очиқ, ошқора демократик тартибда сайланиши белгилаб қўйилган.

Адвокатлар палатасини ташкил этиш, бошқарув органларини шакллантириш ва палата фаолиятини бошқаришнинг амалдаги шакли давлат органлари фаолияти каби қуйи органларнинг юқори органга тўғридан-тўғри бўйсунуши тамойили асосида ташкил этилганлиги Адвокатлар палатасини адвокатларнинг назорат қилувчи органига айланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари Адвокатлар палатаси фаолиятига оид муҳим масалалар, хусусан бошқарув органлари аъзоларининг (Бошқарув аъзолари, Тафтиш комиссияси аъзолари, раис ўринбосарлари) лавозимидан озод қилиш, конференциялар оралиғида янги аъзоларни сайлаш ёки тайинлаш масалаларини қонун ҳужжатларида эмас, корпоратив ҳужжатларда белгиланганлиги, шунингдек, ҳудудий бошқармалар фаолиятини тартибга солувчи айрим меъёрларни қонун ҳужжатларида белгиланмаганлиги амалиётда Палата бошқарув органларини шакллантиришда давлат органлари мансабдор шахсларининг таъсир кўрсатиш эҳтимолини вужудга келтиради.

Таклиф: Адвокатура ўзини-ўзи бошқариш органи ҳисобланган Адвокатлар палатаси фаолиятини танқидий равишда қайта кўриб

Республика бўйича адвокатлар ўртасида 2019 йил июнь-июль ойларида ўтказилган сўров натижаларига кўра, сўровда қатнашган адвокатларнинг 53 фоизи “Ҳудудий бошқарма раҳбарлари ҳудуддаги барча адвокатлар томонидан ҳудудий адвокатлар конференциясида альтернатив кўрсатилган номзодлар орасидан очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан бевосита сайланиши, Республика Адвокатлар палатаси раиси эса, Республика адвокатлар съездида бевосита адвокатлар томонидан кўрсатилган альтернатив номзодлар орасидан тўғридан тўғри очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланиши лозим” деган таклифни билдиришган.



чиқиш ва унинг фаолиятини адвокатурани мустақиллик принципларига мос равишда ислоҳ қилиш зарур.

Адвокатлар палатаси қуйидаги мезонлар асосида ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, Адвокатура ўзини-ўзи бошқариш органини адвокатларнинг хоҳиш-иродаси ва ташаббуси билан ташкил этиш ҳамда бошқаришда бевосита уларнинг иштирокини таъминлаш;

Иккинчидан, Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаларини ҳудудий бўлимлар деб номлаш ва ҳудуддаги адвокатларнинг умумий йиғилиши қарори билан ташкил этиш (бошқармалар асосан давлат органларида ташкил этилади)

Учинчидан, ҳудудий бўлимларнинг бошқарув органларини (ҳудудий бўлим раёсати, раҳбари, тафтиш комиссияси ва малака комиссияси) ташкил этиш ва адвокатларнинг умумий йиғилиши (Конференцияси)да сайлаш ёки тасдиқлаш;

Тўртинчидан, ҳудудий бўлим раиси лавозимига тавсия этиладиган номзод ҳудудда камида беш йил фаолият кўрсатган ва камида беш йиллик адвокатлик иш стажига эга бўлган сўнгги бир йил ичида интизомий жавобгарликка тортилмаган бўлиши;

Бешинчидан, ҳудудий бўлим раисини адвокатлар умумий йиғилиши (Конференция)да очиқ-ошкора, муқобиллик асосида ёпиқ овоз бериш йўли билан 2 йиллик ваколат муддатига сайлаш;

Олтинчидан, Адвокатлар палатаси раисини лавозимига сайлаш ва уни муддатидан олдин лавозимидан озод этиш фақат Адвокатлар палатаси Конференциясининг мутлақ ваколатига тегишли бўлиши, Адвокатлар палатаси раислигига номзодлар ҳудудий бўлимлар томонидан кўрсатилиши, номзодлар тўғрисидаги маълумот ва номзоднинг сайловолди дастури Адвокатлар палатаси Конференциясини ўтказишдан камида уч ой олдин Адвокатлар палатасига юбориш ҳамда палата номзод тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари, электрон ҳужжатлар айланиши тартибда адвокатлар муҳокамасига ҳавола этиши;

Еттинчидан, Адвокатлар палатаси раислигига тавсия этиладиган номзодлар шахсига нисбатан қуйидаги талаблар қўйиш, яъни камида 10 йиллик адвокатлик иш стажига, ҳаётӣ, касбий ва бошқариш соҳасида муайян иш тажрибга эга бўлиши ва у кетма-кет икки муддатдан ортиқ сайланмаслиги;

Саккизинчидан, Адвокатлар палатаси Конференциясини чақириш муддатини 5 йилдан 4 йилга қисқартириш ва Адвокатлар палатаси раисининг ваколат муддатини шунга мувофиқлаштириш.

Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятини ташкил этиш, раҳбар органларини сайлаш, ҳудудий бўлимлар ҳузуридаги малака комиссиялари фаолиятини ташкил



этиш каби принципиал нормалар ички меъёрий ҳужжатларда эмас, балки бевосита адвокатура фаолиятини тартибга солувчи қонунларда мустаҳкамланиб қўйилиши лозим.

Бундан ташқари адвокатура тизимидаги ислоҳотларнинг кейинги босқичида адвокатурани бошқа хорижий давлатлар адвокатура институтлари, юридик соҳа бўйича халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларига киришиши ҳамда ихтиёрийлик асосида уларга аъзо бўлиши замон талаби ҳисобланади. Адвокатура соҳасида халқаро алоқаларни йўлга қўйиш адвокатуранинг ўзини-ўзи бошқариш органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси орқали амалга оширилиши лозим. Адвокатлар палатасининг халқаро соҳадаги ваколат ва вазифалари соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланмаганлиги боис ушбу йўналишда амалий ҳаракатлар деярли мавжуд эмас. Мазкур йўналишдаги фаолиятни жонлантириш учун қонун ҳужжатларига Адвокатлар палатасининг халқаро ташкилотларга ихтиёрий аъзолиги, хорижий давлатлар адвокатуралари билан ҳамкорлик масалалари тўғридан-тўғри соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланиши лозим.

Адвокатлар палатасининг халқаро юридик ташкилотларга аъзо бўлиши ва хорижий давлатлар адвокатлари билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйилиши:

биринчидан, соҳага оид халқаро амалиёт ва стандартларни ўрганиш ҳамда уларнинг ижобий томонларини миллий қонунчилигимизга татбиқ этиш;

иккинчидан, соҳага оид ўзаро тажриба алмашиш;

учинчидан, ташкил этиладиган халқаро анжуманларда иштирок этиш орқали дунёда адвокатура институтининг ҳолати ва ривожланишига оид янгиликлардан хабардор бўлиш;

тўртинчидан, хорижий адвокатлар иш тажрибасидан фойдаланган ҳолда юридик ёрдамни такомиллаштириш ва юридик хизмат бозорини кенгайтириш;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси адвокатурасини хорижий ва халқаро кўламда танитиш ва адвокатларни халқаро судларда иштирок этиши имконини беради.

2. Адвокатлик мақомига эга бўлиш ва ундан маҳрум этиш, фаолиятни лицензиялаш масаласини қайта кўриб чиқиш

А) Адвокатура тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнида адвокатлик мақомини олиш учун қўйилган талаблар ҳам босқичма-босқич кучайтириб борилди. Хусусан, 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги қонунда адвокатлик мақомини олиш учун юридик мутахассислик бўйича муайян иш стажига эга бўлиши белгиланмаган эди. Кейинчалик, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги Фармонида асосан “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун 3-1-модда билан тўлдирилди. Унда адвокатлик



мақомини олиш учун юридик мутахассислик бўйича камида икки йил иш стажига эга бўлиш талаби белгиланди.

Адвокатлик мақомини олиш учун қўйилган ушбу талаб адвокатурани билимли ва малакали кадрлар билан тўлдириш, кўрсатилаётган юридик ёрдам сифатини оширишга қаратилган бўлиб, бунинг натижасида бир оз бўлса-да, адвокатлик касбининг нуфузи ва жамиятдаги мавқеи кўтарилди. Лекин шунга қарамасдан, қонунчиликда ушбу талабнинг киритилиши амалиётда айрим салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Хусусан, адвокатлик мақомини олиш учун икки йиллик иш стажига эга бўлиш ҳақидаги талабнинг қонунда мустаҳкамлаб қўйилганлиги олий юридик таълим йўналишини битирган ва адвокатлик соҳасига қизиқиши бўлган, аммо мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлмаган ёшларни адвокатурага кириб келиш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Натижада ёш мутахассислар муайян иш стажига талаб қилинмайдиган юридик соҳанинг бошқа йўналишларини танламоқдалар. Бу эса, охир-оқибат адвокатурани ёш мутахассислар билан тўлдириш йўли билан адвокатлар сонини талаб даражасида ўсишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Агар рақамларга эътибор берилса, 2009 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг умумий сони 4 225 нафарни ташкил этган бўлса, 2019 йил 1 январга келиб бу кўрсаткич 3 944 нафарни ташкил қилган. Яъни 10 йил ичида адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг сонидан ўсиш эмас, аксинча оз бўлса-да, камайиш кузатилган. Шунингдек, 2009 йилда 30 ёшгача бўлган адвокатларнинг сони 244 нафарни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, бу кўрсаткич бор-йўғи 67 нафарни, яъни адвокатлар умумий сонининг 1,7 фоизни ташкил қилган.

10-жадвал



Олий таълим муассасасини битирувчи ёшларнинг бирон бир стажсиз адвокатурага кириб келишига тўсиқ бўлаётган қонунчиликда белгиланган ушбу талаб адвокатлар сафини ўсишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан бири деб айтиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ривожланган давлатларда, масалан, Германия аҳолисининг сони 83 213 591 кишини ташкил этган ҳолда, у ерда 166 843 нафар адвокат фаолият кўрсатади, бунда



Адвокатлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, сўровда қатнашган респондентларнинг бор-йўғи 5,9 фоизи 31-35 ёшгача бўлган адвокатлар ташкил қилади. Сўралган адвокатларнинг 8,3 фоизи олий таълим муассасини битирганидан кейин тўғридан - тўғри адвокатлик фаолияти билан шуғулланиб келаётганлигини кўрсатишган.

ҳар 499 кишига 1 нафар адвокат тўғри келади, Туркия аҳолисининг сони 79 463 663 кишини ташкил этган ҳолда, у ерда 100 124 нафар адвокат фаолият кўрсатади, бунда ҳар 794 кишига 1 нафар адвокат тўғри келади. Франция аҳолисининг сони 68 859 600 кишини ташкил этган ҳолда, у ерда 67 509 нафар адвокат фаолият кўрсатади, бунда ҳар 1020 кишига 1 нафар адвокат тўғри келади. Россия Федерацияси аҳолисининг сони 146 793 744 кишини ташкил этган ҳолда, у ерда 78 491 нафар адвокат фаолият кўрсатади, бунда

ҳар 1 870 кишига 1 нафар адвокат тўғри келади. Украина аҳолисининг сони 41 993 790 кишини ташкил этган ҳолда, у ерда 34 850 нафар адвокат фаолият кўрсатади, бунда ҳар 1205 кишига 1 нафар адвокат тўғри келади. Грузия аҳолисининг сони 3 729 600 кишини ташкил этган ҳолда, у ерда 4 477 нафар адвокат фаолият кўрсатади, бунда ҳар 833 кишига 1 нафар адвокат тўғри келади, Ўзбекистон аҳолисининг сони эса, 32 435 200 кишини ташкил этган ҳолда, 3 946 нафар адвокат фаолият кўрсатади ва бунда 8 220 кишига 1 нафар адвокат тўғри келади.

11-жадвал

БИР НАФАР АДВОКАТГА ТЎҒРИ КЕЛАДИГАН АҲОЛИ СОНИ





Таклиф: адвокатлик мақомини олишга қўйилган юридик соҳа бўйича камида икки йиллик иш стажи талаб қилинаётган амалдаги ҳуқуқий нормани бекор қилиш лозим. Юридик соҳа бўйича иш стажига эга бўлмаган талабгорларга адвокатлик мақомини олиш учун камида олти ойлик стажировкани ўтаб, малака комиссиясида малака имтихонларини муваффақиятли топширганидан сўнг Адвокатлар палатаси хузуридаги малака ошириш курсларида ўз ҳисобларидан бир ой малакаларини ошириш талаби қўйилишининг ўзи kifоя.

Б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПФ–5441-сон Фармонида асосан адвокатлик мақомини олишга қўйилган талаблар янада енгиллаштирилди ва адвокатлик мақомини олиш учун айрим тоифадаги шахсларга имтиёзлар берилди. Хусусан, Фармонга асосан “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 31-моддасига киритилган қўшимча ва ўзгартишларга мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил фаолият юритган шахсларга мажбурий стажировка ўтамасдан малака имтихонларини топшириш ҳуқуқи берилди.

Адвокатлик мақомини олишга қўйиладиган талабларнинг бир мунча енгиллаштирилиши эркин касб сифатида адвокатлик касби нуфузини оширишга қаратилган бўлса-да, ушбу ҳолатда адвокатура соҳасининг ва адвокатлик касбининг ўзига хос алоҳида жиҳатлари эътиборга олинмаган. Гарчи корхона, муассаса, ташкилот юристлари ҳамда судья, терговчи, прокурорлар ўз соҳаларида муайян тажриба ва касб малакаларига эга бўлсаларда, адвокатура улар учун бутунлай янги соҳа ҳисобланади. Шу боис стажировка ўтамасдан, яъни адвокатлик касбининг сир-асрорларини, ўзига хос жиҳатларини ва адвокатурага оид иш юритув ҳужжатларини расмийлаштириш тартибларини ўрганмасдан адвокатлик фаолиятини бошлаши амалиётда дастлабки даврда муайян қийинчилик ва тушунмовчиликларни келтириб чиқариши, бу эса охири-оқибат улар томонидан малакасиз юридик ёрдам кўрсатилишига олиб келиши мумкин. 2016-2017 йилларда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган адвокатларга нисбатан қўзғатилган интизомий ишларнинг тахлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:

Тошкент шаҳрида 2016 йилда 1713 нафар адвокат фаолият кўрсатган бўлса, 2017 йилда фаолият кўрсатган адвокатлари сони 1736 нафарни ташкил қилган. 2016 йилда жами 223 нафар адвокатга нисбатан интизомий иш кўриб чиқилган бўлиб, улардан адвокатурага суд идоралари ва давлат органларидан келганлар 191 нафарни, юридик хизматдан келганлар 27 нафарни, илгаридан адвокат бўлиб ишлаганлар 17 нафарни ташкил этган, 2017 йилда 174 нафар адвокатга нисбатан интизомий иш кўриб чиқилган бўлса, улардан суд идоралари ва давлат органларидан келган адвокатлар 131 нафарни, юридик хизматдан келганлар 34 нафарни ва илгаридан адвокат бўлиб ишлаганлар 9 нафарни ташкил этади.



ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АДВОКАТЛАРГА НИСБАТАН КЎРИБ ЧИҚИЛГАН ИНТИЗОМИЙ ИШЛАР СОНИ



Таклиф: Келажакда ушбу йўналишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олиш ва адвокатлик амалиёти билан шуғулланишга жазм қилган ҳар бир шахсни адвокатурага оид дастлабки кўникмаларини ҳосил қилиш учун соҳага янги кириб келган барча талабгорларни мажбурий стажировка ўташни назарда тутувчи норма қонун ҳужжатида белгилаб қўйилиши лозим.

В) Адвокатлик фаолияти билан узоқ йиллар шуғулланиб қайсидир сабаблар билан (соғлиғи, оилавий шароити, бошқа лавозимга тайинланиши ёки сайланиши ва ҳ.к.) адвокатурадан ўз ихтиёри билан кетиб, орадан бироз фурсат ўтганидан кейин яна адвокатлик мақомига эга бўлиш истагида бўлган шахслар амалиётда кўп учрайди. Амалдаги қонунчиликда мазкур тоифадаги шахсларга адвокатлик мақомини олиш муайян имтиёзлар назарда тутилмаганлиги боис уларга нисбатан ҳам белгиланган муддатда стажировкани ўташ талаби қўйилмоқда. Ушбу ҳолат қайсидир маънода мантиққа тўғри келмайди. Ушбу тоифадаги талабгорлар илгари адвокатура тизимида ишлаганлиги боис адвокатуранинг сир-асрорларидан яхши хабардор ҳисобланади.

Адвокатлар ўртасида ўтказилган сўровда мазкур масалада адвокатларни фикрини ўрганиш бўйича қўйилган саволга респондентларнинг 16,7 фоизи илгари адвокат бўлган лекин ўз ихтиёрига кўра (Интизомий ёки жиноий жавогарлик тортилмасдан) адвокатура тизимидан кетган шахсларга адвокат мақомини олиш учун стажировкадан ўтмасдан ва малака имтиҳони топширмасдан адвокатлик мақомини бериш (агар адвокатура тизимидан кетган вақти уч йилдан ошмаган бўлса) ни маъқуллаганлар.

Таклиф: Илгари камида 3 йил адвокатлик фаолияти билан шуғулланиб, ўз ихтиёрига кўра, адвокатурадан кетган ва орадан 6 йил ўтмасдан



яна адвокатлик мақомини олиш истагина билдирган шахсларга стажировкани ўтамасдан малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни назарда тутувчи нормаларни соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатиغا киритиш мақсадга мувофиқ.

Г) “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун талабига кўра, олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди. Амалдаги қонунчиликда адвокатлик мақомини олиш учун бошқа чекловлар йўқлиги боис суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан салбий қилмишлари учун ишдан бўшатишган шахслар дарҳол адвокатлик мақомини олиш имкониятига эгалар. Бундан ташқари касбий фаолияти давомида касб этикаси қоидаларини бузганлиги учун фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиядан маҳрум этилган шахслар ҳам уч йилдан сўнг умумий асосларда адвокатлик мақомини олишлари мумкин. Ушбу ҳолат оз бўлса-да, адвокатуранинг обрўси, жамиятдаги нуфузига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Таклиф: Юқорида қайд этилган шахсларга нисбатан адвокатлик мақомини олиш бўйича амалдаги талаблар кучайтирилиши лозим. Хусусан, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан салбий қилмишлари учун ишдан бўшатишганлар, шунингдек, касбий фаолияти давомида касб этикаси қоидаларини бузганлиги учун адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиядан маҳрум этилган шахсларга камида 5 йилдан кейин адвокатлик мақомини олишга рухсат беришни назарда тутувчи ҳуқуқий нормалар соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Д) “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва ушбу Қонунга асосан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон Қарори билан тасдиқланган “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг Рўйхати”да адвокатлик фаолияти ҳам лицензияланувчи фаолият турларига киритилган.

“Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасида лицензия Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан тегишли малака комиссияларининг қарорларига асосан берилиши белгиланган. Адвокатлик фаолиятининг лицензияланувчи фаолият турларига киритилганлиги адвокатуранинг моҳияти ва табиатига, адвокатлик касбининг қонунда белгиланган мустақиллик тамойилларига ва



адвокатлик касбига оид бир неча халқаро ҳужжатлар нормаларига тўғри келмайди. Адвокатлик касбининг мустақиллиги касбий фаолиятни амалга оширишда давлат органларидан мустақил равишда фаолият кўрсатишини англатади. Халқаро ҳужжатлар нормаларига асосан, адвокатлик фаолияти фақат адвокатуранинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан назорат қилиниши лозим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган “Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низомнинг 23-бандига асосан адвокатга гувоҳнома берган адлия органлари адвокат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади. Адлия органлари адвокат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда, адлия органлари адвокатга нисбатан интизомий иш қўзғайди.

Мазкур норма давлат органларининг адвокат касбий фаолиятини тўғридан-тўғри назорат қилишини билдиради. Бундан ташқари, “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонун мазмунига кўра, лицензия асосан фаолиятнинг айрим турларни амалга ошириш учун тижорат ташкилотларига берилади. Юридик ва жисмоний шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлган адвокатлик фаолияти нотижорат фаолият тури ҳисобланади ва ўз фаолиятида фойда олишни назарда тутмайди.

Таклиф: Адвокатлик фаолиятига рухсат беришнинг амалдаги тартиб-тамоийилларини адвокатлик касбига оид халқаро ҳужжатлар нормаларига мувофиқлаштириш учун адвокатлик фаолиятини лицензияланувчи фаолият турларидан чиқариш ва фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат сифатида Сертификат (Гувоҳнома) расмийлаштирилиши ва у Адвокатлар палатаси томонидан берилиши лозим. Ёки иккинчи вариант сифатида адвокатнинг малака имтиҳонини муваффақиятли топшириб, адвокатлик қасамёдини қабул қилиши уни касбий фаолиятни бошлаши учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим ва адвокатнинг ихтисоси бевосита адвокатлик гувоҳномасида кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

Е) Адвокатлик мақомини олиш учун талабгорга қўйилган талаблардан бири малака имтиҳонларини муваффақиятли топшириш ҳисобланади. Малака имтиҳонлари Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузурида ташкил этилган малака комиссиялари томонидан олинади. Талабгорнинг малакавий билим даражасини синаш тартиби, малака имтиҳонлари учун тузилган саволлар, имтиҳонларни ўтказиш тартиби бугунги кун ва замон талабларига жавоб бермайди.

Таклиф: Малака имтиҳонларини икки босқичда ўтказиш, яъни биринчи босқичда онлайн тест топшириш, иккинчи босқичда эса адвокатура, касб этикаси қоидалари, касбий фаолият бўйича оғзаки савол-жавоб ўтказиш орқали. Биринчи босқичда тест синовлари бўйича белгиланган баллни тўплаган талабгор иккинчи босқичга оғзаки савол-жавобга рухсат этилиши



лозим. Малака имтиҳонларини ўтказишда шаффофлик, очиқликликни таъминлаш мақсадида имтиҳон жараёни онлайн режимида трансляция қилиниши ва ушбу жараён Адвокатлар палатаси томонидан назорат қилиб борилиши лозим.

3. Адвокатларнинг ижтимоий ва касбий ҳимоясини кучайтириш

А) “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасида адвокатнинг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлиши белгиланган. Лекин қонунчиликда унинг амалга ошириш механизми мавжуд эмас. Хусусан, қонунчиликда адвокат касбий вазифасини бажариш жараёнида тан жароҳати олиши, соғлиғини йўқотиши ёки вафот этиши муносабати билан ижтимоий тўловлар қанча миқдорда ким томонидан ва қайси маблағ ҳисобидан тўланиши амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилмаганлиги боис ушбу норма ҳаётга татбиқ этилмаган. Ушбу ҳолатлар юзага келганда адвокат ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Судьялар, прокуратура, ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалалар, яъни ўз хизмат вазифаларини бажариш давомида тан жароҳати олганлик, касбий касаликка чалинганлик ёки вафот этганлик муносабати билан оила аъзоларига тўланадиган ижтимоий нафақалар миқдорлари ва тўлов манбалари улар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланган ва уларнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалалар тўлиқ давлат ҳимоясидадир.

Адвокатлардан ушлаб қолинадиган солиқ ва мажбурий тўловларнинг (адвокатлик тузилмасини сақлаш билан боғлиқ харажатлар билан бирга) умумий миқдори адвокатлар меҳнат ҳақларининг 50 фоизини, баъзи ҳолларда ундан кўпроқни ташкил этади.

Таклиф: Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари каби адвокатларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ ижтимоий ҳимояси давлат томонидан кафолатланиши ва тўловлар давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилиши лозим. Хусусан, касбий вазифасини бажариш жараёнида адвокатнинг тан жароҳати олиши, соғлиғини йўқотиши ёки вафот этиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган ижтимоий тўловларнинг миқдори, тўлаш тартиби ва манбалари тўғрисида соҳани тартибга солувчи қонунчиликда белгиланиши лозим.

Б) “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг

12-моддасига асосан адвокат давлат ижтимоий суғуртаси бўйича барча нафақа турларини олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда тўланади. Адвокатга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар белгилаш ва тўлаш, унинг давлат пенсия таъминоти ва



жамғариб бориладиган пенсия таъминоти қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари маблағлари адвокатларнинг ижтимоий эҳтиёжларига ишлатиладиган фондлар тузишга ҳақлидирлар.

Лекин мазкур қонун ҳужжатида ҳам адвокатга давлат ижтимоий нафақаларини тўлаш манбалари аниқ белгилаб қўйилмаган. Адвокатлик тузилмалари нотижорат ташкилотлари бўлиб, улар фақатгина ўзида фаолият кўрсатаётган адвокатлар томонидан ажратиладиган муайян миқдордаги ажратмалар ҳисобидан фаолият кўрсатиши ва уларда ортиқча маблағ бўлмаслиги туфайли адвокатларнинг ижтимоий эҳтиёжларига сарфланадиган фондлар тузиш имкониятига эга эмаслар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахснинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи кафолатланган. Аммо фуқароларнинг ижтимоий таъминотига оид қонунчиликда фақат бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган корхона, муассаса, ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ходимларининг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари тўлиқ кафолатланган. Уларнинг ижтимоий таъминот маблағлари давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган хўжалик ҳисобидаги корхоналар, шунингдек нодавлат, нотижорат ташкилоти ходимларининг ижтимоий таъминоти эса ушбу ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланиши лозимлиги назарда тутилган.

Адвокатура институти мазмун-моҳияти, ташкилий тузилиши, фаолият йўналиши жиҳатидан ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган нотижорат ташкилот ҳисобланади.

Адвокатуранинг ташкилий шакллари сифатида фаолият кўрсатаётган адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва бюрolari ўзида меҳнат қилаётган адвокатлар томонидан ажратиладиган муайян ажратмалар ҳисобидан ўз фаолиятини амалга оширади. Айрим адвокатлари кўп бўлган йирик адвокатлик тузилмаларини ҳисобга олмаганда, аксарият адвокатлик тузилмаларида адвокатлар томонидан ажратмалар фақат адвокатлик тузилмасини сақлаш, яъни маъмурий, техник ходимларнинг ойлик иш ҳақларига ва коммунал тўловларни қоплашга етади, холос. Гарчи адвокатлар барча қатори ишлаб топаётган гонорарлари ҳисобидан ижтимоий суғурта тўловларини тўлаб келаётган бўлсаларда, меҳнат қонунчилиги билан кафолатланган йилда бир марта ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик бўйича касаллик варақаси бўйича ижтимоий нафақа олиш, касбий касаллиги туфайли бепул даволаниш ёки сиҳатгоҳларга дам олиш каби ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар.

Таклиф: Адвокатларнинг пенсия жамғармасига тўлаётган мажбурий бадаллари ҳисобидан меҳнат таътили олиш, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик бўйича касаллик варақаси бўйича ижтимоий нафақа олиш, касбий касаллиги туфайли бепул даволаниш ёки сиҳатгоҳларга дам олиши билан боғлиқ тўловлари бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари



ҳисобидан қопланиши ва ушбу тўловларнинг тўланиш кафолати ва механизми соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилиши лозим.

В) Адвокатларнинг гонорарлари, яъни иш ҳақиси ҳисобидан ўзи фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмасини сақлаш билан боғлиқ ҳаражатларни (адвокатлик тузилмаларида ишловчи маъмурий-техник ходимларга иш ҳақи тўлаш, коммунал хизмат тўловлари, Адвокатлар палатсига аъзолик бадалларини тўлаш каби ҳаражатлар) қоплашга, ижтимоий суғурта тўловлари ва даромад солиғи ушлаб қолинади. Ушлаб қолинadиган солиқ ва мажбурий тўловларнинг (адвокатлик тузилмасини сақлаш билан боғлиқ ҳаражатлар билан бирга) умумий миқдори адвокатлар меҳнат ҳақларининг 50 фоизини, баъзи ҳолларда ундан кўпроқни ташкил этади. Шу боис, аксарият адвокатларнинг ойлик даромадлари суд, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимларининг ойлик маошларига нисбатан анча кам миқдорни ташкил этади.

Таклиф: Процесс иштирокчиси сифатида адвокатларни прокуратура билан процессуал ваколатини тенглаштириш устида гап борар экан, энг аввало, адвокатларнинг ижтимоий ҳимоясини ҳам прокуратура органлари ходимларига тенглаштириш зарур. Шу боис адвокатларнинг юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ даромадларини даромад солиғидан озод этиш ёки адвокатлар томонидан тўлаб келинаётган ижтимоий суғурта тўловлари ставкасини камайтириш лозим. Ҳозирда адвокатлар гонорари ҳисобидан 12 фоиз ижтимоий суғурта, 12 фоиз даромад солиғи ушлаб қолиниб бюджетга ва мақсадли жамғармаларга ўтказилиб келинмоқда.

Г) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, судьялар ва прокурорлар процессуал мажбурлов чораси - ушлаш чоғида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар тоифасига киритилган.

Таклиф: Ушлаш чоғида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар тоифасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган адвокатларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Адвокатга ҳам иммунитет ҳуқуқининг берилиши касбий ҳуқуқлар кафолатини янада кучайтиради ва келажакда ўзига юклатилган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш имконини беради.



Д) Адвокатлар палатаси ҳузуридаги малака комиссиялари фаолиятида қарши томоннинг аризасига асосан адвокатга нисбатан интизомий иш қўзғатиш, кўриб чиқиш, баъзида уларга нисбатан интизомий жазо белгилаш амалиёти мавжуд. Ушбу ҳолат адвокатнинг қонунда таъқиқланмаган усул ва воситалар билан фаол ҳимояни амалга оширишига тўсқинлик қилади. Айниқса, фуқаролик ёки маъмурий ишларда фаол ҳимояни амалга ошириб, ваколат берувчи манфаатига тўғри келадиган ижобий натижага эришган адвокатларга нисбатан иш бўйича қарши томоннинг адвокатга нисбатан малака комиссиясига шикоят қилиши амалиётда тез-тез учрайди. Малака комиссиялари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларда адвокатга нисбатан ёзилган шикоятларни кўриб чиқишни истисно қиладиган ҳолатлар кўрсатилмаганлиги боис, гарчи асосиз бўлсада, адвокат қатнашаётган иш бўйича қарши томоннинг аризаси ҳам кўриб чиқилиб, баъзида адвокатга нисбатан адолатсиз интизомий жазо қўлланилади. Адвокатни касбий фаолиятини чеклашга олиб келадиган бу каби нохуш амалиётни олдини олиш мақсадида:

Таклиф: Адвокатга нисбатан интизомий иш қўзғатиш, уни кўриб чиқиш ва интизомий жазо чораларини белгилашни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга адвокат қатнашган иш бўйича қарши томоннинг адвокатга нисбатан ёзган аризаси ёки шикоятларини кўриб чиқишни истисно этадиган меъёрларни киритиш мақсадга мувофиқ. Бу каби амалиёт Россия Федерацияси адвокатурасининг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган.

4. Адвокатлик тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш

А) Амалдаги қонунчиликка биноан адвокатлик тузилмаларининг ташкилий шакллари сифатида адвокатлар хайъатлари, адвокатлик фирмалари, адвокатлик бюрolari фаолият кўрсатиб келмоқда. Қонун талабига кўра, белгиланган тартибда лицензия олган шахс адвокатлик фаолиятини ўз адвокатлик бюросини очиб, яққа тартибда амалга оширишга ёхуд бошқа адвокатлар (шериклар) билан адвокатлик фирмасини ёки аъзоликка асосланган адвокатлар хайъатини тузишга ёхуд фаолият кўрсатаётган шундай адвокатлик тузилмаларидан бирига киришга ёки юридик маслаҳатхонада ишлаган ҳолда адвокатлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

Адвокатлик тузилмасининг ташкилий шаклларида бири бўлган адвокатлик бюроси битта адвокат томонидан ташкил этилиб, унда бюрони таъсис этган адвокат яққа тартибда фаолият кўрсатади. Қонун талабига кўра, адвокатлик мақомини олган ҳар қандай шахс адвокатлик бюросини ташкил этиши мумкин. Амалдаги қонунда адвокатлик бюросини ташкил этишда бирон бир чекловлар бўлмаганлиги сабабли адвокатура соҳасида муайян касбий кўникма ва иш тажрибага эга бўлмаган шахсга ҳам адвокатлик бюросини ташкил этиб, яққа тартибда фаолият кўрсатишга рухсат берилади. Албатта, адвокатлик бюросида яққа адвокат фаолият



кўрсатиши инobatга олинса, ушбу адвокатнинг касбий малакага, соҳа бўйича муайян бошқарув иш тажрибасига эга бўлиши жуда муҳим. Адвокатура соҳасига энди кириб келган ҳали муайян иш тажрибасига эга бўлмаган адвокатни якка тартибда фаолият кўрсатиши келажакда муайян қийинчилик ва муаммоларни келтириб чиқариши табиий ҳол. Чунки касбий кўникма иш тажрибасига эга бўлиши учун маълум бир муддат ва жамоавий муҳит талаб этилади.

Таклиф: Қонунчиликда адвокатлик бюросини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг алоҳида тартибини белгилаш зарур. Хусусан, адвокатлик тузилмаларининг ташкилий шакллари ҳисобланган адвокатлар ҳайъати ёки адвокатлик фирмасида камида 3 йил адвокат сифатида фаолият кўрсатган шахсларга адвокатлик бюросини ташкил этган ҳолда якка тартибда фаолият кўрсатишга рухсат бериш мақсадга мувофиқ.

Б) Собиқ Совет Иттифоқи даврида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда биттадан адвокатлар ҳайъати ташкил этилиб, ҳар бир туманда уларнинг юридик маслаҳатхоналари фаолият кўрсатган. Юридик ёрдам бевосита юридик маслаҳатхоналар орқали кўрсатилганлиги боис уларнинг ҳар бирига фойдаланиш учун давлат томонидан бинолар ажратилган. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида адвокатура соҳасида амалга оширилган ислохотлар жараёнида собиқ адвокатлар ҳайъатлари ўрнига адвокатлик тузилмаларининг ташкилий шакллари сифатида адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари, адвокатлик бюролари ташкил этилди. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган айрим адвокатлик тузилмалари давлат томонидан илгари берилган биноларда фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Ушбу бинолар ҳозирда маҳаллий давлат ҳокимиятлар тасарруфида бўлганлиги боис адвокатлик тузилмалари ҳокимиятлар билан тузиладиган ижара шартномалари асосида ижара тўловларини тўлаган ҳолда ўз фаолиятларини амалга ошириб келмоқдалар. Адвокатлик фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари инobatга олинмасдан, баъзи ҳолларда ижара тўловлари ставкаси тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган миқдорда белгиланмоқда. Айрим ҳолларда, адвокатлик тузилмалари фойдаланишидаги бинолар улардан олиб қўйилиб тадбиркорлик субъектларига берилмоқда.

“Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасига асосан давлат адвокатурани фуқаролар мурожаат қилишлари учун қулай бўлган жойларда зарур бинолар билан таъминлайди. Қонуннинг мазкур талабидан келиб чиқиб:

Таклиф: Адвокатлик тузилмалари фойдаланишида бўлган биноларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфидан чиқариб Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси балансига ўтказиб бериш мақсадга мувофиқ.



В) Адвокатлик тузилмаларининг бир-биридан фарқли жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари, бошқариш тамойиллари, таъсисчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, ишлаб топилган пул маблағларини тақсимлаш, мулкый характердаги бошқа ҳолатлар соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида аниқ белгиланмаган. Хусусан, “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунда адвокатлар ҳайъати билан адвокатлик фирмаси ўртасидаги фарқли жиҳатлар фақатгина уларда фаолият кўрсатадиган адвокатлар сони билан ажралиб туради. Амалдаги қонун талабига кўра, адвокатлар ҳайъти аъзоларининг сони 10 нафардан кам бўлиши мумкин эмас

Таклиф: Адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмаси, адвокатлик бюросининг ҳуқуқий мақоми ва ўзига хос ҳамда бир-биридан фарқли жиҳатлари қонун ҳужжатларида мукамал ифода этилиши зарур.

5. Юридик ёрдам сифати ва самарадорлигини ошириш

“Адвокатура тўғрисида”ги қонуннинг 12 прим 2-моддасида аҳолининг юридик ёрдамдан фойдалана олиш имкониятини туманлар ва шаҳарларда юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш орқали таъминлаш Адвокатлар палатасининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида давлат ҳар бир фуқаронинг тенг ва эркин юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш учун адвокатура билан ҳамкорлик қилиши ва адвокатурани фуқаролар мурожаат этиши учун қулай бўлган жойларда зарур бинолар билан белгиланган тартибда таъминлаши белгиланган. Аммо Адвокатлар палатасида етарли маблағ бўлмаганлиги ва юридик маслаҳатхоналарни ташкил этиш ва уни бино билан таъминлаш масаласида давлат органлари томонидан амалий ёрдам берилмаганлиги боис шу пайтгача жойларда юридик маслаҳатхоналар ташкил этилмаган. Аммо таҳлиллар айрим чекка ҳудудларда адвокатлар сони кам бўлганлиги боис аҳолининг малакали юридик ёрдам олиш имкониятлари чекланиб қолаётганлиги ва ушбу ҳудудларда юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш заруриятини келтириб чиқараётганлигини кўрсатмоқда. Мазкур ҳудуддаги адвокатлик тузилмаларида фаолият юритувчи айрим адвокатлар ихтиёрий равишда Палата ҳузуридаги ушбу юридик маслаҳатхоналарга ишга кириш имкониятига эга бўладилар. Бу эса, юридик ёрдам учун тўланадиган ҳақ миқдорини камайишига ва ижарада турувчи ёхуд ўз уйида фаолият юритувчи адвокатларни хизмат хоналари билан таъминлашга хизмат қилади.

Таклиф: Республиканинг барча ҳудудларида аҳолининг барча қатламларини юридик ёрдам олиш ҳуқуқлари кафолатини амалга ошириш механизми сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юридик маслаҳатхоналарни ташкил этишда Адвокатлар палатаси билан ҳамкорлик қилиш, юридик маслаҳатхоналарни зарур бинолар, алоқа воситалари, техник



жиҳозлар билан таъминлаш вазифасини юкловчи ҳуқуқий нормаларни қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйиш лозим.

6. Адвокатларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда касб малакаларини ошириш тизимини такомиллаштириш

“Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида ўз билимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши ва Адвокатлар палатаси томонидан белгиланган тартибда уч йилда камида бир марта касбий малакаларини ошириши шартлиги адвокатнинг вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Ушбу қонун талабидан келиб чиқиб, амалиётчи адвокатлар ҳар уч йилда бир марта Юристар малакасини ошириш марказида ташкил этилган ҳафталик курсларда ўз малакаларини ошириб келмоқдалар. Адвокатларнинг касбий малакасини ошириш бўйича белгиланган амалдаги тартиб бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Биринчидан, адвокатларнинг касб малакаларини ошириш учун ўқитишнинг давомийлиги 14 кун бўлиб, ушбу муддатда адвокат суд-ҳуқуқ соҳаси, адвокатлик фаолятининг барча жабҳалари бўйича етарли маълумот олиш имкониятига эга бўлмайди.

Иккинчидан, ўқитиш дастури умумий йўналишлар бўйича тузилган бўлиб, унда нотиклиқ санъати, гонорар белгилаш амалиёти, адвокатлик тузилмаларида иш юритиш тартиби, адвокатлик касбининг стандартлари каби адвокатлик касбининг алоҳида жиҳатлари назарда тутилмаган. Шунингдек, ўқитишда ҳозирги замон инновацион ахборот технолигиялари деярли қўлланилмайди.

Учинчидан, суд-ҳуқуқ соҳаси ходимларининг малакасини ошириш билан боғлиқ барча ҳаражатлари давлат ҳисобидан қоплангани ҳолда, малака ошириш адвокатлар учун пуллик қилиб белгиланган ва вилоятдан келаётган адвокатларнинг келиб кетиш ҳамда ётоқхона ҳаражатлари уларнинг ўзи ҳисобидан амалга оширилади. Бу эса, малака ошириши жараёнида баъзи адвокатлар учун моддий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида бошқа соҳа ходимлари каби адвокатларни ҳам ўз билим ва тажрибаларини такомиллаштириб бориши, касб малакаларини доимий равишда ошириб бориши бугунги кун талабидир. Шубоис, адвокатларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштирмасдан туриб бу соҳада кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Шунингдек, адвокат ёрдамчиси, адвокатлик тузилмасининг бошқа маъмурий техник ходимлари ва Адвокатлар палатаси ходимларини малакасини ошириш йўлга қўйилмаган.

2016-2018 йилларда жами 2111 нафар адвокат касбий малакаларини оширган бўлиб, бу адвокатлар умумий сонини 51 фоиз ни ташкил қилади.



2019 йил январь ҳолатига кўра, адвокатлик тузилмаларида 225та адвокат ёрдамчиси ва 154та Палата ходими бор.

Таклиф: Адвокатларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда касб малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришни ҳуқуқий механизми сифатида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузурида (Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби сингари) Адвокатура Олий мактабини ташкил этиш ва унинг мақсад вазифалари этиб қуйидагиларни белгилаш:

- инновацион ахборот технологияларни жорий этган ҳолда ўқитиш тизимини ташкил этиш, хусусан Палата ҳузурида масофадан ўқитишни ташкил қилиш;
- амалиётчи адвокатларни касб малакаларини узлуксиз ошириб боришни ташкил этиш баробарида уларни чуқур ихтисослаштиришни таъминлаб бориш;
- соҳага кириб келаётган иш стажини ва касб малакасини бўлмаган ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- адвокатура соҳасида илмий изланишлар олиб боришни ташкил этиш;
- қисқа муддатли курслар ташкил этиш орқали адвокатлик тузилмаларида ва Палатада ишлаётган маъмурий-техник ходимларни ўқитиш;
- адвокатура Олий мактабини ташкил этиш, фаолиятини йўлга қўйиш ва моддий-техник таъминоти билан боғлиқ моливий ҳаражатлар давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириш лозим. Ушбу соҳадаги хорижий давлатлар амалиётига эътибор бериладиган бўлса, Озарбайжон Республикаси адвокатура ўзини ўзи бошқариш органи фаолияти моддий таъминотининг бир қисми давлат бюджети ҳисобидан қопланади.
- адвокатура Олий мактабида адвокатларни малакасини ошириш бепул тарзда амалга оширилиши ва уларнинг хизмат сафари ҳаражатлари бюджет ҳисобидан қолпланиши мақсадга мувофиқ. Адвокатларнинг касбий малакасини оширишнинг давомийлиги 1 ойдан, соҳага янги кириб келган шахсларни ўқитишнинг давомийлиги 3 ойдан кам бўлмаслиги лозим.

7. Адвокатларнинг процессуал ваколатларини кенгайтириш ва жиноят судлов жараёнида адвокатларнинг процессуал тенглигини амалда таъминлаш.

Адвокатнинг жиноят судлов жараёнида процессуал тенглигини таъминлаш унинг процессдаги ролини ошириш учун, аввало тарафларнинг тортишув тамойилларини амалда таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят судлов ишини юритишда тарафлар сифатида қатнашадиган давлат айбловчиси прокурор билан ҳимоячи адвокатнинг процессуал ваколатини тенглаштириш учун қуйидагилар таклиф этилади:



А) жиноят процессида тарафлар тортишуви тамойилини янада кенгайтириш мақсадида:

Таклиф: қонунчиликда тергов Судьяси (следовенный судья) институтини жорий қилиш ва дастлабки тергов устидан суд назоратини ўрнатилиши мақсадга мувофиқ. Қуйидагилар тергов Судьясининг процессдаги вазифаси бўлиши:

- ҳимоячи ва давлат айблови иштирокида ишни дастлабки муҳокама қилиш;
- процессда тарафлар бўлган ҳимоячи ва давлат айбловчиси томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатларни уларнинг иштирокида текшириб баҳо бериш;
- тарафлар томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатларни далил ёки номақбул далил деб эътироф этиш масаласини ҳал этиш.

Б) жиноят иши бўйича дастлабки терговни амалга оширган ёки тергов қилмаган бўлсада, айблов хулосасини тасдиқлаган прокуратура органи вакилининг судга давлат айбловини қўллаши холислик тамойилига зид бўлиб, суд жараёнида тарафлар тенглиги ва тортишув принципларини амалда таъминланишига хизмат қилмайди. Давлат айбловини қўллайдиган прокуратура органи вакили ўзи тергов қилган ёки айблов хулосасини тасдиқлаган жиноят иши якунидан манфаатдор бўлганлиги боис, гарчи суд жараёнида дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишда процессуал қонунчилик талабалари бузилганлиги ёки айбланувчининг айби тасдиқланмаганлиги аниқланган тақдирда ҳам жиноят иш бўйича айблов ҳукми чиқарилишига ҳаракат қилади.

Таклиф: Прокуратуранинг жиноят ишларини тергов қилиш ва жиноят иш якунлари бўйича тузиладиган барча айблов хулосаларини тасдиқлаш ваколатини бекор қилиш ва ушбу ваколатларни мустақил фаолият кўрсатувчи Тергов департаменти ёки комитетига бериш лозим.

В) судланувчига нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилаш фақат суднинг ваколатига тегишли бўлиб, прокурорнинг жазо тури ва миқдорини белгилашни суддан сўраши ишни кўраётган суднинг мустақиллиги ҳамда тарафларнинг процессуал тенглиги тамойилларига мос келмайди;

Таклиф: Жиноят иши бўйича тарафларнинг музокарасида прокурорнинг судланувчига нисбатан жазо тури ва муддатини тайинлашни суддан сўраш ваколати бекор қилиниши мақсадга мувофиқ.

Г) амалдаги қонун ҳужжатлари талабига кўра жиноят иши бўйича суднинг ҳукмига нисбатан прокурор назорат тартибда протест билдиришга, ҳимоячи эса назорат тартибда протест келтиришни сўраб илтимоснома беришга ҳақли. Прокурорнинг назорат тартибдаги протести ваколатли судлар томонидан кўриб чиқилиши шарт бўлган ҳолатда ҳимоячининг илтимосномасини кўриб чиқилиши мажбурий эмас.

Таклиф: Процессда тарафларнинг процессуал ваколати тенглигини амалда таъминлаши учун прокурорнинг назорат тартибида протест келтириш ваколатини ҳам бекор қилиниши, иш



бўйича тараф сифатида қатнашадиган прокурор ҳимоячи адвокат сингари тегишли ваколатли судга протест келтиришни сўраб илтимоснома билан мурожаат қилиши лозим. Иш бўйича протест фақат ваколатли судларнинг мансабдор шахслари томонидан киритилиши лозим.

Д) жиноят судлов амалиётида айрим ҳолатларда суриштирув ёки дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг дастлабки босқичида шартнома асосида ишга жалб қилинган ҳимоячи ишга қўйилмасдан давлат ҳисобидан қатнашган ҳимоячи иштирокида дастлабки суриштирув, тергов ҳаракатлари олиб борилади.

Таклиф: Бундай ҳолатларда ҳимоячининг иштироки амалда таъминланган бўлса-да, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қариндошлари томонидан шартнома асосида жалб қилинган адвокатни ишга қўйилмаганлиги ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши сифатида қаралиши ва ушбу даврда тўпланган далиллар номақбул далил деб топилиши лозимлиги ҳақидаги ҳуқуқий норма жиноят процессуал қонунчилигига киритилиши лозим.

Е) Амалдаги жиноят судлов қонунчилигига биноан жиноят иш бўйича айбланаётган шахс ўз айбига иқрорлик билдирсада, тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси тўлиқ ўтказилади ва айбланувчининг айбга иқрорлигини тасдиқлаш мақсадида дастлабки тергов ва судда гувоҳлар чақирилади, шунингдек тааллуқли бўлса ёки бўлмасада иш материалларига қўшимча ҳужжатлар тикилади. Бу ҳолат эса, кўплаб қоғозбозлик, вақтни беҳуда сарфлаш ва гувоҳ сифатида чақириладиган шахсларни оворагарчилиги, тергов ва суд жараёнини узоқ давом этиши натижасида давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни асоссиз равишда сарфланишига сабаб бўлади.

Таклиф: Жиноят содир қилишда гумон қилинаётган шахс айбга иқрорлик билдирган тақдирда унга нисбатан айрим туркумдаги жиноятлар бўйича “Айбга иқрорлик битими” (Сделка признания вины”) тўғрисида янги институт қонунчиликка киритилиши лозим. Масалан, шахс бир нечта жиноятни содир қилишда гумон қилинаётган бўлса ва айбловни барчасига эмас, балки бир ёки бир нечасига иқрорлик билдирган тақдирда тўлиқ тергов ҳаракатлари олиб борилмасдан ишни кўриб чиқиш учун судга тақдим этилиши ва суд бу ишни тарафлар иштирокида соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиб (яъни гувоҳларни судга жалб қилмасдан, ҳужжатларни тафтиш қилмасдан) фақат айбга иқрор бўлган айблов юзасидан жазо тайинлаши лозим. Бундай ҳолатда давлат айбловини қўллаётган прокурор ушбу шахсга нисбатан гумон қилинаётган бошқа жиноятлар бўйича қўйилиши лозим бўлган айбловдан воз кечиши шарт ҳисобланади.

Ж) Бошқа соҳалар каби адвокатурада ҳам тизимли ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги муносабати билан адвокатларнинг касбий ваколатларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Ҳимоячининг ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ваколати Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 87-моддасида белгиланган. Қонунда белгиланган ушбу ваколатлар жиноят иши бўйича ҳимояни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми сифатида хизмат қилмоқда. Лекин қонунда белгиланган ушбу ваколатлар жиноят иш бўйича тўлақонли ҳимояни амалга ошириш учун етарли эмас. Бу соҳадаги амалиёт ҳимоячига далиллар тўплаш билан боғлиқ қўшимча ваколатлар берилиши лозимлигини тақозо этмоқда.

Таклиф: Жиноят процессуал қонунчилигига ҳимоячи ўзи иштирок этаётган жиноят ишлари бўйича воқеа жойини кўздан кечириш ва унинг натижалари бўйича хусусий тартибда баённома расмийлаштириш ҳамда ишга алоқадор ва келажақда далил сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ашё ва предметларни ихтиёрий равишда олиш билан боғлиқ қўшимча ваколатларни назарда тутувчи ҳуқуқий норма киритилиши мақсадга мувофиқ. Ҳимоячига берилиши таклиф этилаётган ушбу ваколат қўшни давлатлар қонунчилигида мавжуд.

3) “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида адвокат юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ҳамда бошқа ҳужжатларни сўраш ва олишга ҳақли эканлиги белгиланган. Аммо “Адвокатура тўғрисида”ги Қонун билан айрим соҳаларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, хусусан, “Нотариат тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонунлар ўртасидаги мавжуд номувофиқликлар туфайли амалиётда адвокат сўровида кўрсатилган ҳужжатларни бермаслик ҳолатлари учрамоқда. Хусусан, нотариал идоралар, банк муассасалари, айрим тиббиёт муассасалари ўзларининг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини асос қилиб кўрсатган ҳолда, сўралган маълумот ёки ҳужжатларни беришдан бош тортмоқдалар. Шунингдек, юқорида

“Касбий фаолият билан боғлиқ адвокатлик сўровига асосан маълумот ва ҳужжатларни олишда муаммолар мавжудми, агар мавжуд бўлса, қайси кўриниш ёки шаклда намоён бўлмоқда?” деган саволга сўровда қатнашган 1550 адвокатнинг 53,5 фоизи (830 киши) “белгиланган муддатларда жавоб бермаслик”, 14,3 фоизи (222 киши) сўралган ҳужжатларни тақдим этмаслик”, 33,5 фоизи (520 киши) “сўров мазмунига мос бўлмаган асоссиз жавоб қайтариш”, 7 фоизи (109 киши) “била туриб ёлфон ёки нотўғри жавоб қайтариш” ҳолатлари мавжулигини эътироф этганлар.



қайд этилган муассасалардан ташқари бошқа айрим корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан адвокат сўровига белгиланган муддат ичида жавоб бермаслик ёки умуман жавоб бермаслик ёхуд сўров мазмунига мос бўлмаган жавобни бериш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Таклиф: Ушбу йўналишда амалиётда юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш учун юқорида қайд этилган қонунларни “Адвокатура тўғрисида”ги қонунга мослаштириш бўйича қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур. Шунингдек, адвокатлик сўровига жавоб бермаслик, ўз вақтида жавоб бермаслик ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганликда ифодаланган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун ёхуд адвокатлик фаолиятига бошқача тарзда тўсқинлик қилган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарликни янада кучайтириш, яъни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида ҳуқуқий нормаларни белгилаш лозим. Бундай нормалар қўшни давлатлар қонунчилигида мавжуд.

И) Амалдаги жиноят судлов, фуқаролик, иқтисодий соҳага оид қонунчилик талабларига кўра экспертиза суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ҳамда суднинг ажрими билан тайинланади. “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида адвокат юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумотнома-маслаҳатларини ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) розилиги билан сўраш ва олишга ҳақли эканлиги белгиланган. Қонунда адвокатга берилган ушбу ваколат уни далиллар тўплаш ҳимояси остидаги шахс манфаатларини қонунда ман қилинмаган усул ва воситалар билан самарали ҳимоя қилиш имкониятларини бир мунча чеклаб қўймоқда.

Таклиф: Адвокатнинг далиллар тўплаш имконияти ва ваколатини кенгайтириш мақсадида адвокатга ҳимояси остидаги (ишончи билдирувчи) манфаатлардан келиб чиқиб ва унинг розилиги билан айрим тоифадаги ишлар (иқтисодий соҳадаги жиноятлар, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлар бўйича бухгалтерия, қурилиш, хатшунослик, психологик ва ҳ.к.) бўйича мустақил экспертиза тайинлаш ва олиш ваколатини бериш ҳамда ушбу нормалар тегишли қонун ҳужжатларида ўз аксини топиши зарур.

К) жиноят ишларини апелляция ёки кассация инстанцияси судларида кўриш жараёнидаги мавжуд муаммолар ушбу йўналишдаги ишларда қатнашаётган адвокатларнинг нормал иш фаолиятига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Амалдаги қонунчилик талабига кўра, биринчи инстанция судларининг ҳукм, ажрим, қарорлари устидан бериладиган апелляция ёки кассация тартибдаги протест ва шикоятлар жиноят ишлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг апелляция ёки кассация судлов хайъатлари томонидан кўриб чиқилади. Айнан ушбу судлар айрим тоифадаги ишларни биринчи инстанция судида ҳам кўриб чиқадилар. Мазкур судлар судловига тегишли жиноят ишлари катта ҳажмдаги, мураккаб, ўта оғир жиноятлар бўлганлиги боис уларни ўрганиш ва мазмунан кўриб



чиқиш учун жуда кўп вақт талаб этилади. Шу сабабли, мазкур судларда апелляция ёки кассация тартибида кўрилиши лозим бўлган ишлар иккинчи даражали иш сифатида қаралиб, улар учун ҳафтада икки кун вақт ажратилади. Апелляция ёки кассация тартибда кўриладиган ишларнинг ҳам сони кўплиги баъзи судларда судьяларнинг етишмаслиги туфайли кўриш учун тайинланган ишлар ўз вақтида бошланмайди, баъзида ишларни кўриб чиқиш ойлаб чўзилиб кетади. Бу эса, ушбу тоифадаги ишларда қатнашаётган адвокатларни қимматли вақтларини йўқотиб, соатлаб кутиб қолишига ва режалаштирилган бошқа ишларда ҳам узилишлар бўлишига олиб келади. Шунингдек, ушбу ҳолатлар аксарият ишларни формал тарзда ва (ёки) қисқа муддатда кўриб чиқилишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Таклиф: Амалиётда мавжуд бўлган юқорида қайд этилган муаммоларнинг ечими сифатида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида оғир ва ўта оғир жиноят ишларини кўрадиган алоҳида судларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган Жиноят ишлари бўйича Қоралпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судларини фақат апелляция, кассация тартибидаги ишларни кўриб чиқадиган судларга айлантириш лозим. Натижада ушбу тоифадаги ишларни ҳафтанинг маълум кунинда эмас, балки доимий равишда кўриб чиқиш имконияти пайдо бўлади ҳамда уларнинг сифат ва самарадорлиги ошади.

8. Юридик хизмат бозорини кенгайтириш ва хорижлик адвокатларни Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга руҳсат бериш тартиб тамойилини жорий этиш.

Адвокатлик фаолияти ва юридик ёрдамни тартибга солувчи халқаро ҳужжатларда хусусан, Халқаро Юристарлар (Адвокатлар) Уюшмаси томонидан қабул қилинган (1990 сентябрь Нью-Йорк) “Юридик касбнинг мустақиллик стандартлари” 19-бандида “Агар суд процессида иштирок этаётган шахс (маҳаллий юрист билан биргаликда ҳаракат қилиш учун) бошқа мамлакатдан юрист таклиф қилмоқчи бўлса тегишли уюшма хорижий юристга суд процессига қатнашиш учун лозим бўлган ҳуқуқни олишга ёрдам бериши ва ҳамкорлик қилиши зарур. Қайсики хорижий юрист бундай ҳуқуқ учун талаб этиладиган шартларни бажарса ва тегишли малакага эга бўлса” деб қайд этилган.

Хорижий адвокат ва юридик консалтинг хизматларини кўрсатувчи юристарларни судларда вакилликни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги соҳани тартибга солувчи миллий қонунчилигимизда назарда тутилмаганлиги боис хорижий адвокатлар ёки юристарларни юридик ёрдам кўрсатиш ёхуд судларда иштирок этиш амалиёти мавжуд эмас. Аксарият ривожланган давлатларда ўзаро ҳамкорлик асосида хорижий давлатлар адвокатлари судларда вакилликни амалга оширишлари мумкин. Баъзи давлатларда хорижий адвокатларга ўзининг миллий қонунчилиги бўйича маслаҳатлар бериш ваколоти берилган. Хусусан, Тожикистон



Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунига кўра, Ҳамдустлик давлатлари ва хорижий адвокатларни ўзаро келишувга асосан юридик шахс ташкил этиш ҳуқуқисиз адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига рухсат берилади. Россия Федерацияси Қонунчилигига кўра, хорижий давлат адвокатлари фақатгина ўз миллий қонунчилиги бўйича юридик ёрдам кўрсатишлари мумкин. Бунинг учун улар ҳақидаги маълумотлар Адлия вазирлиги томонидан юритиладиган махсус реестрга киритилиши лозим. Германияда хорижий адвокатларни Адвокатлар палатасига қабул қилиш масаласи ушбу давлатнинг Адлия вазирлиги томонидан хал этилади. Ушбу давлатнинг махсус реестрига киритилган хорижий адвокатларнинг мақоми Германия адвокатларининг мақомига тенглаштирилган.

Ўзбекистонда маҳаллий адвокатларни жиноят ишлари бўйича ҳимоячи сифатида тергов ва судда қатнашишга бўлган танҳо ҳуқуқини (монополлигини) эътироф этган ҳолда хорижий адвокатлар, юридик консалтинг хизмати ходимларини фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича судларда вакил бўлиб иштирок этиш имконияти яратилиши зарур. Бунда хорижий адвокат ўз мамлакатида адвокат мақомида эканлигини ва ўз касбий уюшмасига аъзолигини тасдиқлаши ва ЎзР АП да хорижлик адвокат сифатида аъзо бўлиши ҳамда Адлия вазирлигида юритиладиган махсус реестрга киритилиши лозим.

Хорижий адвокатларга Ўзбекистон Республикасида касбий фаолият билан шуғулланиш учун имконият берилиши юридик ёрдам ва юридик консалтинг хизмати кўрсатилиши бўйича қуйидаги ижобий натижаларни келтириб чиқаради:

- 1) Соҳага оид миллий қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқ нормаларига имплементация қилиниши кўрсаткичларини оширади;
- 2) Хорижий адвокатлар билан миллий адвокатларимиз ўртасида иқтисодий ва бошқа соҳадаги (жиноят ишлардан ташқари) ишлар бўйича соғлом рақобат муҳитини яратади ҳамда келажақда маҳаллий адвокатларни касб малакаларини ошишига, шунингдек, кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг сифат ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.
- 3) Кафолатланган сифатли юридик хизматнинг йўлга қўйилиши хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилишга ҳуқуқий замин яратади.
- 4) Маҳаллий адвокатларни Халқаро ҳуқуқ соҳасида билим ва кўникмаларини юксалтириш ва ўзаро ҳамкорлик (рухсат бериш) доирасида хорижий давлатлар судларида иштирок этиш имконияти пайдо бўлади.

9. Адвокатура ва давлат муносабатлари

Ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган давлатда демократияни қарор топтириш учун давлат ва жамият ўртасида кучлар мувозанати таъминланиши зарур. Яъни давлатнинг сиёсий устқурмасини сақлаб турувчи қуролли кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи



органлар ва бошқа давлат органларининг ўз функцияларини амалга ошириш жараёнида қонун билан белгиланган ваколатларидан четга чиқиб кетмаслиги, амалдорларнинг ўз мансаб вазифаларини суиистеъмол қилмасликлари учун уни мувозанатда сақлаб, тийиб турувчи қарама-қарши куч керак бўлади.

Бу борада инсоният тарихида муваффақиятли синовдан ўтиб дунёнинг ривожланган давлатларида ўз вазифасини бажариб келаётган бундай куч эса, жамоатчилик назорати, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотларидир. Шу боис, давлат ана шу тизимни ривожлантиришдан ва мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлиб, бу фуқаролик жамияти барпо этишнинг тамал тоши ҳисобланади. Худди шу маънода, табиатан нодавлат, мазмунан нотижорат тизим ҳисобланган адвокатура институтини мустаҳкамлаш, адвокатура соҳасида тизимли ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари самарадорлигини оширишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Адвокатура билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар бевосита адлия органлари орқали йўлга қўйилган. Шу боис, улар ўртасидаги муносабатлар қуйидаги йўналиш бўйича амалга оширилиши лозим.

- 1) Давлат адлия органлари тимсолида адвокатлик тузилмалари, Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларини бўлимлари давлат рўйхатидан ўтказиш, адвокатлар реестрини шакллантириш ҳамда Устав талабларига риоя қилишини назорат қилиши;
- 2) Адвокатлар устидан тушган шикоятлар юзасидан малака комиссияларида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;
- 3) Палата ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан адвокатлик мақомини тугатиш бўйича қилган мурожаатларига асосан маъмурий судларга даъво киритиш;
- 4) Ўзларининг малака комиссиялардаги вакиллари орқали адвокатликка талабгор шахслардан малака имтиҳонларини олишда ва адвокатларга нисбатан интизомий ишларни кўришда иштирок этиш;
- 5) Адвокатлар палатаси тизимидаги юридик маслаҳатхоналарни ташкил этиш ва аҳолига сифатли юридик ёрдам кўрсатишни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш;
- 6) Адвокатлар томонидан айрим тоифадаги шахсларга бепул юридик ёрдам кўрсатишда Адвокатлар палатаси билан ҳамкорлик қилиш;
- 7) Адвокатларнинг касбий ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасига қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш;
- 8) Адвокатура институтининг халқаро алоқаларини амалга оширишга ва ривожланишига ёрдам кўрсатиш;



- 9) Адвокатура тизимини малакали кадрлар билан таъминлашга, адвокатлик тузилмаларини ривожлантириш, адвокатларни малакасини ошириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда илмий педагогик кадрлар билан таъминлашга кўмаклашиш.
- 10) Хорижлик адвокатларни Ўзбекистонда фаолият кўрсатишига рухсат бериш тартиб-тамоийилларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда жорий этилишини назорат қилиш.



V. ИЛОВАЛАР





1. АДВОКАТЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

Жорий йилнинг июнь-июль ойларида республика миқёсида адвокатлар ўртасида социологик тадқиқот ўтказилди. Мазкур тадқиқотларда

1 600 нафарга яқин адвокатлар иштирок этди. Яроқли, деб топилган 1550та анкета сўровномасидан таҳлил жараёнлари учун фойдаланилди. Мазкур социологик тадқиқот ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини инobatга олган ҳолда таҳлил қилинди. Биринчи навбатда, стандарт тадқиқотлар учун аҳамиятли ҳисобланган репрезентативлик масаласи кун тартибидан олиб ташланди.

Дастлабки визуал текширувлар натижасида асосий саволларга жавоб қайтарилмаганлиги сабабли яроқсиз деб топилган 40 дан ортиқ анкета сўровномаларидан таҳлил жараёнида фойдаланилмади.

ДЕМОГРАФИК ҚИСМ

Демак, мазкур социологик тадқиқотларда республикамизнинг жами – 14 та маъмурий-худудий субъектидан 1550 нафар адвокатлар (респондентлар) иштирок этди. Сўровда иштирок этганларнинг 12,1 фоиз Самарқанд, 10,7 фоиз Фарғона ҳамда 10,1 фоиз Қашқадарё вилоятларига тўғри келган бўлса, энг кам респондентлар Наманган (4,9 фоиз), Навоий (4,1 фоиз) ва Сурхондарё (3 фоиз), вилоятлари ҳисобига тўғри келди.



1.1-жадвал





1.2-жадвал

РЕСПОНДЕНТЛАРНИНГ ЖИНСИ ХУДУДЛАР КЕСИМИДА



1,8 фоиз респондент
жавоб қайтармаган

Мазкур социологик сўровда иштирок этганларнинг 82 фоиз эркак жинсига, 16 фоиз респондентлар мос равишда аёл жинсига тегишли. 2 фоиз респондент мазкур саволга жавоб қайтаришмаган. Худудлар кесимида энг кўп аёл респондентлар Бухоро, Самарқанд (ҳар бирида 28 нафардан), Фарғона ҳамда Хоразм (ҳар бир худудда 27 нафардан) вилоятларига тўғри келади.


Респондентларнинг ёш категорияси таҳлил қилинганда, қуйидагича манзара вужудга келди. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган адвокатларнинг 70,3 фоиз 46 ёшдан катта бўлганларни ташкил қиладиган бўлса, 47,8 фоиз респондент 56 ёшдан юқори эканлиги маълум бўлди.

Худудлар кесимида Самарқанд, Фарғона ва Қашқадарёда энг кўп “ёши улуғ” адвокатлар фаолият олиб боришлари 3-жадвалда ҳам ўз аксини топган.

Респондентларнинг ёши бўйича умумий таҳил қилинганда, 31-35 ёшгача бўлган адвокатлар – 5,9 фоиз, 36-40 ёшдагилар – 11,4 фоиз, 41-45 ёшдагилар – 7,8 фоиз ни ташкил қилган бўлса, 46-55 ёшдагилар – 23,5 фоиз ҳамда 56 ёш ва ундан юқори ёшда бўлган респондентлар – 47,8 фоизни ташкил қилишган.

1.3-жадвал

РЕСПОНДЕНТЛАРНИНГ ЁШИ ХУДУДЛАР КЕСИМИДА






Навбатдаги берилган савол орқали респондентларнинг маълумотлилик даражасини ўрганиш мақсад қилиб олинган эди. Унга кўра, сўровда иштирок этганларнинг 61,4 фоиз бакалавр ёки 5 йиллик олий маълумотга эга бўлганларни ташкил қилган бўлса, 28,7 фоиз респондент магистр даражасига эга бўлганлар ташкил этишган. Шунингдек, 1 фоиз респондент илмий даражага эга бўлган респондентларни ташкил қилган бўлса, 8,9 фоиз респондент мазкур саволга жавоб қайтаришмаган.

Адвокатлик фаолияти билан олий юридик маълумотга эга бўлганлар шуғулланиши мумкинлиги инобатга олинган бўлса, мазкур жиҳат тадқиқот таҳлили жараёни учун сезиларли таъсирга эга эмас.


1.4-жадвал



АСОСИЙ ҚИСМ

Сўровда иштирок этган респондентларнинг адвокатлик тузилмасининг қайси ташкилий шаклида фаолият олиб бораётганлигини аниқлаш учун берилган саволга жавоблар таҳлил қилинганда, 40,5 фоиз респондентлар адвокатлар ҳайъатларида, 32,5 фоиз респондент адвокатлик фирмасида, 25,4 фоиз респондентлар адвокатлик бюрolariда фаолият олиб бораётганлари маълум бўлди. Шу билан биргаликда, 1,6 фоиз респондент ўзларининг қайси адвокатлик тузилмаси вакили эканликларини “сир” сақлашни маъқул кўришган.

1.5-жадвал






Респондентларнинг адвокатура соҳасига қандай кириб келганликларини аниқлаш бўйича қўйилган саволга адвокатларнинг 27,7 фоиз ёки 429 нафари ички ишлар органларидан, 20,8 фоиз суд тизимидан 14,2 фоиз юристконсуллик фаолиятдан. 12 фоиз прокуратура органларидан, фақатгина 8,3 фоиз респондент олий таълим муассасани битирган сўнг тўғридан тўғри адвокатлик фаолияти билан шуғулланиб келаётганликларини билдиришган. Шунингдек, 1,5 фоиз респондент мазкур тизимга ўтишдан олдин ДХХда фаолият олиб борганликларини билдиришган. Шу билан биргаликда 15,5 фоиз респондент мазкур саволга жавоб қайтаришмаган.

1.6-жадвал

АДВОКАТУРАГА ҚАЙСИ ОРГАН, МУАССАСА, ТАШКИЛОТДАН ЎТГАНЛИГИ



75

1.7-жадвал






Сўровда иштирок этган респондентларнинг 87,4 фоиз “адвокатлик касбига қизиққанлигим учун мазкур касбни танлаганман”, деб жавоб қайтарган бўлса, 6,6 фоиз “мутахассилигим бўйича бошқа ишга жойлаша олмаганлигим учун мазкур касбни танлаганман”, деган жавобни қайтаришган. “Бошқа нуфузли жойга ишга ўтиш учун адвокатурадан трамплин сифатида фойдаланиш учун” деб, 2,8 фоиз респондент жавоб қайтаришган. 1,7 фоиз респондент “мазкур соҳага тасодифан келиб қолганман” деган бўлса, 1,5 фоиз респондент ўзларининг яқинларининг қистови билан адвокатлик касбини танлашганини эътироф этиб ўтишган.

“Адвокат бўлиб ишлашдан мақсадингиз нима?” деб берилган саволга респондентларнинг аксарияти “касбий баркамоликка эришиш”, деб жавоб беришган. Бундай жавоб вариантини танлаганлар жами респондентларнинг 64,8 фоизни ташкил қилган. 34,5 фоиз респондентлар жамиятда обрў-эътиборга эга бўлиш учун адвокатлик касбини танлашганлигини қайд этишган бўлса 17,7 фоиз сўров иштирокчилари ўзлари танлаган мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлиш учун мазкур касбни танлашганлигини билдиришган. Фақатгина 9,8 фоиз респондент яхши пул топиш учун мазкур касбни танлаганликларини айтиб ўтишган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, адвокат касбини танлаган инсоннинг асосий мақсади жамиятда адолат қарор топиши, инсонларнинг ноҳақ равишда жазога тортилишларини олдини олишдан иборат бўлиши керак.

1.8-жадвал

Адвокат бўлиб
ишлашдан мақсадингиз
нима ?






1.9-жадвал

Адвокатлик касбининг қайси жиҳатлари Сизга ёқади? деган саволга Социологик тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг 84,3 фоиз респондент-адвокатлар касбий эркинликни қадрлашларини, шу боис ҳам мазкур касбни танлаганларини, 29,3 фоиз респондент иш вақти бўйича регламентни адвокатнинг ўзи танлаши кўп жаҳатдан маъқулллигини. 16,4 фоиз гонарар миқдорини мустақил белгиланишини эътироф этганлар. 11,9 фоиз респондент давлат томонидан назоратнинг йўқлиги учун мазкур касб ёқишини айтиб ўтишган.



Ҳар бир касб, ҳар бир соҳага баҳо беришда, шу касбнинг жамият, халқ орасида қандай мавқе ва ўринга эганлиги билан баҳоланади. Шу жиҳатдан аксарият адвокатларнинг фикрларига кўра улар танлаган касб жамиятда ўртача даражада мавқе ва ўринга эга экан. Бундай деб ҳисоблайдиганлар жами респондентларнинг 62,5 фоизини ташкил қилган бўлса, 13,8 фоиз респондент адвокатлик касби жамиятда паст даражада қадрланишини билдиришган. 13 фоиз респондент ўзлари танлаган касбнинг жамиятда ўртачадан юқори даражада эканлигини қайд этиб ўтишган бўлишса, 9,8 фоиз респондент оптимистик характерда ўзларининг касблари жамият олдида юқори мавқега эга эканлигини айтиб ўтишган.

1.10-жадвал



**СИЗНИНГ НАЗАРИНГИЗДА,
АДВОКАТНИНГ ЖАМИЯТДАГИ
МАВҚЕИ ВА ЎРНИ ҚАНДАЙ?**



Олдинги саволга қайтарилган жавоблар орқали адвокатлик касбининг мавқеи ўртачадан паст даражада, деган хулосага келинган эди.

Навбатдаги савол орқали айнан қандай омиллар мазкур касбнинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга тўсқинлик қилаётганлигини аниқлашга ҳаракат қилинди. 62,2 фоиз респондент Суд, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралардаги ходимларининг адвокатларга нисбатан салбий муносабати (паст назар билан қараши), деб жавоб қайтаришган бўлса, 40,1 фоиз респондент эса фуқароларнинг адвокатура, адвокатлар фаолияти ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги ҳам мазкур соҳанинг жамиятда етарли даражада мавқега эга бўлмаслигига сабаб бўлмоқда деб кўрсатган. 28,7 фоиз респондент эса аҳолининг етарли даражада маблағга эга эмаслиги адвокатнинг жамиятдаги обруини кўтарилишига монелик қиладиган омиллардан бири сифатида кўрсатган. 24,6 фоиз респондент эса, асосий муаммо сифатида “Адвокатларни касбий малака, кўникма ва билим даражаларининг етарли эмаслиги”, дея жавоб қайтаришган. 9,5 фоиз респондентларнинг фикрича эса, “адвокатларнинг юриш-туриши, муомаласи, бошқа шахслар билан ўзаро муносабатидаги камчиликлар мазкур соҳанинг жамият орасида етарли даражада мавқе ва ҳурматга сазовор бўлмаслигига” сабаб бўлмоқда.

1.11-жадвал

37,7%

Суд, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралардаги ходимларининг адвокатларга нисбатан салбий муносабати (паст назар билан қараши)

24,3%

Фуқароларнинг адвокатура, адвокатлар фаолияти ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги

17,4%

Аҳолининг етарли даражада моддий маблағга эга эмаслиги

14,9%

Адвокатларни касбий малака, кўникма ва билим даражаларининг етарли эмаслиги

Сизнинг назарингизда қандай омиллар Адвокатнинг жамиятдаги мавқеи, обрў- эътиборини кўтаришга монелик қилмоқда?
(бир нечта жавоб танлаш мумкин)

5,7%

Адвокатларнинг юриш-туриши, муомиласи, бошқа шахслар билан ўзаро муносабатидаги камчиликлар.



“Адвокатура институтининг бугунги кундаги фаолияти замон талабларига жавоб берадими?” деган саволга респондентларнинг **20,7 фоиз** “замон талабларига жавоб беради”, **8,4 фоиз** “жавоб бермайди”, **70,1 фоиз** “қисман жавоб беради”, деб жавоб қайтарган.

1.12-жадвал

АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ФАОЛИЯТИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?



Адвокатура ва адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатлари Адвокатура институтини тўлақонли фаолият кўрсатишни таъминлайдими? – деган саволга **15,6 фоиз** респондент “тўлақонли таъминлайди”, **73,3 фоиз** респондент “қисман таъминлайди”, **9,1 фоиз** “таъминламайди”, деб кўрсатишган. Кўриниб турибдики, Тошкент шаҳрининг ўзида **70 фоиз** респондент “қисман таъминланган”, деган жавобни берган.

1.13-жадвал

Адвокатура ва адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатлари Адвокатура институтини тўлақонли фаолият кўрсатишни таъминлайдими?



Шу билан бирга респондентларга “Адвокатура институтини тубдан ислоҳ қилиш зарур, деб ҳисоблайсизми. Агар зарур бўлса келажакда Адвокатурани табиати қандай бўлиши лозим?” – деган савол билан ҳам муроҷжат қилинган. Мазкур саволга респондентларнинг **43 фоиз** адвокатура “нотижорат” шаклда бўлиши, **4,7 фоиз** респондент эса “тижорат” ташкилоти шаклида, респондентларнинг кўпчилиги яъни **46,5 фоиз** эса, аралаш шаклида бўлиши ҳақида ўз фикрларини билдиришган.



Адвокатура институтини тубдан ислоҳ қилиш зарур, деб ҳисоблайсизми. Агар зарур бўлса келажакда Адвокатурани табиати қандай бўлиши лозим?

**1.15-жадвал**

Назорат қилувчи органлар	Амалга оширилган		Амалга оширилмаган	
	сон	улуши	сон	улуши
ДХХ	207	13,4%	13	0,8%
Прокуратура	279	18,0%	17	1,1%
Судлар	12	0,8%	0	0
Ички ишлар органи	151	9,7%	0	0
Адлия	9	0,6%	22	1,4%
Бошқа идоралар томонидан	22	1,4%	13	0,8%
Жами	680	43,9%	65	4,2%

51,9% (805) респондент жавоб қайтармади

Жиноят иш бўйича касбий фаолиятинигизни амалга ошириш жараёнида, Сизга нисбатан турли шаклдаги чекловлар, тажовузлар ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар амалга оширилганми? Агар амалга оширилган бўлса, кўпроқ қайси органлар томонидан?” – деган саволга респондентларнинг **13,4 фоизи** ДХХ, **18,0 фоизи** Прокуратура, **0,8 фоизи** Судлар, **9,7 фоизи** Ички ишлар органи, **0,6 фоизи** Адлия идоралари, **1,4 фоизи** бошқа идоралар томонидан амалга оширилганини кўрсатишган.

“Касбий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ чекловлар, тажовузлар кўпроқ қайси шаклда намоён бўлмоқда? деган саволга респондентларнинг **17,7 фоизи**, “руҳий босим ўтказиш орқали”, **40 фоизи**, “ҳимоя остидаги шахсдан ҳимоячидан воз кечиш ҳақида ариза ёздириб олиш орқали”, **26,6 фоизи** “ҳимоя остидаги шахснинг аҳволини оғирлаштирадиган тарафга айблов қўйиш ёки ҳукм чиқариш ёхуд шу сингари таҳдид орқали” деган жавобни беришган.



1.16-жадвал

КАСБИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЧЕКЛОВЛАР, ТАЖОВУЗЛАР КЎПРОҚ ҚАЙСИ ШАКЛДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА?



Навбатдаги Сизнинг амалиётингизда Касбий фаолиятга тўсқинлик кўпроқ қайси йўналишдаги ишларда қатнашиш жараёнида учрамоқда деган саволимизга респондентларнинг **53,7** фоизи “жиноят ишларда”; **9,3** фоизи “маъмурий ишларда”; **10** фоизи “фуқаролик ишларда”; **6,3** фоизи “иқтисодий ишларда”; - **3,2** фоизи “маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларида”; **2,3** фоизи, “маъмурий органларда вакиллик жараёнида” деган мазмунда жавоб беришган. Респондентларнинг **15,2** фоизи (**236**) ушбу саволга жавоб қайтармаган.

81

1.17-жадвал

СИЗНИНГ АМАЛИЁТИНГИЗДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТЎСҚИНЛИК КЎПРОҚ ҚАЙСИ ЙЎНАЛИШДАГИ ИШЛАРДА ҚАТНАШИШ ЖАРАЁНИДА УЧРАМОҚДА?




“Касбий фаолият билан боғлиқ адвокатлик сўровига асосан маълумот ва ҳужжатларни олишда муаммолар мавжудми? Агар мавжуд бўлса, қайси кўриниш ёки шаклда намоён бўлмоқда? – деган саволга **830** респондент, яъни **53,5** фоиз, “белгиланган муддат ичида жавоб




бермаслик”; 222 респондент, яъни **14,3 фоиз** “сўралган ҳужжатларни тақдим этмаслик”; 520 респондент, яъни **33,5 фоиз**, “сўров мазмунига мос бўлмаган асоссиз жавоб қайтариш” – 109 респондент, яъни **7 фоиз**, “била туриб ёлғон ёки нотўғри жавоб қайтариш” мазмунида жавоб берган.

1.18-жадвал



Навбатдаги **“Адвокат сўровига жавоб бермаганлик, лозим даражада жавоб бермаганлик, ёки белгиланган муддат ичида жавоб бермаганлик билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан Қонунда белигиланган тартибда шикоят қилганмисиз? Агар шикоят қилган бўлсангиз, унга қандай муносабат билдирилган?”**, – деган саволга **46 фоиз** респондент “шикоят қилмаганман”, **17 фоиз** респондент “бирон бир муносабат билдирмаганман”, **18,7 фоиз** “шикоят оқибатсиз қолдирилган” дея жавоб беришган.

1.19-жадвал





Охирги беш йил ичида амалиётингизда касбий фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик жиноят судловнинг қайси босқичида кўпроқ учраган? деган саволга респондентларнинг **17,9 фоизи**, “суриштирувда”, **37,7 фоизи**, “дастлабки терговда”, **14,4 фоизи**, “қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш босқичида”, **8,1 фоизи**, “ишларни судда кўришда (биринчи инстанция, апелляция кассация, назорат тартибида)”, **5,7 фоизи** “жиноят ишлари бўйича иштирок этмаганман” деган жавобларни беришган, **14,1 фоизи** (250) респондент эса, жавоб қайтармаган.

1.20-жадвал



“Адвокатлик фаолиятининг лицензияланиши Сизнинг назарингизда, адвокатнинг касбий мустақиллигига салбий таъсир кўрсатадими?” деган саволимизга респондентларнинг **55,7 фоиз** “кўрсатмайди”, **15,4 фоиз** “таъсир кўрсатади”, **24,5 фоиз** “қисман таъсир кўрсатади”, жавоб йўқ **4,3 фоиз** деб жавоб қайтаришган. Бундан кўриниб турибдики, фаолиятни лицензияланиши адвокатнинг касбий мустақиллигига салбий таъсир кўрсатмайди.

1.21-жадвал

АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЛИЦЕНЗИЯЛАНИШИ СИЗНИНГ НАЗАРИНГИЗДА, АДВОКАТНИНГ КАСБИЙ МУСТАҚИЛЛИГИГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИМИ?





“Сизнингча, касбий фаолиятни амалга оширишга рухсат бериш тартиби қандай бўлиши лозим?” – деган саволнинг вариантыга “ фаолиятга рухсат беришнинг бошқача тартиби”, деб **44** нафар, “адвокатура ўзини ўзи бошқариш органи томонидан бериладиган рухсат асосида” – **455** нафар, “фаолиятга рухсат бериш амалдаги тартибга кўра лицензия асосида” - **889** нафар респондентлар жавоб берган бўлса, **162** нафар респондент эса “жавоб йўқ” деб ҳисоблашган.

1.22-жадвал

Сизнингча касбий фаолиятни амалга оширишга рухсат бериш тартиби қандай бўлиши лозим?



“Касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида қатнашган ёки қатнашаётган иш бўйича Сизни гувоҳ сифатида қақриб ҳолат юзасидан кўрсатув олишга уринишлар бўлганми?” деган навбатдаги саволимизга респондентларнинг **13,4** фоиз бўлганлигини, **85** фоиз бўлмаганлигини қайд қилишган.

1.23-жадвал



Агар уринишлар бўлган бўлса, Сиз қандай йўл тутгансиз? – деган саволга респондентларнинг **17,9** фоизи, қақриув бўйича бормаганман”, **7,3** фоизи, “борганман, аммо гувоҳ сифатида кўрсатув беришдан бош тортганман, **5,2** фоизи “гувоҳ сифатида кўрсатув бермаганман” деб жавоб беришган.



1.24-жадвал


АГАР УРИНИШЛАР БЎЛГАН БЎЛСА, СИЗ ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТГАНСИЗ?



Хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан охириги икки йил ичида қонунда белгиланган тартибда рухсат олинмасдан Сизнинг касбий фаолиятингизга дахл қилувчи қуйидаги ҳаракатлардан бири содир этилганми ёки бунга уринишлар бўлганми? – деган саволга, “уй-жойни шахсий ёки фойдаланишидаги транспорт воситасини” - **5,0 фоиз**, “кўздан кечириш ёки тинтув ўтказиш” - **3,0 фоиз**, “шахсий фойдаланишидаги буюмлар ёки адвокатлик сири билан боғлиқ ҳужжатларни олиб қўйиш” - **3,3 фоиз**, “телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш” - **4,6 фоиз**, почта-телеграф жўнатмаларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш ёки олиб қўйиш” - **1,7 фоиз**, “Мажбурий келтириш ёки ушлаб туриш” - **1,7 фоиз**, “шахсий тинтув ўтказиш” - **0,9 фоиз**, каби жавобларни беришган.

1.25-жадвал

ХУҚУҚНИ МУХОҒАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАН ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ОХИРИГИ ИККИ ЙИЛ ИЧИДА ҚОНУНДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА РУХСАТ ОЛИНМАСДАН СИЗНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНГИЗГА ДАХЛ ҚИЛУВЧИ ҚУЙИДАГИ ҲАРАКАТЛАРДАН БИРИ СОДИР ЭТИЛГАНМИ ЁКИ БУНГА УРИНИШЛАР БЎЛГАНМИ?






“Ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш касбий фаолиятингиздаги иш юритишнинг неча фоизини ташкил этади?” – деган саволга респондентларнинг **10,5 фоиз**, 100 фоиз, **24,8 фоиз** 70 фоиз, **30,2 фоиз** 50 фоиз, **13,6 фоиз** 30 фоиз, **7,7 фоиз** 10 фоиз, **10,9 фоиз** фойдаланмайман деган жавобни беришган.

1.26-жадвал


Ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш касбий фаолиятингиздаги иш юритишнинг неча фоизини ташкил этади?



“Судларга ариза, даъво аризаларни электрон шаклда тақдим этиш имкониятидан фойдаланасизми?” – деган саволга 14,9 фоизи “фойдаланаман”, 80,3 фоизи “фойдаланмайман” деган бўлса, 4,8 фоизи эса жавоб беришмаган.

1.27-жадвал

СУДЛАРГА АРИЗА, ДАЪВО АРИЗАЛАРНИ ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА ТАДИМ ЭТИШ ИМКОНИЯТИДАН ФОЙДАЛАНАСИЗМИ?



1.28а-жадвал

Иш фаолиятингизни қайси йўналишларида кўпроқ Ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланасиз?

Йўналишлар	Сони	Улуши
Солиқ, статистик ҳисоботларни топширишда;	463	29,9%
Адвокатлик досъесини шакллантиришда	516	33,3%
Адвокатлар палатаси билан бўлган муносабатларда	274	17,7%
Жами	1253	80,8%



1.286-жадвал


Фойдаланмайман, чунки...

Сабаблар	Сони	Улуши
Ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш бўйича тажрибам йўқ.	261	16,8%
Фойдаланиш учун менда коммуникацион технологиялар мавжуд эмас;	182	11,7%
Ҳужжатларни электрон тарзда юбориш ноқулай ва ишончли эмас;	109	7%
Бу жараёнда техник носозликлар тез-тез учраб туради;	172	11,1%
Жами	724	46,7%

“Иш фаолиятингизни қайси йўналишларида кўпроқ Ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланасиз?” - Респондентлар бу саволга “ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш бўйича тажрибам йўқ” - **16,8 фоиз**, “фойдаланиш учун менда коммуникацион технологиялар мавжуд эмас” - **11,7 фоиз**, “ҳужжатларни электрон тарзда юбориш ноқулай ва ишончли эмас” - **7 фоиз**, “бу жараёнда техник носозликлар тез-тез учраб туради” - **11,1 фоиз**, жами **46,7 фоиз** респондент жавоб вариантыга ўзгача фикр билдиришган. “Фойдаланмайман, чунки...”мавжуд эмас” - **85,2 фоиз** респондент жавоб берган, бундан кўриниб турибдики, ахборот технологияларидан фойдаланиш учун шароит мавжуд эмас ёки маълумотга эга эмаслар.

87

1.29-жадвал



Респондентларнинг қайтарган жавобларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида Адвокат гонорарини белгилашда ягона амалиёт ёки тасдиқланган меъёр мавжуд эмас. Айнан шундай жавоб вариантини танлаган респондентлар миқдори жами респондентларнинг 85,2 фоизини ташкил этган. 11,2 фоиз респондент эса, “бундай меъёр мавжуд”, деб жавоб қайтаришган. Шунингдек, сўровда иштирок этганларнинг 1,7 фоизи мазкур саволга жавоб қайтармаган.



1.30-жадвал

Адвокатлик гонорари миқдорини қайси мезонлардан келиб чиқиб белгилайсиз?

Гонорар белгилаш мезонлари	Сони	Улуши
Қатнашадиган ишнинг ҳажми, мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда	639	41,2%
Шартнома тузаётган шахснинг моддий аҳволдан келиб чиқиб	422	27,2%
Ишларнинг тоифасига қараб (жиноят, маъмурий, иқтисодий, фуқаролик ишлар ва ҳ.з)	231	14,9%
Мижоз билан ўзаро келишган ҳолда	574	37,0%
Ҳар қандай иш бўйича бир хил миқдорда	64	4,1%
Жами	1930	124,5%

Навбатдаги

“Адвокатлик гонорари миқдорини қайси мезонлардан келиб чиқиб белгилайсиз” – деган навбатдаги саволга респондентларнинг **41,2 фоизи** “қатнашадиган ишнинг ҳажми, мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда”, **27,2 фоизи** “шартнома тузаётган шахснинг моддий аҳволдан келиб чиқиб”, **14,9 фоизи** “ишларнинг тоифасига қараб (жиноят, маъмурий, иқтисодий, фуқаролик ишлар ва ҳ.з)”, **37,0 фоизи**, “мижоз билан ўзаро келишган ҳолда”, **4,1 фоизи** “ҳар қандай иш бўйича бир хил миқдорда” деган жавоб вариантларини танлашган.

Худудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, масалан, Тошкент шаҳрида **62 нафар** респондент ва Самарқанд шаҳрида эса **132 нафар** амалдаги тартибга кўра, мижоз билан келишган ҳолда деган жавоб қайтарганликларини кўришимиз мумкин.

1.31-жадвал

Олдиндан қисман тўлаб, қолган қисмини ишнинг якуний натижасига (муваффақият гонорари) қараб



Ҳақ тўлашнинг ойлик шакли



Ҳақ тўлашнинг соатбай шакли



Амалдаги тартибга кўра, мижоз билан келишган ҳолда



ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИДАН КЕЛИБ
ЧИҚИБ АДВОКАТЛИК ГОНОРАРИ БЕЛГИЛАШНИНГ
ҚАЙСИ МЕЗОНЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ СИЗНИНГ
НАЗАРИНГИЗДА МАҚСАДГА МУВОФИҚ?



“Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чикиб адвокатлик гонорари белгилашнинг қайси мезонларини белгилаш Сизнинг назарингизда мақсадга мувофиқ?” – деган саволимизга 3,5 фоиз респондентлар “ҳақ тўлашнинг ойлик шакли”, деб жавоб беришган.

1.32-жадвал



Аксарият ривожланган ва ривожланаётган давлатларда адвокатларга гонорар белгилашнинг Муваффақият гонорари (Гонорар успеха) деган усулидан фойдаланиш амалиёти қўлланиб келинади. Навбатдаги савол орқали айнан шу ҳолатга адвокатларимизнинг фикрини аниқлашга қаратилган. Ҳудудлар кесимида оладиган бўлсак, **78,1 фоиз** “жиноят, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва бошқа ишлар учун жорий этиш лозим” деб, **10,1 фоиз** “жиноят ишлардан ташқари барча ишлар бўйича жорий этиш лозим” деб, **4,1 фоиз** “жиноят ишининг айрим тоифалари (масалан иқтисодий туркумдаги жиноятлар бўйича ва бошқа ишлар бўйича”, деб фикр билдиришган.

1.33-жадвал

АДВОКАТУРА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИ БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДВОКАТЛАР ПАЛАТАСИНING БУГУНГИ КУНДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАЙСИЗ?




Адвокатура ўзини ўзи бошқариш органи бўлган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг бугунги кундаги фаолиятини қандай баҳолайсиз? – деган саволга ҳудудлар кесимида кўрсак, **38,5 фоиз** “яхши” деб, **48,5 фоиз** “қониқарли” деб, **9,6 фоиз** “қониқарсиз”, **3,4 фоиз** (53) респондент эса жавоб қайтармаганлар.



1.34-жадвал


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДВОКАТЛАР ПАЛАТАСИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНГИЗДА КЎПРОҚ ҚАЙСИ ОРГАН СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА?

Адвокатлар никасбий ва ижтимоий ҳимоя қилувчи




43,6%

Адвокатларни касбий бирлаштирувчи




37%

Адвокатларни назорат қилувчи



23%

Адвокатларни жазоловчи




14,5%

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатаси касбий фаолиятингизда кўпроқ қайси орган сифатида намоён бўлмоқда? – деб қўйилган саволга **43,6 фоиз** респондент Ўзбекистон Республикаси “Адвокатлар палатаси касбий фаолиятида кўпроқ адвокатларни касбий ва ижтимоий ҳимоя қилувчи орган”деб, **37 фоиз** “адвокатларни касбий бирлаштирувчи орган” деб, **23 фоиз** “адвокатларни назорат қилувчи орган” деб, **14,5 фоиз** “адвокатларни жазоловчи орган” сифатида кўришларини жавоб вариантида билдиришган.

1.35-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатаси ва унинг ҳудудий Бошқармалари бошқарув органларини шакллантиришнинг амалдаги тартиби адвокатуранинг моҳияти ва фаолият тамойилларига тўғри келадими?





Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатаси ва унинг ҳудудий Бошқармалари бошқарув органларини шакллантиришнинг амалдаги тартиби адвокатуранинг моҳияти ва фаолият тамойилларига тўғри келадими? – деган саволига респондентларнинг **48,6 фоизи** “қисман тўғри” деб, **2,9 фоизи** тўғри келмайди” деб, **2,10 фоизи** “жавоб йўқ”, деб муносабат билдиришган.

1.36-жадвал

Иш фаолиятингизни қайси йўналишларида кўпроқ Ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланасиз?


	Сони	Улуши
Ҳудудий бошқарма раҳбарларини Адвокатлар палатаси раиси томонидан тайинланиши ва Республика Адвокатлар палатаси раисини Адлия вазирининг тақдимномасига асосан сайланиши бўйича белгиланган амалдаги тартиб сақлаб қолиниши мақсадга мувофиқ	564	36,4%
Ҳудудий бошқарма раҳбарлари ҳудуддаги барча адвокатлар томонидан, ҳудудий адвокатлар конференциясида альтернатив кўрсатилган номзодлар орасидан очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан бевосита сайланиши, Республика Адвокатлар палатаси раиси эса Республика адвокатлар съездида кўрсатилган альтернатив номзодлар орасидан тўғридан тўғри очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланиши лозим.	824	53,2%
Жавоб йўқ	162	10,5%

“Сизнингча, бошқарув органлар қандай тартибда шакллантирилиши лозим?” деган саволга респондентларнинг 36,4 фоизи ҳудудий бошқарма раҳбарларини Адвокатлар палатаси раиси томонидан тайинланиши ва Республика Адвокатлар палатаси раисини Адлия вазирининг тақдимномасига асосан сайланиши бўйича белгиланган амалдаги тартиб сақлаб қолиниши мақсадга мувофиқ, деб билишган. 53,2 фоиз респондентлар ҳудудий бошқарма раҳбарлари ҳудуддаги барча адвокатлар томонидан, ҳудудий адвокатлар конференциясида альтернатив кўрсатилган номзодлар орасидан очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан бевосита сайланиши, Республика Адвокатлар палатаси раиси эса, Республика адвокатлар съездида кўрсатилган альтернатив номзодлар орасидан тўғридан тўғри очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланиши лозим деб, 10,5 ефоизи жавоб йўқ, деб фикр билдиришган.



1.37-жадвал


Ўзбекистон Республикаси
Адвокатлар палатаси ва унинг жойлардаги
ҳудудий бошқармалари ҳузурида фаолият
кўрсатаётган адвокатлар малака комиссиялари ва
Палата тафтиш комиссиясининг шакллантирилиш
тартиби Сизга маъқулми?



Адвокатларнинг касбий маҳоратини доимий равишда ошириб боришлари давр талаби ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, “Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари ҳузурида фаолият кўрсатаётган адвокатлар малака комиссиялари, тафтиш комиссияларининг шакллантирилиш тартиби Сизга маъқулми?” – деган саволга респондентларнинг **58,1 фоизи** “ҳа, маъқул”, деб жавоб қайтарган бўлса, **16 фоиз** респондент эса, малака комиссияси фаолиятидан норози эканликларини айтиб ўтишган. Ва шунингдек, **25,7 фоиз** респондент мазкур саволга жавоб беришга қийналишларини айтиб ўтишган. Социологик тадқиқотлар амалиётидан келиб чиқиб шунини айтиш мумкинки, ўзидан юқорида турувчи ташкилот фаолиятига баҳо беришга қийналиш аксарият ҳолларда салбий жавобни танлаш респондентнинг келгуси фаолиятига таъсир кўрсатишидан кўрқиб оқибати сифатида қаралади.

1.38-жадвал


АДВОКАТЛАР ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН
СИЗНИНГЧА, ҚАНДАЙ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЛОЗИМ?






1.39-жадвал

АДВОКАТЛАР БИЛАН СУД-ХУҚУҚ ТАРТИБОТ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШ УЧУН ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЛОЗИМ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙСИЗ?



Респондентларга берилган навбатдаги иккита савол орқали уларнинг “Адвокатлар тизимида коррупциявий ҳолатларни олдини олиш учун Сизнингча, қандай ишларни амалга оширилиши лозимлиги ҳамда Адвокатлар билан суд-ҳуқуқ тартибот органлари ходимлари ўртасидаги коррупциявий ҳолатларга барҳам бериш учун қандай ишлар амалга оширилиши лозимлиги” ҳақидаги фикрларни билишга ҳаракат қилинган эди. Тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг мазкур саволлар ечими бўйича билдириб ўтган фикрлари бир-бирига жуда яқинлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Чунки жавоблардан кўриниб турибдики, қарийб барча респондентлар бундай салбий ҳолатларга қарши. Респондентлар қайтарган жавоблардаги фарқ мазкур салбий иллат билан олиб бориладиган профилактика ишлари бўйича таклифларда акс этмоқда.

1.40-жадвал





Ҳар қандай инсон адвокат бўлиб кетавермайди, албатта. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўзига хос специфик характердаги талаблар мавжудки, мана шу талабларга жавоб берган олий маълумотга эга бўлган шахс мазкур шарафли касб билан шуғулланиши мумкин. Адвокатлик мақомини олиш учун белгилаб қўйилган “талаблар бугунги кун учун етарли ва уларни кучайтириш учун ҳеч қандай асос йўқ”, деган жавоб вариантини 62,1 фоиз респондент танлаган. 28,9 фоиз респондент “талабларни кучайтириш лозим”, деган бўлишса, 7,9 фоиз респондент мазкур саволга жавоб беришга қийналишини айтиб ўтишган.

1.41-жадвал

Адвокатлик мақомини олиш учун амалдаги Қонунчиликда белгиланган талаблар кучайтирилиши лозим, деб ҳисобласангиз талабгорларга қўшимча яна қандай талаблар қўйилиши лозим?

	Сони	Улуши
Мутахассислиги бўйича камида уч йил иш стажига эга бўлиши	490	31,6%
Суд, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралардан жиноят содир этганлиги ёки ўз касбига доғ туширадиган хатти-ҳаракатлари туфайли ишдан бўшатирилган шахсларни қабул қилмаслик	257	16,6%
Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари, судья, терговчи, суриштирувчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлган шахсларнинг ҳам стажировка ўташ шартлиги	187	12,1%
Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгорни такроран топширишга камида икки йилдан кейин қўйиш	148	9,5%
Касб-этикаси қоидаларини бузганлик учун адвокатлик мақомидан махрум этилган шахсларни малака имтиҳонини топширишга камида 3 йилдан кейин қўйиш	44	2,8%
Жавоб йўқ	424	27,4%

Адвокатлик мақомини олиш учун амалдаги Қонунчиликда белгиланган талаблар кучайтирилиши лозим, деб ҳисобласангиз талабгорларга қўшимча яна қандай талаблар қўйилиши лозим? – деган навбатдаги саволга, “мутахассислиги бўйича камида уч йил иш стажига эга бўлиши керак”, деб **31,6 фоиз** респондент жавоб қайтарган бўлса, **16,6 фоиз**



респондент “суд, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралардан жиноят содир этганлиги ёки ўз касбига доғ туширадиган хатти-ҳаракатлари туфайли ишдан бўшатишган шахсларни қабул қилмаслик лозим”, деб жавоб қайтаришган. **12,1 фоиз** сўров иштирокчилари “Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари, судья, терговчи, суриштирувчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлган шахсларнинг ҳам стажировка ўташ шартлигини” айтиб ўтишган. Шунингдек, респондентлар томонидан “Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгорни такроран топширишга камида икки йилдан кейин қўйиш (**9,5 фоиз**) ҳамда “Касб-этикаси қоидаларини бузганлик учун адвокатлик мақомидан маҳрум этилган шахсларни малака имтиҳонини топширишга камида 3 йилдан кейин қўйиш” (**2,8 фоиз**) деган жавоблар билдириб ўтилган.

1.42-жадвал



“Адвокатлик мақомини олиш учун амалдаги Қонунчиликда белгиланган талаблар энгиллаштирилиши лозим деб ҳисоблайсизми?” – деб берилган саволга респондентларнинг **70,8 фоизи** “амалда белгиланган талабларнинг ўзи етарли”, деб жавоб қайтаришган бўлишса, **21,4 фоиз** респондент “мавжуд талабларни энгиллаштириш лозим”лигини эътироф этишган, **4,4 фоиз** респондент мазкур саволга жавоб беришга қийналишларини айтиб ўтишган.

1.43-жадвал

Адвокатлик мақомини олиш учун амалдаги Қонунчиликда белгиланган талаблар энгиллаштирилиши лозим, деб ҳисобласангиз белгиланган қайси талаблар энгиллаштирилиши ёки олиб ташланиши лозим?

	Сони	Улуши
Мутахассислиги бўйича камида олти ой иш стажига эга бўлиши	222	14,3%
Иш стажисиз қабул қилиш	99	6,4%



	Сони	Улуши
Илгари адвокат бўлган лекин ўз ихтиёрига кўра (Интизомий ёки жиноий жавобгарлик тортилмасдан) адвокатура тизимидан кетган шахсларга адвокат мақомини олиш учун стажировка ўтмасдан малака имтихонининг топширишга рухсат бериш	208	13,4%
Илгари адвокат бўлган лекин ўз ихтиёрига кўра (Интизомий ёки жиноий жавобгарлик тортилмасдан) адвокатура тизимидан кетган шахсларга адвокат мақомини олиш учун стажировкадан ўтмасдан ва малака имтихони топширмасдан адвокатлик мақомини бериш (агар адвокатура тизимидан кетган вақти уч йилдан ошмаган бўлса)	259	16,7%
Жавоб йўқ	762	49,20%

Адвокатлик мақомини олиш учун амалдаги Қонунчиликда белгиланган талаблар энгиллаштирилиши лозим, деб ҳисобласангиз белгиланган қайси талаблар энгиллаштирилиши ёки олиб ташланиши лозим? – деган саволга **16,7 фоиз** респондент “Илгари адвокат бўлган, лекин ўз ихтиёрига кўра (Интизомий ёки жиноий жавобгарлик тортилмасдан) адвокатура тизимидан кетган шахсларга адвокат мақомини олиш учун стажировкадан ўтмасдан малака имтихонини топширишга рухсат бериш керак деган таклифни билдирган бўлса, **14,3 фоиз** респондент “Мутахасислиги бўйича камида олти ой иш стажига эга бўлиши лозим”, – деб фикр билдиришган. **13,4 фоиз** респондент “Илгари адвокат бўлган лекин ўз ихтиёрига кўра (Интизомий ёки жиноий жавобгарлик тортилмасдан) адвокатура тизимидан кетган шахсларга адвокат мақомини олиш учун стажировка ўтмасдан ва малака имтихонини топширмасдан адвокатлик мақомини бериш (агар адвокатура тизимидан кетган вақти уч йилдан ошмаган бўлса)” керак”, деган таклифни билдириб ўтишган. Шу билан бирга 6,4 фоиз респондент “адвокатликка иш стажисиз қабул қилиш лозим”, деган фикрни илгари суришган. **49 фоиздан** ортиқ респондент мазкур саволга жавоб қайтаришмаган.



1.44-жадвал

Жиноят ишлар билан бир қаторда бошқа ишлар бўйича ҳам аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларига кўрсатиладиган бепул юридик ёрдам ҳаражатларини давлат ҳисобидан қоплаш тизимини жорий этишга муносабатингиз? саволининг Агар жорий этиладиган бўлса у қайси тоифадаги ишлар ва шахсларга нисбатан бўлиши лозим, деб ҳисоблайсиз саволига қиёсий таҳлили

	Жорий этиш керак		Шарт эмас	
	Сони	Улуши	Сони	Улуши
фуқаролик, маъмурий суд ишларини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича фақат биринчи инстанция судларида қатнашилган ишларга	269	17,4%	14	0,9%
фуқаролик, маъмурий суд ишларини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича барча инстанция судларида қатнашилган ишларга	265	17,1%	0	0
барча жиноят ишлари бўйича	281	18,1%	14	0,9%
Фақат айрим тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича (масалан Пенсия билан боғлиқ, боқувчисини йўқотганли муносабати билан зарарни ундириш, алимент билан боғлиқ ва ҳ.з.)	201	13,0%	54	3,5%
Фақат айрим тоифадаги шахсларга нисбатан барча ишлар бўйича (масалан, ногиронлар, боқувчини йўқотган шахслар, ёлғиз нафақахўрлар ва ҳ.з.)	178	11,5%	54	3,5%

Мазкур социологик тадқиқотларда иштирок этганларнинг **77 фоиздан** кўпроқ қисми “Жиноят ишлар билан бир қаторда бошқа ишлар бўйича ҳам аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларига кўрсатиладиган бепул юридик ёрдам ҳаражатларини давлат ҳисобидан қоплаш тизимини жорий этиш зарур” деган фикрни билдириб ўтишган. Мазкур жавоб вариантини танлаган респондентларнинг айнан қайси йўналишларда жорий этилиши лозим, деган саволга жаобларига эътибор қаратиладиган бўлса, **18,1 фоиз** респондент “барча турдаги жиноят ишлари бўйича”, деб жавоб қайтаришган, **17,4 фоиз** ҳамда **17,1 фоиз** респондентлар мос равишда “фуқаролик, маъмурий суд ишларини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари




бўйича фақат биринчи инстанция судларида қатнашилган ишларга ҳамда фуқаролик, маъмурий суд ишларини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича барча инстанция судларида қатнашилган ишларга”, деб қайтарган бўлсалар, **13 фоиз** респондентлар “Фақат айрим тоифадаги фуқаролик ишлар бўйича (масалан Пенсия билан боғлиқ, боқувчисини йўқотганли муносабати билан зарарни ундириш, алимент билан боғлиқ ва ҳ.з.” ҳамда **11,5 фоизи** “Фақат айрим тоифадаги шахсларга нисбатан барча ишлар бўйича (масалан, ногиронлар, боқувчини йўқотган шахслар, ёлғиз нафақахурлар ва ҳ.з.)”, деган жавоб вариантларини танлашган. “Шарт эмас”, деб жавоб қайтарган респондентларнинг улуши атиги **8,8 фоизни** ташкил этмоқда.

1.45-жадвал



Респондентларнинг мамлакатимизда нашр этилаётган “Адвокат” журнали ва унинг электрон иловасига бўлган муносабатини ўрганиш мақсадида берилган навбатдаги саволга респондентларнинг жавоблари қуйидагича кўринишга эга бўлди. Сўровда қатнашган респондентларнинг аксарияти, яъни **88,3 фоизи** “яхши”, **(47,6 фоизи)** “қониқарли” (**39,7 фоизи**) муносабатда бўлишини билдириб ўтишган. **4,8 фоизи** респондент эса “қониқарсиз” деган баҳо беришган. Шунингдек, **1,7 фоиз** респондент “мазкур журнал ва унинг электрон версиясини ўқимайман”, деб жавоб қайтаришган.

1.46-жадвал



“Келажакда “Адвокат” газетасини ташкил этиш масаласига қандай қарайсиз?” саволига респондентларнинг **52,7 фоизи** “мазкур газета фаолиятини йўлга қўйиш зарур”, дейишган бўлса, **41,2 фоиз** респондент “ҳозирча бундай газетга эҳтиёж йўқ, яъни шарт эмас”, деган жавоб вариантини танлашган. **6,1 фоиз** респондент эса, мазкур саволга жавоб қайтаришмаган.



2. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

2019 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан Тошкент давлат юридик университетида таҳсил олаётган 4-босқич талабалар ўртасида социологик сўров ўтказилди. Мазкур сўровда 220 нафардан ортиқ талаблар иштирок этишди. Яроқли, деб топилган 200 та анкета сўровномасидан келгуси таҳлил жараёнлари учун фойдаланилди.

2.1-жадвал

РЕСПОНДЕНТЛАРНИНГ ЁШИ БЎЙИЧА ТАҚСИМОТИ



Битирувчилар ўртасида ўтказилган ушбу социологик сўровда иштирок этганларнинг 87 фоизи эркак жинсига мансуб бўлса, мос равишда 13 фоиз респондент аёл жинсига тегишли эканлигини кўриш мумкин.

Респондентларнинг ёш категорияси таҳлил қилинганда, қуйидагича манзара вужудга келди. Сўровда иштирок этаётган 4-босқич талабаларининг 52 фоизи 24-26 ёшни, 41 фоиз респондент 21-23 ёш ҳамда атиги 7 фоиз респондент-талабалар 27 ёш ва ундан катта ёшни ташкил этади.

Тадқиқотда иштирок этганларнинг аксарияти ўзларининг доимий яшаш жойлари ҳақида тўлақонли маълумот бермаганликлари сабабли мазкур савол таҳлил жарёнидан чиқариб ташланди.



2.2-жадвал

РЕСПОНДЕНТЛАРНИНГ ЖИНСИ



Тадқиқотда иштирок этганларнинг 178 нафари ёки 89 фоизи меҳнат стажига эга эмаслигини қайд этишган бўлса, 11 фоиз респондент 1 йилдан 5 йилгача бўлган иш стажига эга эканликларини таъкидлашган. Жумладан, 3 нафар респондент 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлса, 4 нафардан респондентлар 4 йиллик ҳамда 3 йиллик меҳнат стажига эга эканликларини кўрсатиб ўтишган. Шунингдек, олий ўқув юртига киргунга қадар 5 нафар талаба 2 йиллик ҳамда 6 нафар талаба 1 йиллик меҳнат стажига эга бўлганликларини қайд этиб ўтишган.

2.3-жадвал

ОИЛА АЪЗОСИНИНГ ЮРИДИК КАСБГА АЛОҚАДОРЛИГИ



Тадқиқот давомида респондентлардан оила аъзоларининг юридик касбга алоқадорлиги ҳақида ҳам қизиқилди. Олинган маълумотлардан маълум бўлдики, 128 нафар (60 фоиз) респондент оила аъзоларининг юридик касбга умуман алоқаси йўқ экан. Отаси ёки (ва) онасининг алоқадорлигини


24 нафар (11 фоиз) респондент, ака-укаси ёки опа-синглисининг алоқадорлигини 16 нафар (8 фоиз) респондент таъкидлаган. Қолган 44 нафар (21 фоиз) респондентларнинг бошқа қариндошлари ушбу касбга алоқадор эканлар. Қуйидаги жавдалдан маълум бўлишича, отаси ёки онасининг адвокатлик касбига алоқадорлиги эркак респондентлар 2 фоиз ва аёл респондентларда эса 1 фоизни ташкил этар экан. Ака-укаларидан атиги 0,5 фоизни ташкил қилиб, бошқа қариндошларининг улуши эркак респондентлар 11,5 фоиз, ва аёл респондентларда эса



3 фоиздан иборат бўлди. “Умуман алоқаси йўқ”, деб жавоб берганлар улуши 71,5 фоиз эркеклар ва 9 фоиз аёллар эканлиги маълум бўлди.

2.4-жадвал

ОИЛА АЪЗОСИНИНГ АДВОКАТЛИК КАСБИГА АЛОҚАДОРЛИГИ



2.5-жадвал



Талабаларга “Касб танлашда сиз учун энг муҳими нима?” – деган савол билан мурожаат қилганимизда, улардан қуйидаги жавобларни олдик. 40 фоиз сўров иштирокчилари мазкур касбнинг менинг қобилиятимга мослиги деб жавоб қайтаришган бўлишса, 36 фоиз респондент юқори даромад олиш имконияти дея жавоб қайтаришган. 20 фоиз респондент эса касб танлашда энг аввало жамиятга фойда келтирадиган касбни танлашларини айтиб ўтишган. 14 фоиз респондент касбнинг мустақиллиги, 8 фоиз респондент касб ваколатларининг кенглиги, ҳамда 6 фоиз респондент танлаган касбнинг юқори даражадаги обрўси дея жавоб қайтаришган.



2.6-жадвал

КЕЛАЖАКДА ҚАЙСИ КАСБДА ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚЧИСИЗ?



Талабалар қайси касбда фаолият юритмоқчи эканлиги билан ҳам қизикдик ва қуйидаги жавобларни олдик.

Жавоблардан маълум бўладики, респондентларнинг деярли 3/1 нафари келажакда судья ёки прокурор ва 4/1 нафари эса юрист сифатида фаолият юритишни истар экан. 11 фоиз талаба терговчи, 17 фоиз талаба адвокат ва атиги 6 фоизи талаба нотариусда фаолият юритишни билдиришган.

Битирувчи талабаларнинг 96 фоизи фикрича, курсдошларининг камчилик қисми адвокат бўлмоқчи эканлигини, 4 фоизи эса кўпчилик курсдошлари адвокатлик касбини танлашни таъкидлаганлар.

2.7-жадвал

НИМА ДЕБ ЎЙЛАЙСИЗ, КУРСДОШЛАРИНГИЗНИНГ НЕЧА НАФАРИ АДВОКАТ БЎЛМОҚЧИ?



Респондентлардан адвокатлик касбига қизиқишнинг пастлигига сабаб нимада эканлиги аниқлаш учун қуйидаги саволни бердик.


Демак, адвокатлик касбига қизиқишнинг пастлигига асосий сабаблардан бири адвокатнинг жамиятдаги мавқеи ва обрўси юқори бўлмаганлигида – 40,5 фоиз (аёллар 6 фоиз) ҳамда қонунчиликда ва амалиётда адвокатнинг мустақиллиги тўлиқ таъминланмаётганлигида – 32



фоиз (аёллар 2,5 фоиз) экан. Баъзи респондентлар адвокат мақомини олиш учун ўрнатилган талабларнинг мураккаблигини (17 фоиз), юридик йўналишдаги бошқа соҳалар адвокатурага нисбатан юқори даромадлигини (8 фоиз) таъкидлашган бўлса, атиги 3,5 фоиз респондент эса ушбу соҳада юқори рақобатнинг мавжудлигини билдирган.

2.8-жадвал

СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗЧА, НИМА САБАБДАН БИТИРУВЧИЛАР (ТАЛАБАЛАР) ОРАСИДА АДВОКАТЛИК КАСБИГА ҚИЗИҚИШ ПАСТ?



2.9-жадвал



Респондентларга “Адвокатлик тузилмаларида стажировка ёки амалиёт ўташ тизими Сизни қониқтирадими?” – деган савол билан мурожаат этдик ва қуйидагича жавобларни олдик.




Маълум бўлдики, деярли 3/1 талаба стажировка ва амалиёт ўташ давомида адвокатлик фаолиятига оид кўплаб янги билим, кўникма ва малакага эга бўлганлигини таъкидлашган (34 фоиз) бўлса, 35 фоиз респондент адвокатлик тузилмаларида стажировка ёки амалиёт ўтамаганлигини билдиришган. 9 фоиз респондент стажировка ва амалиёт ўташ муддати қисқа, деган фикрни билдирган бўлса, 12 фоизи и эса, стажировка ва амалиёт ўташ давомида адвокатлик фаолиятига оид бўлмаган ишлар (хатларни рўйхатга олиш, бирор-бир ташкилотга хат юбориш ваҳ.к.) билан шуғулланганлиги маълум бўлди.

Талабалардан таълим олаётган олий таълим муассасасида адвокатура фани бўйича юридик адабиётлар сони ва сифати етарли деб ҳисоблайдиларми йўқми, шуни билиш мақсадида савол билан мурожаат қилдик. 7 фоиз талаба ушбу адабиётлардан фойдаланмас экан. 41 фоиз респондент адабиётлар етарли деб ҳисобласа, 31 фоиз талаба адабиётлар мавжуд эмаслигини билдирган бўлиб, 17 фоиз адабиётлар эскилигини ва бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини айтиб ўтишган. Шунингдек, 2 фоиз респондент саволга жавоб беришга қийналишларини айтишган бўлишса, яна 3 фоиз респондент мазкур саволга умуман жавоб қайтармаган.

2.10-жадвал

СИЗ ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА
АДВОКАТУРА ФАНИ БЎЙИЧА
ЮРИДИК АДАБИЁТЛАР
СОНИ ВА СИФАТИ ЕТАРЛИ
ДЕБ ҲИСОБЛАЙСИЗМИ?




Битирувчиларга, шунингдек, “Сиз таълим олаётган олий таълим муассасасида адвокатура фани доирасида дарс машғулоти учун ажратилган соатлар адвокатлик фаолиятига оид билимга эга бўлишингизда етарлими?” – деган савол билан ҳам мурожаат этдик. Деярли 2/1 талаба “ушбу дарс машғулоти давомида адвокатлик фаолиятига оид барча билимларга эга бўламан” деб, 4/1 талаба эса, “дарс соатлари жуда кам” – 23 фоиз, “дарс машғулоти асосан назарий жиҳатдан ўтилади ва амалий масалаларни ечиш учун етмайди” – 23 фоиз деган жавобларни беришган.



2.11-жадвал

СИЗ ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА
АДВОКАТУРА ФАНИ ДОИРАСИДА ДАРС МАШҒУЛОТЛАРИ УЧУН АЖРАТИЛГАН
СОАТЛАР АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИГА ОИД БИЛИМГА ЭГА БЎЛИШИНГИЗДА ЕТАРЛИМИ?



2.12-жадвал

СИЗ ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА
АДВОКАТУРА ФАНИ КИМ ТОМОНИДАН ЎТИЛИШИ МАҚСАДГА МУВОФИҚ?



Респондентлардан таълим олаётган олий таълим муассасасида адвокатура фани ким томонидан ўтилиши мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида ҳам савол бериб ўтдик. Респондентларнинг аксарияти, 58 фоиз амалиётчи адвокатлар томонидан, 27 фоиз соҳага ихтисослашган профессор, ўқитувчилар томонидан ўтилса мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлашган.



2.13-жадвал

Сиз таълим олаётган олий таълим муассасасида адвокатлик фаолиятини амалга оширувчи ўқитувчиларнинг сони тахминан неча нафарни ташкил этади?

	Эркак		Аёл	
	Сони	Улуши	Сони	Улуши
5 нафаргача	23	11,5 фоиз	4	2 фоиз
6-10 нафаргача	42	21 фоиз	6	3 фоиз
11-15 нафаргача	15	7,5 фоиз	4	2 фоиз
15-20 нафаргача	43	21,5 фоиз	3	1,5 фоиз
Жавоб беришга қийналаман	49	24,5 фоиз	10	5 фоиз
Жами	172	86 фоиз	27	14 фоиз

Респондентлар орасида олий таълим муассасасида адвокатлик фаолиятини амалга оширувчи ўқитувчиларнинг сони 5 нафаргача деганлар – 11,5 фоиз, 10 нафаргача деганлар – 21 фоиз, 15 нафаргача деганлар – 7,5 фоиз, 20 нафар деганлар – 24,5 фоизни ташкил этди.

2.14-жадвал

Адвокат-ўқитувчиларнинг дарс машғулотларини ўтиш сифати бошқа ўқитувчиларга нисбатан фарқланадими?

	Эркак		Аёл	
	Сони	Улуши	Сони	Улуши
Ҳа, уларнинг дарс машғулотлари амалий мисолларга бой	111	55,5 фоиз	17	8,5 фоиз
Йўқ, уларнинг дарс машғулотлари бошқа ўқитувчилар қаторидек	34	17 фоиз	4	2 фоиз
Ҳа, уларнинг дарс машғулотлари бошқа ўқитувчиларга қараганда зерикарли	6	3 фоиз	0	0
Ҳа, уларнинг дарс машғулотлари биргина мисол билан ўтиб кетади	5	2,5 фоиз	1	0,5 фоиз
Жавоб беришга қийналаман	5	2,5 фоиз	2	1 фоиз



	Эркак		Аёл	
	Сони	Улуши	Сони	Улуши
Жавоб йўқ	13	6,5 фоиз	2	1 фоиз
Жами	174	87 фоиз	26	13 фоиз

Адвокат-ўқитувчиларнинг дарс машғулотларини ўтиш сифати бошқа ўқитувчиларга нисбатан фарқланиши қуйидагича бўлди: амалий мисолларга бой – 55,5 фоиз, уларнинг дарс машғулотлари бошқа ўқитувчилар қаторидек – 17 фоиз, уларнинг дарс машғулотлари бошқа ўқитувчиларга қараганда зерикарли – 3 фоиз, уларнинг дарс машғулотлари биргина мисол билан ўтиб кетади – 2,5 фоизни ташкил этди.

Респондентларимизга “Адвокат ҳуқуқнинг муайян соҳасига ихтисослашиши керак, деб ўйлайсизми?” – деган савол билан мурожаат қилганимизда маълум бўлдики, 59 фоиз талаба ихтисослашиш айнан бир турдаги ишлар бўйича малакали мутахассис бўлиш имконини беришини таъкидлаган бўлиб, 35 фоиз талаба эса, барча ишлар бўйича шуғулланиш адвокатнинг билим ва малакасини кенгайтишига хизмат қилишини белгилашган.

2.15-жадвал

АДВОКАТ ҲУҚУҚНИНГ МУАЙЯН СОҲАСИГА ИХТИСОСЛАШИШИ КЕРАК ДЕБ ЎЙЛАЙСИЗМИ?




Респондентларнинг деярли 70 фоиз олий юридик маълумотга ва зарур иш стажга эга бўлган ҳуқуқшунос адвокат бўлиши мумкинлигини таъкидлаган бўлса, қолганлари эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаган олий маълумотли ҳуқуқшунослар (9,5 фоиз) ҳамда иш стажига эга бўлмаган олий маълумотли ҳуқуқшунослар (8,5 фоиз) адвокат бўлиши кераклигини айтиб ўтишган.




2.16-жадвал

СИЗНИНГЧА, КИМ АДВОКАТ БЎЛИШИ КЕРАК?



2.17-жадвал

“АДВОКАТ” ЖУРНАЛИ ВА УНИНГ ЭЛЕКТРОН ИЛОВАСИГА МУНОСАБАТИНГИЗ?



Сўровда иштирок этган респондентларнинг “Адвокат” журнали ва унинг электрон иловасига муносабати билиш мақсадида берилган навбатдаги саволга респондентларнинг атиги 11 нафари ёки 5,5 фоизи мазкур журналнинг ҳар бир сонини ўқиб боришларини қайд этиб ўтишган бўлишса, 36 фоиз респондент журнални Telegram ижтимоий тармоғида кузатиб боришларини кўрсатиб ўтишган. Сўровда иштирок этган 46 фоиз респондентнинг мазкур журнални ўқимайман дейишлари ҳамда 12,5 фоиз респондентнинг бундай журнал борлигини энди эшитаяпман дейишлари албатта кишини хавотирга соладики, сабаби мазкур соҳа бўйича олий маълумотли бўлишга оз муддат қолган бир пайтда соҳага тегишли даврий нашр ҳақида маълумотга эга бўлмаслик албатта, салбий ҳолат сифатида қаралиши табиий.



2.18-жадвал

СИЗНИНГЧА, МАМЛАКАТИМИЗДА АДВОКАТУРА ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ИСЛОҲ ҚИЛИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

23%

Амалдаги адвокатура соҳасини тартибга солувчи иккита қонун (“Адвокатура тўғрисида”ги ва “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунлар) ўрнига такомиллаштирилган ягона, янги қонун қабул қилиш керак

40%

Янги қонундан ташқари янги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинишида (бошқа қонунларда ҳам) адвокатларга бериладиган процессуал ваколатларни янада кенгайтириш (ривожланган хорижий давлатлар сингари)

46%

Адвокатура институти ҳозиргидек нотижорат эмас, балки, АҚШ, Германия давлатлари сингари тижорат тизимига ўтиши керак

1%


Жавоб беришга қийналаман

Сўровда иштирок этган респондентларнинг мамлакатимизда адвокатура тизимини янада ислоҳ қилиш учун нима қилиш кераклиги ҳақидаги қарашлари қуйидагича кўринишга эга бўлди. 46 фоиз респондент адвокатура институти ҳозиргидек нотижорат эмас, балки АҚШ, Германия давлатлари сингари тижорат тизимига ўтиши керак, деган фикрда бўлишса, 40 фоиз респондент янги қонундан ташқари янги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинишида (бошқа қонунларда ҳам) адвокатларга бериладиган процессуал ваколатларни янада кенгайтириш (ривожланган хорижий давлатлар сингари) деб жавоб қайтаришган. 23 фоиз респондент эса, амалдаги адвокатура соҳасини тартибга солувчи иккита қонун (“Адвокатура тўғрисида”ги ва “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунлар) ўрнига такомиллаштирилган ягона, янги қонун қабул қилиш керак, деган фикрни илгари суришган. Амалдаги қонунчилик базаси етарли бўлиб, ислоҳ қилиш шарт эмас деган жавоб варианты ҳеч бир респондент томонидан танланмаганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Ва атиги 1 фоиз респондент мазкур саволга жавоб беришга қийналишини айтиб ўтишган.



2.19-жадвал

АДВОКАТУРА ТИЗИМИДА АДВОКАТЛИК МАҚОМИНИ ОЛИШ УЧУН
ИМТИХОН ТОПШИРИШДА ЁКИ АДВОКАТГА НИСБАТАН ТУШГАН ШИКОЯТНИ МАЛАКА КОМИССИЯСИДА
КЎРИБ ЧИҚИШДА КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАР МАВЖУД ДЕБ ҲИСОБЛАЙСИЗМИ?



Адвокатура тизимида адвокатлик мақомини олиш учун имтиҳон топширишда ёки адвокатга нисбатан тушган шикоятни малака комиссиясида кўриб чиқишда коррупциявий ҳолатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини билишлари ҳақида сўралганда, респондентларнинг 19 фоиз ҳа, мавжуд дея жавоб қайтаришган бўлишса, 14 фоиз респондент коррупциявий ҳолатлар мавжуд эмас дея жавоб қайтаришган. 67 фоиз респондент эса, бу ҳолат ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасликларини айтиб ўтишган.

2.20-жадвал

СИЗНИНГЧА, БУГУНГИ КУНДА АДВОКАТЛАРНИНГ КАСБИЙ
ДАХЛСИЗЛИГИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАНГАНМИ?




Шундай касблар бўладики, шу касблар билан шуғулланадиган кишиларнинг хавфсизлиги, уларнинг дахлсизлиги борасида доимо хабардор бўлиб туриш керак бўлади. Адвокатлик касби ҳам мана шундай касблар сирасига киради. Адвокатларнинг касбий дахлсизлиги таъминланганлик даражасини билиш мақсадида берилган саволга респондентларнинг 23 фоиз



мазкур соҳа вакилларининг дахлсизлиги тўлиқ таъминланган, деган фикрни илгари суришган бўлса, қарийб 50 фоиз респондент қисман таъминланган, деган фикрни билдириб ўтишган. 9 фоиз респондент эса, касбий дахлсизлик умуман таъминланмаган дейишган бўлишса, 18 фоиз респондент мазкур саволга жавоб беришга қийналишини айтиб ўтишган.

2.21-жадвал

СИЗНИНГЧА СОҲАГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКДА БЕЛГИЛАНГАН АДВОКАТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАЛАБЛАР ЕТАРЛИМИ?



Ҳар бир соҳада бўлгани сингари адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси борасида олиб борилаётган ишларнинг талаб даражасида эканлигини аниқлаш мақсадида берилган саволга респондентларнинг 12 фоиз мазкур талаблар етарли дея жавоб қайтаришган бўлишса, 18 фоиз респондент ҳам бу фикрга қўшилган ҳолда, мазкур талаблар фақат декларатив характерга эга эканлигини таъкидлаб ўтишган. 55 фоиз респондент етарли эмас деган бўлишса, 12 фоиз респондент мазкур саволга жавоб беришга қийналишини айтиб ўтишган. 3 фоиз респондент эса, мазкур саволга жавоб қайтаришмаган.

2.22-жадвал

СИЗНИНГЧА, ЖИНОЯТ СУДЛОВ ЖАРАЁНИДА АДВОКАТ БИЛАН ПРОКУРОР ЎРТАСИДА ТОРТИШУВЧАНЛИК ТАМОЙИЛИНИ ТўЛАҚОНЛИ ҚАРОР ТОПТИРИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?





Навбатдаги савол орқали респондентларнинг жиноят судлов жараёнида адвокат билан прокурор ўртасида тортишувчанлик тамойилини тўлақонли қарор топтириш учун нима қилиш кераклиги ҳақидаги фикрларини ўрганишга қаратилди. 36 фоиз респондент адвокатга муқобил равишда муайян тергов (суриштирув) ўтказиш ваколатини берилиши лозим дейишган бўлишса, 29 фоиз сўров иштирокчилари адвокатга ўзи қатнашаётган ишлар бўйича юқори судларда кўриб чиқилиши мажбурий бўлган протест киритиши ваколатини бериш керак деган фикрни илгари суришган. 22 фоиз респондент эса адвокатга берилган ваколатлар етарли бўлиб, суд тизимини чинакам мустақиллигини таъминлаш зарур деган фикрни билдириб ўтишган. Атиги 13 фоиз респондент эса, адвокатларга берилган ваколатлар етарли бўлиб, фақат адвокатларнинг ўзини малакасини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтишган. Билдирилган мазкур фикрларда шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги кунда адвокатларга прокуратура ходимлари билан тенгма тенг фаолият олиб боришлари учун яна кўпроқ имконият ва ваколат берилиши керак. Шундагина суд жараёнига ҳар икки томон тенг имкониятлар билан кириб боришларини таъминлаш мумкин бўлади.

2.23-жадвал

АДВОКАТЛАРНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ОШИИШ УЧУН ҚАНДАЙ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ КЕРАК?



Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган адвокатларнинг касбий маҳоратини ошириш қолаверса, адвокатлик институтини ёшартириш бугунги кунда мазкур соҳа олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада қандай ишларни амалга ошириш зарур деб берилган саволга респондентларнинг жавоблари қуйидагича кўринишга эга бўлди. Сўровда иштирок этганларнинг 37 фоиз Адвокатлар палатаси ҳузурида адвокатлик касбига тайёрлайдиган марказ ташкил этиш керак деган фикрни билдириб ўтишган. 30 фоиз



респондент ТДЮУда адвокатлар тайёрлайдиган алоҳида бўлинма (марказ ёки кафедра) ёки факультет ташкил этиш зарур деган фикрни илгари суришган бўлишса, 20 фоиз респондент Адлия вазирлиги ҳузурида ёки мустақил равишда адвокатлар тайёрлайдиган махсус олий ўқув даргоҳи ташкил этилиши кераклиги айтиб ўтишган. 4 фоиз респондент мазкур саволга жавоб беришга қийналишларини айтиб ўтишган бўлишса, 9 фоиз респондент эса, умуман мазкур саволга жавоб қайтармаганликларини эътироф этиб ўтиш керак.

2.24-жадвал

БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗДА 33 МЛН. ДАН ЗИЁД АҲОЛИ ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИ.

ЎЗБЕКИСТОНДА 4 МИНГГА ЯҚИН ШАХС АДВОКАТЛИК МАҚОМИГА ЭГА.

СИЗНИНГЧА, АДВОКАТЛАР СОНИНИ КЕСКИН ОШИРИШ УЧУН ҚЎЙИДАГИ ҚАЙСИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЛОЗИМ?



Бугунги кунда юртимизда 33 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ўзбекистонда 4 мингга яқин шахс адвокатлик мақомига эга. Сизнингча, адвокатлар сонини кескин ошириш учун қўйидаги қайси ишларни амалга оширилиши лозимлигини аниқлаш мақсадида берилган саволга респондентларнинг 39 фоиз ёки 78 нафари адвокатлик мақомига қўйиладиган талабларни камайтириш керак. Хусусан, олий таълим муассасаси битирган шахс меҳнат стажисиз адвокат бўлиши керак деган фикрни билдиришган. 34 фоиз респондент эса амалдаги адвокатура билан паралелл равишда фаолият кўрсатадиган давлат (муниципал) адвокатурасини ташкил қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтишган. 8 фоиз респондент эса, давлат органларида ишловчи олий юридик маълумотли хизматчилардан бошқа барча олий маълумотли ҳуқуқшуносларга адвокат мақоми берилиши керак деган фикрни илгари суришган. Қолган 19 фоиз респондент ёки жавоб беришга қийналган (7 фоиз) ёки умуман жавоб қайтармаган (12 фоиз).




2.25-жавдал


БУГУНГИ КУНДА АДВОКАТУРА ТИЗИМИДА АХЛОҚИЙ МЕЗОНЛАР НУҚТАИ НАЗАРИДАН ҚАНДАЙ ШАХСЛАР ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА?



Аксарияти ўз вазифаларини виждонан бажараётган, билимли жонкуяр адвокатлар фаолият юритмоқда



Адвокатура тизимида аксарият ҳолларда ҳуқуқ-тартибот идораларидан ҳайдалган шахслар фаолият юритмоқда.



Ҳам ижобий, ҳам салбий хислатларга эга адвокатлар фаолият юритмоқда



Жавоб беришга қийналаман

Бугунги кунда адвокатура тизимида ахлоқий мезонлар нуқтаи назаридан қандай шахслар фаолият юритмоқда деб берилган саволга респондентларнинг 45 фоиз Адвокатура тизимида аксарият ҳолларда ҳуқуқ-тартибот идораларидан ҳайдалган шахслар фаолият юритмоқда деган фикрни билдириб ўтишган бўлишса, 22 фоиз респондент Ҳам ижобий, ҳам салбий хислатларга эга адвокатлар фаолият юритмоқда дея жавоб қайтаришган. Шу билан биргаликда 15 фоиз респондент адвокатларнинг аксарияти ўз вазифаларини виждонан бажараётган, билимли жонкуяр адвокатлар фаолият юритмоқда дея ижобий характердаги жавобни қайтаришган. Мазкур саволга жавоб қайтармаган респондентлар улуши 18 фоизини ташкил этди.

2.26-жадвал

Ўзбекистонда адвокатура тизимида
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ўрнига қандай қарайсиз?

	Эркак		Аёл	
	Сони	Улуши	Сони	Улуши
Адвокатлар палатаси – адвокатларни бирлаштирувчи, улар манфаатларини ҳимоя қилувчи, касб этикаси қоидаларига риоя қилинишини таъминловчи ташкилот	66	33 фоиз	10	5 фоиз



	Эркак		Аёл	
	Сони	Улуши	Сони	Улуши
Адвокатлар палатаси – адвокатларнинг олий органи бўлиб, адвокатларни назорат қилади, талабгорлардан малака имтиҳонларини қабул қилади, адвокатларни интизомий жазога тортади	49	24,5 фоиз	6	3 фоиз
Адвокатлар палатаси - адвокатлардан фақат ҳисоботлар талаб қилиш, аъзолик бадаллари йиғиш билан шуғулланади	26	13 фоиз	5	2,5 фоиз
Жавоб беришга қийналаман	33	16,5 фоиз	5	2,5 фоиз
Жами	174	87 фоиз	26	13 фоиз

Ҳозирги кунда республикада фаолият олиб бораётган адвокатлар фаолиятни тартибга солиш, адвокатлик институти фаолияти устидан назоратни амалга ошираётган ташкилотлардан бири адвокатлар палатаси ҳисобланади. Навбатдаги савол орқали респондентларнинг мазкур орган фаолияти хусусида фикрларини билишга ҳаракат қилдик. Унга кўра, респондентларнинг 38 фоизнинг фикрига кўра, Адвокатлар палатаси – адвокатларни бирлаштирувчи, улар манфаатларини ҳимоя қилувчи, касб этикаси қоидаларига риоя қилинишини таъминловчи ташкилот бўлса, 27,5 фоиз респондент фикрича, Адвокатлар палатаси – адвокатларнинг олий органи бўлиб, адвокатларни назорат қилади, талабгорлардан малака имтиҳонларини қабул қилади, адвокатларни интизомий жазога тортадиган ташкилот дея жавоб қайтаришган. 15,5 фоиз респондент эса, Адвокатлар палатаси – адвокатлардан фақат ҳисоботлар талаб қилиш, аъзолик бадаллари йиғиш билан шуғулланади деган жавоб қайтаришган. 19 фоиз респондент мазкур саволга жавоб қайтаришмаган.

2.27-жадвал



Олий таълим муассасасини битирганингиздан кейин адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга тўғри келиб қолса қайси йўналиш бўйича ишлашни хоҳлар эдингиз?



Адвокатлар билан суд-ҳуқуқ тартибот органлари ходимлари ўртасидаги коррупциявий ҳолатларга барҳам бериш учун қандай ишлар амалга оширилиши лозим деб ҳисоблайсиз деб берилган навбатдаги саволга респондентларнинг 34 фоиз коррупцияга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш керак деган жавобни қайтарган бўлса, 27,5 фоиз респондент коррупцияда айбдор деб топилган адвокатларни адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан умрбод маҳрум қилиш керак деб жавоб қайтарган. 24 фоиз респондент мазкур саволга Қонунчиликда касбий фаолият билан боғлиқ жиноят содир этган адвокатлар учун (масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик), 210-моддаси (пора олиш), 211-моддаси (пора бериш), 212-моддаси (пора олиш-беришда воситачилик қилиш) ва ҳоказо) жавобгарликни белгиловчи алоҳида модда акс эттириш керак деган жавоб вариантини белгилашган. Шу билан биргаликда 14,5 фоиз респондент мазкур саволга жавоб қайтармаган.

2.28-жадвал

Адвокатлар билан суд-ҳуқуқ тартибот органлари ходимлари ўртасидаги коррупциявий ҳолатларга барҳам бериш учун қандай ишлар амалга оширилиши лозим деб ҳисоблайсиз?

	Эркак		Аёл	
	Сони	Улуши	Сони	Улуши
Коррупцияга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш керак	58	29 фоиз	10	5 фоиз
Коррупцияда айбдор деб топилган адвокатларни адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан умрбод маҳрум қилиш керак	48	24 фоиз	7	3,5 фоиз
Қонунчиликда касбий фаолият билан боғлиқ жиноят содир этган адвокатлар учун (масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик), 210-моддаси (пора олиш), 211-моддаси (пора бериш), 212-моддаси (пора олиш-беришда воситачилик қилиш) ва ҳоказо) жавобгарликни белгиловчи алоҳида мода акс эттириш керак	40	20 фоиз	8	4 фоиз
Жавоб йўқ	28	14 фоиз	1	0,5 фоиз



	Эркак		Аёл	
	Сони	Улуши	Сони	Улуши
Жами	174	87%	26	13%

2.30-жадвал

СИЗНИНГЧА АДВОКАТУРА ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЛОЗИМ?



Тадқиқотнинг навбатдаги саволи респондентларнинг Сизнингча адвокатура тизимида коррупциявий ҳолатларни олдини олиш учун қандай ишлар амалга оширилиши лозимлиги ҳақидаги фикрларини ўрганишга қаратилган. Унга кўра, респондентларнинг 35 фоизи манфаатлар тўқнашувига (конфликт интересов) сабаб бўладиган ҳолатлар чуқур ўрганилиб, уларни олдини олишга қаратилган корпоратив ҳужжатлар ишлаб чиқиши зарур деган вариантни илгари суришган бўлишса, 27,5 фоиз респондент Адвокатлар палатаси тизимида ва малака комиссияларида фаолият кўрсатувчи адвокатлар, ходимлар устидан назорат кучайтирилиши, таъмагирлик ёки бошқа ноқонуний ҳаракатлар юзасидан мурожаат қилиш учун Адвокатлар палатаси марказий аппаратиде ишонч телефони жорий этилиши лозимлигини таъкидлаб ўтишган. 25,5 фоиз респондент Адвокатлар палатаси тизимидаги мансабдор шахслар ва малака комиссияларида фаолият олиб боровчи адвокатлар тез-тез алмаштирилиши лозимлигини кўрсатиб ўтишган бўлишса, 5,5 фоиз сўров иштирокчилари худудий бошқармалардаги мутасадди шахслар ва малака комиссиясидаги адвокатлар жойлардаги адвокатлик тузилмаларининг умумий мажлисда сайланиши керак деган фикрни ҳимоя қилиб чиқишган. Шу ўринда мазкур саволга 13 нафар респондентнинг жавоб қайтармаганини ҳам инобатга олиб ўтиш зарур бўлади.

Умуман олганда, Тошкент давлат юридик университети битирувчилари ўртасида ўтказилган мазкур социологик тадқиқот натижалари ҳақида тўхталаган бўлсак қуйидагиларни хулоса



сифатида келтириб ўтиш лозим бўлади. Жумладан, битрувчи талабалар ўрганилаётган мавзу бўйича умумий маълумотга эгалар; аксарият талабаларда мазкур соҳага нисбатан қизиқиш унчалик юқори эмас, шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, ОТМни тугутгандан сўнг бевосита адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга қонуний имкониятнинг йўқлиги қайсидир маънода битирувчиларнинг мазкур соҳага нисбатан қизиқишларининг пастлиги сабаб бўлмоқда.



3. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДАГИ АДВОКАТУРА МОДЕЛЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Россия Федерациясида адвокатлик мақомини тўхтатиш ва тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари

	ТЎХТАТИШ	ТУГАТИШ
Асослар	<p>Шартсиз</p> <ul style="list-style-type: none"> • адвокатни доимий равишда ишлайдиган давлат ҳокимияти органи ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига маълум бир муддатга сайлаш; • олти ойдан ортиқ муддат мобайнида адвокат ўз касбий мажбуриятларини бажара олмаслиги; • адвокатни ҳарбий хизматга чақирилиши; • федерал қонунда белгиланган тартибда адвокат йўқолган деб топилиши. <p>Диспозитив</p> <p>Адвокатга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашда суд адвокатлик мақомини тўхтатиш масаласини кўриб чиқиши мумкин.</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Адвокат томонидан адвокатлар палатаси кенгашига адвокатлик мақомини тугатиш ҳақида аризаси топширилиши; • суднинг адвокатни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш ҳақидаги қарорининг қонуний кучга кириши; • адвокатнинг вафоти ёки суднинг уни вафот этган деб топиш ҳақидаги қарорининг қонуний кучга кириши; • суднинг адвокатни қасддан жиноят содир қилишда айбдор деб топиш ҳақидаги ҳукмининг қонуний кучга кириши; • Адвокатлик фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 9-моддаси 2-бандида назарда тутилган ҳолатларнинг аниқланиши. <p>Малака комиссиясининг хулосаси талаб қилинади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ишонч билдирувчи шахс олдидаги адвокат томонидан ўз касбий мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги; • адвокат томонидан адвокатнинг касб этика кодекси нормаларини бузилиши; • адвокат томонидан ишонч билдирувчи шахсга малакали юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ маълумотдан ноқонуний фойдаланилиши ёки тарқатилиши, ёхуд адвокатлик сўровига Россия Федерацияси қонунчилиги билан белгиланган талабларга тизимли равишда риоя этилмаслиги;



	ТЎХТАТИШ	ТУГАТИШ
Асослар		<ul style="list-style-type: none"> • адвокат адвокатлар палатаси органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги; • Адвокатлик фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 10-моддаси 2-бандига асосан тақдим этилган маълумотларнинг нотўғри эканлиги аниқланиши; • Адвокатлик фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 15-моддаси 6-бандига назарда тутилган ҳолатлар пайдо бўлган кундан бошлаб тўрт ой давомида адвокат томонидан адвокатлик тузилмасининг бирон бир шакли танланганлиги ҳақида маълумотларнинг йўқлиги.
Қарор қабул қилиш субъекти	Адвокатлар палатаси кенгаши	Адвокатлар палатаси кенгаши
Оқибатлар	<ul style="list-style-type: none"> • Адвокатлик фаолияти тўғрисидаги қонунда белгиланган кафолатларнинг амал қилишини тўхтатиш; • адвокатлик фаолиятини амалга ошириш, адвокатларни ўзини ўзи бошқариш органларида сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллашни таъқиқлаш <p>Мақомни тиклаш – адвокатлар палатаси кенгашининг мақоми тўхтатилган адвокатнинг шахсий аризаси асосида қабул қилган қарорига кўра.</p>	<ul style="list-style-type: none"> • ҳуқуқларни йўқотиш ва мажбуриятлардан озод бўлиш (адвокатлик сирини сақлаш мажбурияти бундан мустасно); • адвокатлик фаолиятини амалга ошириш, адвокатларни ўзини ўзи бошқариш органларида сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллашни таъқиқлаш.

Россия Федерациясида адвокат ёрдамчилар ва стажёрларнинг ҳуқуқий мақоми

	ЁРДАМЧИ	СТАЖЕР
Талаблар	<ul style="list-style-type: none"> • олий, тугалланмаган олий ёки ўрта юридик таълим; • салбий шартларга риоя этилиши (қасддан содир этилган жиноятлар учун олиб ташланмаган ёки тугатилмаган судланганлик ҳолатининг йўқлиги, муомала лаёқати) 	<ul style="list-style-type: none"> • мураббий-адвокат беш йилдан кам бўлмаган стажга эга бўлиши керак; • олий юридик маълумот; • салбий шартларга риоя этилиши (қасддан содир этилган жиноятлар учун олиб ташланмаган ёки тугатилмаган судланганлик ҳолатининг йўқлиги, муомала лаёқати).
Меҳнат муносабатларини расмийлаштириш	Мазкур шахсга нисбатан иш берувчи ҳисобланадиган адвокатлик тузилмаси билан, агар адвокат ўз фаолиятини адвокатлик кабинетида олиб борса, у ҳолда адвокат билан тузилган меҳнат шартномаси шартларида қабул қилинади.	Мазкур шахсга нисбатан иш берувчи ҳисобланадиган адвокатлик тузилмаси билан, агар адвокат ўз фаолиятини адвокатлик кабинетида олиб борса, у ҳолда адвокат билан тузилган меҳнат шартномаси шартларида қабул қилинади.



	ЁРДАМЧИ	СТАЖЕР
<p>Ҳуқуқий мақомнинг хусусиятлари</p>	<ul style="list-style-type: none"> • адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас; • адвокатура тўғрисидаги қонунчиликка риоя этишга, адвокатлик сирини сақлашга мажбур. 	<ul style="list-style-type: none"> • мустақил адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас; • адвокатура тўғрисидаги қонунчиликка риоя этишга, адвокатлик сирини сақлашга мажбур.

Қирғизстон Республикасида адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш лицензиясини тўхтатиш ва тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари

	ТЎХТАТИШ	ТУГАТИШ
<p>Асослар</p>	<p>киришганида (маҳаллий кенешлар депутатлари мустасно);</p> <ul style="list-style-type: none"> • адвокат муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлганида; • адвокатнинг аризасига кўра; • қонуннинг 19-моддаси 4-қисми 14-бандида кўрсатилган, адвокатлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган фаолият юритиш даврига лицензия олган шахсларнинг аризасига кўра; • агар адвокат Касб этика кодекси нормаларини бузса; • Адвокатура уставида белгиланган муддатларда аъзоик бадалларини тўламаган ҳолатда. 	<p>Лицензиядан маҳрум қилиш куйидаги ҳолатларда амалга оширилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • адвокатга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганида; • адвокат Касб этика кодекси нормаларини такроран бузса; • қонун ёки Адвокатура устави нормаларига асосан малаксини оширмаса, лицензия амал қилиши тўхтатилган ҳолатлар мустасно; • адвокат мазкур Қонун нормаларини бузса. <p>Лицензия амал қилишини тугатиш куйидаги ҳолатларда амалга оширилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • адвокат Қирғизстон Республикаси фуқаролигини йўқотса; • адвокат вафот этса ёки уни йўқолган ёки вафот этган деб топиш ҳақидаги суд қарорининг қонуний кучга кирса; • адвокат тегишли тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилса; • адвокатнинг шахсан езма равишда топширган аризаси бўлса; • сабабсиз бир ой давомида лицензияни қабул қилиб олмаса; • адвокат лицензия олган кундан бошлаб бир ой давомида Адвокатурага аъзо бўлиб кирмаса
<p>Қарор қабул қилиш субъекти</p>	<p>Қирғизстон Республикаси Адлия вазирлиги</p>	<p>Қирғизстон Республикаси Адлия вазирлиги</p>



	ТҶХТАТИШ	ТУГАТИШ
Оқибатлар	<ul style="list-style-type: none"> • уч йил муддат амал қилади • адвокатлик фаолиятини амалга оширишни таъқиқлаш ва кафолатлар амал қилишини тўхтатиш <p>Тиклаш – Қирғизстон Республикаси Адлия вазирлигининг қарорига кўра.</p>	<ul style="list-style-type: none"> • ҳуқуқларни йўқотиш ва мажбуриятлардан озод бўлиш (адвокатлик сирини сақлаш мажбурияти бундан мустасно); • адвокатлик фаолиятини амалга ошириш, адвокатларни ўзини ўзи бошқариш органларида сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллашни таъқиқлаш.

Қирғизстон Республикасида адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш лицензиясини тўхтатиш ва тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари

	ТҶХТАТИШ	ТУГАТИШ
	<p>Лицензияни тўхтатиб туришнинг умумий асосларидан ташқари, лицензининг амал қилиши:</p> <p>а) қуйидаги даврлар учун:</p> <ul style="list-style-type: none"> • адвокатнинг давлат хизматида бўлган; • ўз фаолиятини бюджет маблағлари ҳисобидан тўланадиган, доимий асосда олиб борадиган Қозоғистон Республикаси Парламенти депутати, маслихат депутати ваколатларини бажариш; • адвокат томонидан муддатли ҳарбий хизматни ўташ; • адвокатлар ҳайъатига топширган аризасига кўра адвокатнинг ўз фаолиятини тўхтатган даври учун тўхтатилади; <p>б) белгиланган муддатга қуйидаги ҳолатларда:</p> <ul style="list-style-type: none"> • адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиядан маърум қилиш ҳақида иш қўзғатилганда - қарор қабул қилингунча; • адвокат жиноят процессуал қонунга кўра жиноят содир қилганликда айбдор деб топилганда - ҳукм қонуний кучга киргунча; • малака ошириш курсларида ўқишни ўттиз календарь кунидан кўп муддатга сабабсиз кечиктирганда ёки бундай курсда ўқишни рад қилганда - қонунбузарликни бартараф этгунга қадар, лекин уч ойдан кўп бўлмаган муддатга; 	<p>Лицензиар томонидан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • адвокатни қонуний кучга кирган суд қарорига кўра муомалага лаёқатсиз ёки чекланган, вафот этган ёки бедарак йўқолган деб топилиши; • адвокатнинг Қозоғистон Республикаси фуқаролиги тугатилиши; • адвокатнинг вафоти; • Қозоғистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 35- ёки 36-моддаси биринчи қисми 3), 4), 9), 10) и 12) бандларига кўра жиноий жавобгарликдан озод этилганда; • қасддан содир этган жинояти учун адвокатга нисбатан айблов ҳукмининг қонуний кучга кириши; • адвокатга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги суд қарорининг қонуний кучга кириши. <p>қуйидаги ҳолатларда лицензиарнинг даъвосига кўра суд томонидан амалга оширилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • адвокат ўз касбий фаолияти давомида Қозоғистон Республикаси қонунчилиги, юридик ёрдам кўрсатиш принциплари, адвокатнинг касб этика Кодекси талабларини қўпол равишда ёки кўп мартаба бузганлиги; • адвокат етарли малакага эга эмаслиги оқибатида ўз касбий мажбуриятларини бажариши имконсизлиги;



	ТЎХТАТИШ	ТУГАТИШ
Асослар	<ul style="list-style-type: none"> • тизимли равишда (ўн икки календарь ойи давомида уч ва ундан кўп марта) давлат томонидан кафолатланадиган юридик ёрдам кўрсатиш сифатининг мезонларига мос келмайдиган давлат томонидан кафолатланадиган юридик ёрдам кўрсатилганда - олти ойга; • тизимли равишда (ўн икки календарь ойи давомида уч ва ундан кўп марта) «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қозоғистон Республикаси Қрнунда назарда тутилган талабларни бузганида - олти ойга; • адвокат касбий фаолияти билан бирга тадбиркорлик ёки бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланганда, тижорат ташкилотининг кузатув кенгаши таркибига кирган, низони ҳал қилиш учун тегишли арбитражнинг арбитра сифатида сайланган ёки тайинланган ҳамда педагогик, илмий ёки бошқа ижодий фаолият билан шуғулланган ҳолатлар бундан мустасно, - олти ойга тўхтатилади. 	<ul style="list-style-type: none"> • лицензия амал қилишини тўхтатишга асос бўлган Қонуннинг 43-моддаси 3 банди 3) ва 6) кичик бандларида назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилмаганда; • лицензия беришга асос бўлган адвокат томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар нотўғри ёки атайин бузиб кўрсатилганлиги аниқланганда; • лицензиянинг амал қилиши кетма кет ўттиз олти ой давомида Қонуннинг 43-моддаси 3 банди 3), 4) ва 5) кичик бандларида назарда тутилган асосларга кўра уч марта тўхтатилганда.
Қарор қабул қилиш субъекти	Лицензиар (Адлия вазирлиги) вилоятлар, республика аҳамиятидаги шаҳарлар, пойтахт адлия ҳудудий органлари тақдимномаси, Республика ва ҳудудий адвокатлар ҳайъатлари илтимосномаси асосида.	Лицензиар (Минюст) ёки суд адлия ҳудудий органи тақдимномаси, адвокатлар ҳайъати раёсати илтимосномаси асосида
Оқибатлар	лицензиар томонидан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш лицензияси амал қилишини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилган кундан бошлаб адвокатлик фаолиятини амалга оширишни таъқиқлаш	ҳуқуқларни йўқотиш ва мажбуриятлардан озод бўлиш (адвокатлик сирини сақлаш мажбурияти бундан мустасно).

Хорижий давлатлар қонунчилигида эътибор қаратиш лозим бўлган прогрессив қоидалар

	Россия Федерацияси	Франция Республикаси	Германия Федератив Республикаси	Қирғизстон Республикаси	Қозоғистон Республикаси
Ижобий шартлар	<ul style="list-style-type: none"> • давлат томонидан аккредитацияланган таълим дастури бўйича олинган олий юридик маълумот ёки юридик мутахассислик бўйича илмий даражанинг мавжудлиги 	<ul style="list-style-type: none"> • француз фуқаролиги ёки ЕИга аъзо давлатнинг фуқаролиги ёки Европа иқтисодий зонаси тўғрисидаги келишув тарафи бўлган давлатнинг фуқаролиги, ёхуд 	<ul style="list-style-type: none"> • давлат имтихонларини топшириш; • стажировка ўташ; • касбий жавобгарликни суғурталаш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Қирғизстон Республикаси фуқаролиги; • олий юридик маълумот; • юридик мутахассислик бўйича бир йилдан кам бўлмаган иш стаж. 	<ul style="list-style-type: none"> • Қозоғистон Республикаси фуқаролиги; • олий юридик маълумотот; • стажировка ўташ.



	Россия Федерацияси	Франция Республикаси	Германия Федератив Республикаси	Қирғизстон Республикаси	Қозоғистон Республикаси	
Ижобий шартлар	<ul style="list-style-type: none">• юридик мутахассислик бўйича икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши ёки адвокатлик тузилмасида стажировка ўташи.	<p>французларга Францияда касбий фаолиятни амалга ошириши мумкин бўлган шароитларда ўз худудида касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берган давлат фуқаролигига эга бўлиш (ЕИ Кенгашининг Европа Иқтисодий Иттифоқи давлатлар гуруҳлари ва денгиз орти давлатларига нисбатан қарорларини инобатга олган ҳолда), ёки Франция қочоқлар ва апатридларни ҳимоя қилиш бюроси ҳимояси остида бўлган қочоқ ёки апатрид мақомига эга бўлиш.</p> <ul style="list-style-type: none">• ҳуқуқ магистри ёки шунга эквивалент дипломга эга бўлиш;• адвокат мақомини олганлиги ҳақидаги Сертификатга эга бўлиш.				
Салбий шартлар	<ul style="list-style-type: none">• Россия Федерациясининг қонунчилигида белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;	<ul style="list-style-type: none">• шаъни, муносиб хулқ-атвор ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган қилмиш содир қилганлиги учун жиноий таъқиб қилинишига асос бўладиган	<ul style="list-style-type: none">• Федерал конституцион суднинг қарорига кўра асосий фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум бўлган;• суд қарорига кўра жамоат идораларида	<ul style="list-style-type: none">• Қирғизстон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахс;	<ul style="list-style-type: none">• қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;	



	Россия Федерацияси	Франция Республикаси	Германия Федератив Республикаси	Қирғизстон Республикаси	Қозоғистон Республикаси
Салбий шартлар		<p>ҳаракатлар субъекти ҳисобланиши;</p> <ul style="list-style-type: none"> • ишдан бўшатиш, аъзоликдан чиқариш, чақириб олиш, рўйхатдан ўтганликни ёки лицензияни бекор қилиш кўринишидаги интизомий ёки маъмурий санкциялар қўллашга асос бўладиган ҳаракатлар субъекти ҳисобланиши; • 1985 йил 25 январдаги 85-98 сонли Қонуннинг VI бобида назарда тутилган банкротлик процедураси ёки бошқа санкция қўлланилиши мумкин бўлиши. 	<p>лавозим эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган;</p> <ul style="list-style-type: none"> • суд қарорига кўра адвокатурадан чиқариб юборилган; • интизомий суд қарорига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ишдан бўшатишган; • адвокатлик даражасига лойиқ бўлмаган қилмиш содир қилганликда айбланган; • Германияда мавжуд ижтимоий тизимга қарши курашда қонунга хилоф равишда иштирок этаётганлиги; • ўзининг жисмоний нуқсонлари руҳий кучсизлиги оқибатида узоқ муддат адвокатлик функцияларини тегишли равишда бажариш имкониятига эга эмаслиги; • адвокат касби ва обрўси билан келишмайдиган фаолият билан шуғулланаётганлиги; • суд қарорига кўра ўз мулкига эгалик қилиш ҳуқуқи чекланганлиги; 	<ul style="list-style-type: none"> • судланганлиги олиб ташланмаган ёки тугалланмаган шахслар; • интизомий қилмиш содир қилганлиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органидан ишдан бўшатишган шахс -бўшатишган кундан бошлаб бир йил давомида; • аввал адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш лицензиясидан маҳрум қилинган шахс; • номувофиқ хулқи учун судьялик лавозимидан муддатидан олдин озод этилган шахс - лавозимидан озод этилган кундан бошлаб бир йил давомида. 	<ul style="list-style-type: none"> • судланганлиги олиб ташланмаган ёки тугалланмаган шахслар; • судланганлиги олиб ташланмаган ёки тугалланмаган шахслар; • Қозоғистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 35- ёки 36-моддаси биринчи қисми 3), 4), 9), 10) и 12) бандларига кўра жиноий жавобгарликдан озод этилган шахслар, бундай ҳодисалар бўлиб ўтгандан кейин уч йил давомида; • салбий сабабларга кўра давлат хизмати, ҳарбий хизмат, прокуратура, бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, махсус давлат органларидан бўшатишганлар ҳамда судьялик лавозимидан озод этилганлар, бўшатишган (озод этилган) кундан бошлаб бир йил давомида; • маъмурий коррупцион ҳуқуқбузарлик содир қилганлар, воқеа кунидан бошлаб уч йил давомида;



	Россия Федерацияси	Франция Республикаси	Германия Федератив Республикаси	Қирғизстон Республикаси	Қозоғистон Республикаси
Салбий шартлар			<ul style="list-style-type: none"> судья ёки давлат хизматчиси эканлиги (мазкур функциялар жамоатчилик асосида бажарилаётган ҳолатлар мустасно). 		<ul style="list-style-type: none"> адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш лицензиясидан маҳрум қилинган шахслар; салбий сабабларга кўра палатанинг юридик маслаҳатчилар реестридан чиқариб ташланганлар, агар чиқарилган кундан бошлаб уч йилдан кам вақт ўтган бўлса.

Россияда адвокатлик тузилмаларининг асосий белгилари ва хусусиятлари

	Адвокатлик кабинети	Адвокатлар ҳайъати	Адвокатлик бюроси	Юридик маслаҳатхона
Таъсис этиш шартлари	«стаж цензи» – беш йил	«стаж цензи» – беш йил	-	бир суд тумани ҳудудида адвокатларнинг умумий сони бир федерал судьясига икки кишини ташкил қилади
Таъсис этиш тартиби (шу жумладан таъсис ҳужжатлари), давлат рўйхатидан ўтказиш	Адвокат турли жойлардан, жумладан турар жойдан фойдаланиши мумкин. Давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмайди.	Таъсис шартномаси (мулкни ўтказиш тартиби, қабул қилиш ва чиқиш тартиби ва ҳ.к.) ва устав (номланиши, жойлашган жойи, фаолият предмети ва мақсадлари ва ҳ.к.). Давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилади.	Шериклик шартномаси оддий ёзма шаклда тузилади. Шериклик шартномасига кўра адвокатлар - шериклар барча шериклар номидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мажбуриятини олади. Давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмайди.	Субъектнинг ижро ҳоқимияти органининг тақдимномасига кўра адвокатлар палатаси юридик маслаҳатхонани таъсис этади.
ЮШ сифатидаги мақоми		Нотижорат ташкилоти. РФнинг барча ҳудудларида ва унинг ташқарисида филиаллар очиши мумкин. Таъсисчилар томонидан киритилган мулк - ҳайъат мулки ҳисобланади. Фақат адвокатлик бюросига қайта ташкил этилиши мумкин.	Адвокатлар ҳайъати тўғрисидаги қонунчилик нормалари қўлланилади. Фақат адвокатлар ҳайъатига қайта ташкил этилиши мумкин.	Нотижорат ташкилоти.



	Адвокатлик кабинети	Адвокатлар ҳайъати	Адвокатлик бюроси	Юридик маслаҳатхона
Мажбуриятлар бўйича жавобгарлик	Шахсан	Адвокатлар ҳайъати аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ва аксинча (тескариси).	Бажарилмаган умумий мажбуриятлар бўйича солидар жавобгарлик.	Шахсан

Қирғизстонда адвокатлик тузилмаларининг асосий белгилари ва хусусиятлари

	Адвокатлик кабинети	Адвокатлар ҳайъати	Юридик маслаҳатхона
Таъсис этиш шартлари	-	-	-
Таъсис этиш тартиби (шу жумладан таъсис хужжатлари), давлат рўйхатидан ўтказиш	Адвокат турли жойлардан, жумладан турар жойдан фойдаланиши мумкин. Давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмайди.	Таъсис шартномаси (мулкни ўтказиш тартиби, қабул қилиш ва чиқиш тартиби ва ҳ.к.) ва устав (номланиши, жойлашган жойи, фаолият предмети ва мақсадлари ва ҳ.к.). Давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилади.	Шериклик шартномаси оддий ёзма шаклда тузилади. Шериклик шартномасига кўра адвокатлар - шериклар барча шериклар номидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мажбуриятини олади. Давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмайди.
ЮШ сифатидаги мақоми	-	Нотижорат ташкилоти. ҚРнинг барча ҳудудларида ва унинг ташқарисида филиаллар очиши мумкин. Таъсисчилар томонидан киритилган мулк - ҳайъат мулки ҳисобланади. Фақат адвокатлик бюросига қайта ташкил этилиши мумкин. ҚР ФКда назарда тутилган асосларга кўра, шунингдек адвокатлар ҳайъатида ягона аъзоси қолган ҳолатда тугатилади.	Адвокатлар ҳайъати тўғрисидаги қонунчилик нормалари қўлланилади. Фақат адвокатлар ҳайъатига қайта ташкил этилиши мумкин.
Мажбуриятлар бўйича жавобгарлик	Шахсан	Адвокатлар ҳайъати аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ва аксинча (тескариси).	Бажарилмаган умумий мажбуриятлар бўйича солидар жавобгарлик.



	Россия Федерацияси	Франция Республикаси	Германия Федератив Республикаси	Америка Қўшма Штатлари	Қирғизстон Республикаси	Қозоғистон Республикаси
Адвокатларни ўзини-ўзи бошқариш органи	<ul style="list-style-type: none">• РФ ФАП;• субъектларнинг адвокатлар палатаси.	<ul style="list-style-type: none">• Адвокатлик ҳайъатларининг миллий кенгаши;• адвокатлар ассоциацияси.	<ul style="list-style-type: none">• Федерал адвокатлар палатаси;• ҳудудий адвокатлар палаталари.	<ul style="list-style-type: none">• Америка юристлар ассоциацияси;• штат адвокатлар ассоциацияси.	<ul style="list-style-type: none">• ҚР Адвокатураси;• ҚР ҳудудий адвокатуралари.	<ul style="list-style-type: none">• Республика адвокатлар ҳайъати;• адвокатлар ҳайъати.
Адвокатларнинг жамоат бирлашмалари	<ul style="list-style-type: none">• Халқаро адвокатлар иттифоқи (ҳамдўстлиги);• Россия адвокатлари Федерал иттифоқи;• Россия адвокатлари гильдияси;• Россия адвокатлари ассоциацияси;• Россия адвокатлари иттифоқи.	<ul style="list-style-type: none">• Адвокатлар миллий конфедерацияси;• Франция адвокатлари касаба уюшмаси;• Ёш адвокатлар иттифоқи.	Германия адвокатлари иттифоқи.	Адвокатларнинг ихтиёрий ассоциациялари.	<ul style="list-style-type: none">• Халқаро адвокатлар иттифоқи (ҳамдўстлиги);• Қирғизстон республикаси адвокатлар иттифоқи.	
Адвокатлик тузилмалари шакллари	<ul style="list-style-type: none">• адвокатлик кабинети;• адвокатлар ҳайъати;• адвокатлик бюроси;• юридик маслаҳатхона.	<ul style="list-style-type: none">• ассоциациялар;• адвокатлар гуруҳи конторалари;• эркин касб вакиллари масъулияти чекланган жамиятлари;• акционерлик жамиятлари (SELAFA);• соддалаштирилган акционерлик жамиятлари (SELAS);	<ul style="list-style-type: none">• адвокатлар акционерлик жамияти;• британия/ америка ҳуқуқи бўйича Limited Liability Partnership (LLP).	<ul style="list-style-type: none">• индивидуал адвокатлик фаолияти;• йирик юридик компаниялари;• оммавий ҳимоячилар идоралари;• жамият манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокатлик конторалари;• жамоат ташкилотининг юридик бўлими.	<ul style="list-style-type: none">• адвокатлик кабинети;• адвокатлар ҳайъати;• адвокатлик бюроси.	<ul style="list-style-type: none">• индивидуал адвокатлик фаолияти;• адвокатлик контораси;• юридик маслаҳатхона.



		• акцияга асосланган коммандит ширкатлари (SELCA).				
--	--	--	--	--	--	--

Хорижий давлатларда адвокатларга нисбатан интизомий иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари

	Россия Федерацияси	Франция Республикаси	Германия Федератив Республикаси	Америка Қўшма Штатлари	Қирғизстон Республикаси	Қозоғистон Республикаси
Интизомий иш юритишни қўзғатишга асос бўладиган ҳолатлар	Адвокатнинг ўз шаъни ва кадр-қимматини камситувчи, адвокатуранинг обрўсига путур етказувчи хатти-ҳаракати, адвокатнинг ишонч билдирувчи шахс олдидаги касбий мажбуриятларини бажармаслиги ёки тегишли равишда бажармаслиги, адвокатлар палатаси органлари қарорларини бажармаслик	Қонунчилик талабларини бузиш, касбий қоидаларга риоя этмаслик, ор-номус, тўғрилиқ, виждонлиқлик принципларидан чекиниш, ҳатто касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларда ҳам	Адвокатура тўғрисидаги қонунчилик ва адвокатнинг касбий этикаси талабларини бузиш	Адвокатлар хулқ-атворининг модел қоидалари (штатлар хулқ-атвор қоидаларини) бузиш	Адвокатнинг адвокат шаъни, кадр-қиммати ва ишдаги обрўсини камситадиган, Қирғизстон Республикаси адвокатураси касби нуфузи ва обрўсига путур етказадиган хатти-ҳаракати, адвокатлик фаолиятини амалга оширишда номақбул хулқ-атворда бўлганлик фактлари, Адвокат томонидан касбий мажбуриятларини ёхуд адвокатлар Кенгаши қарорларини бажарилмаганлиги ёки тегишли равишда бажарилмаганлиги.	Қозоғистон Республикаси Касб этикаси Кодекси талабларини бузиш



	Россия Федерацияси	Франция Республикаси	Германия Федератив Республикаси	Америка Қўшма Штатлари	Қирғизстон Республикаси	Қозоғистон Республикаси
Интизомий иш қўзғатиш учун важ-сабаблар	Адвокатнинг, адвокатга ишонч билдирувчи шахснинг, ёки бепул юридик ёрдам кўрсатишни сўраб муурожаат қилган шахс вакилининг шикоятлари; Адвокатлар палатаси вице-президентининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг тақдимномаси; Россия Федерацияси Адлия вазири тақдимномаси; Суд (судья) муурожаати).	Ҳайъат раисининг шахсий ташаббуси; Апелляция суди прокурори муурожаати Округида интизомий орган ташкил этилган суд муурожаати (суд прокурор орқали муурожаат этади); Ҳар қандай манфаатдор шахс муурожаати.	Бошқа адвокат, мижоз, прокурор ёки суд шикоятлари.	Шикоятлар	Жисмоний ва юридик шахслар шикоятлари (аризалари); Судларнинг хусусий қарорлари (ажримлари); Ваколатли давлат органларининг тақдимномалари.	Адвокат вакил (ҳимоячи) сифатида иштирок этган суд муҳокамаси бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжати; Адлия органи тақдимномаси; Ҳайъат раёсати қарори асосида чиқарилган Ҳайъат раёсати раиси тақдимномаси.
Интизомий иш қўзғатиш субъекти	Россия Федерацияси субъекти Адвокатлар палатаси президенти ёки унинг ўринбосари. Истисно ҳолатларда адвокатлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик нормаларининг бир хил қўлланишини таъминлаш мақсадида	Округ прокурори ёки адвокатлар ҳайъати раиси.	Прокуратура	Судлар (судлар қошидаги интизомий қўмиталар)	Ҳайъатнинг Этика комиссиялари	Интизомий комиссия раиси



	Россия Федерацияси	Франция Республикаси	Германия Федератив Республикаси	Америка Қўшма Штатлари	Қирғизстон Республикаси	Қозғоғистон Республикаси
	Федерал адвокатлар палатаси президенти ташаббуси ёки вице-президентнинг тақдимномасига кўра.					
Кўриб чиқиш тартиби ва субъектлари	Муҳокама тортишув ва тенглик принципига асосан оғзаки амалга оширилади. Малака каомиссияси иш келиб тушган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмай ишни мазмунан кўриб чиқилган мажлисда далилларни бевосита ўрганиш асосида хулоса бериши керак. Муҳокама ёпиқ мажлисда (истисно ҳолатлар кам) ўтказилади. Муҳокама мазмуни бўйича комиссия номи ёзилган бюллетенлар ёрдамида овоз бериш йўли билан хулоса чиқаради. Кейин интизомий иш малака комиссияси хулосаси билан	Дастлабки босқичда шикоят ёки бошқа қоидабузарлик адвокатлар ҳайъати раиси томонидан кўриб чиқилади. Интизомий иш юритувнинг иккинчи босқичида шикоят тўпланган далиллар базаси билан бирга интизомий кенгашга келиб тушади. Интизомий органнинг қарори асослангилган бўлиши ва тортишувли дастлабки тергов натижасида қабул қилинган бўлиши керак. Жавобгарликка тортилаётган адвокат ҳудуд бўйича тегишли бўлган ҳайъат кенгаши ўз аъзоларидан	Интизомий чора қўллаш тўғрисидаги қарор махсус ташкил этилган орган – адвокатлар палатаси жойлашган ҳудудда амал қилувчи шараф судлари томонидан қабул қилинади. Бундай судлар Федерал Ер адлия бошқармаси (Landesjustizverwaltung) томонидан 5 йил муддатга тайинланадиган суд раиси ва бир қанча аъзосидан иборат бўлади.	Қўмита шикоятни кўриб чиқади ёки алоҳида ҳолатларда адвокатлар ассоциациясига ҳал қилиш учун йўналтиради. Агар шикоят далиллар билан келтирилган бўлса, у ҳолда устидан шикоят тушган адвокат ҳам шикоятга ёзма равишда жавоб бериши керак. Агар қўмита адвокатнинг хулқи номувофиқ бўлган деган қарорга келса, адвокатга унинг номувофиқ хулқ-атвори ва иш ҳолатларини келтирган ҳолда огоҳлантириш хати, танбех ёки хайфсан юбориши мумкин. Мазкур хатлар нашрда эълон қилинмайди, лекин адвокатнинг	Комиссия раиси Комиссия аъзоларидан бирига (кейинги ўринларда Маърузачи) мурожаатни кўриб чиқишни топширади, у эса мурожаат бўйича дастлабки текширувни амалга оширади. Этика бўйича комиссия Ҳайъат томонидан тақдим этилган интизомий иш материалларини ўз мажлисида кўриб чиқади. Этика бўйича комиссия мажлиси интизомий иш қўзғатилган адвокатнинг иштирокида олиб борилади. Комиссия мажлисида мурожаат қилган шахс ёки унинг ваколатли	Интизомий иш Интизомий комиссия томонидан қонун бузилиши аниқланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади. Интизомий ишни кўриб чиқишда Интизомий комиссия суд ҳужжати, тақдимномалар доирасидан чиқиш ҳуқуқига эга эмас, ва ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, адвокат ва мурожаат этган тарафни яраштириш чораларини кўриши мумкин. Интизомий иш фақат ёпиқ мажлисда кўриб чиқилади, интизомий иш иштирокчилари-



	Россия Федерацияси	Франция Республикаси	Германия Федератив Республикаси	Америка Қўшма Штатлари	Қирғизстон Республикаси	Қозоғистон Республикаси
	бирга Палата кенгашига юборилади. Палата кенгаши иш материаллари келиб тушган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмай қарор қабул қилиши керак. Бунда Палата кенгаши шикоят ва малака комиссияси аниқлаган ҳолатлар доирасидан четга чиқиш ҳуқуқига эга эмас. Шикоят, тақдимнома, мурожаатнома бўйича қарор Кенгаш томонидан овоз бериш йўли билан қабул қилинади.	бирига иш бўйича тергов олиб боришни топширади. Мажлис апелляция суди жойлашган муниципал округда олиб борилади. Жавобгарликка тортилаётган адвокат мажлисда шахсан иштирок этиши керак. У бошқа адвокатнинг ёрдамидан фойдаланиши мумкин. Муҳокама очик ҳолда олиб борилади (интизомий орган ёпиқ мажлис олиб бориш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин). Кўриб чиқишнинг умумий муддати – саккиз ой (узайтириш имконияти мавжуд).		шахсий иш жилдида акс этади. Адвокатга нисбатан бошқа интизомий чоралар фақат суд қарорига асосан қўлланиши мумкин. Интизомий чора қўллаш ҳақидаги қарор умумий қоидаларга кўра нашрда эълон қилинади.	(ваколати тегишли равишда расмийлаштирилган) вакили иштирок этиш ҳуқуқига эга. Комиссия мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор этилган адвокат ёки мурожаат эгасининг келмаганлиги интизомий ишни мазмунан кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки тугатиш кўринишидаги интизомий жазо чоралари суд тартибда қўлланади.	нинг тортишув ва тенглик принциплари асосида, суд ҳужжати, тақдимномаларда келтирилган талаблар ва асослар доирасида оғзаки амалга оширилади. Интизомий иш тарафларидан бирининг сабабсиз ҳозир бўлмаслиги интизомий ишни кўриб чиқишни қолдириш учун асос бўлмайди.
Интизомий иш бўйича қарор	<ul style="list-style-type: none"> Адвокатнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) да адвокатура тўғрисидаги қонунчилик нормаларининг бузилиши мавжудлиги ва 	<ul style="list-style-type: none"> Интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш ҳақида; Аризани рад этиш (кайтириш) ҳақида; Мазмунан қарорнинг ёки белгиланган 	<ul style="list-style-type: none"> Интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш ҳақида; Иш юритишни тугатиш ҳақида; Жавобгарликдан озод этиш ҳақида. 	<ul style="list-style-type: none"> Интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш ҳақида; Иш юритишни тугатиш ҳақида; Жавобгарликдан озод қилиш ҳақида. 	<ul style="list-style-type: none"> Адвокатнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) да интизомий ҳатти-ҳаракатнинг мавжуд эмаслиги ва интизомий иш қўзғатишни рад 	<ul style="list-style-type: none"> Адвокатнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) да қонунчилик талаблари бузилиши мавжуд эмаслиги сабабли интизомий ишни тугатиш ҳақида;



	Россия Федерацияси	Франция Республикаси	Германия Федератив Республикаси	Америка Қўшма Штатлари	Қирғизстон Республикаси	Қозоғистон Республикаси
	<p>адвокатга нисбатан интизомий чораларнинг қўлланилиши ҳақида;</p> <ul style="list-style-type: none"> • Адвокатнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) да адвокатура тўғрисидаги қонунчилик нормалари бузилиши мавжуд эмаслиги оқибатида интизомий ишни тугатиш ҳақида; • Малака комиссиясининг аввал берган хулосаси ва Кенгаш чиқарган қарори мавжудлиги натижасида интизомий ишни тугатиш ҳақида; • Шикоятни, тақдимномани, мурожаатни чақириб олиниши ёхуд шикоят берган шахс ва адвокатнинг ярашиши оқибатида интизомий ишни тугатиш ҳақида 	<p>муддатларда дастлабки қарорнинг мавжуд эмаслиги (ариза рад этилган ҳисобланади).</p>			<p>этиш/ интизомий ишни тугатиш ҳақида;</p> <ul style="list-style-type: none"> • Адвокат мурожаатни берган шахс билан ярашгани ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тақдимномаси, суднинг хусусий қарори (ажрими) чақириб олиниши ёхуд улар қонунда белгиланган тартибда бекор бўлиши оқибатида интизомий ишни тугатиш ҳақида, • Интизомий чораларни қўллаш муддати ўтганлиги оқибатида интизомий ишни тугатиш ҳақида • Кам аҳамиятга эгалиги сабабли тугатиш ҳақида; • Кам аҳамиятга эгалиги сабабли тугатиш ҳақида; • Адвокатнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) да интизомий ҳатти-ҳаракатнинг мавжудлиги ва унга нисбатан интизомий 	<ul style="list-style-type: none"> • Комиссия томонидан аввал қабул қилинган қарор мавжудлиги оқибатида интизомий ишни тугатиш ҳақида; • Суд ҳужжатининг ёки тақдимномаларнинг чақириб олиниши ёки интизомий иш тарафларининг ярашганлиги оқибатида интизомий ишни тугатиш ҳақида; • Интизомий чораларни қўллаш муддати ўтганлиги оқибатида интизомий ишни тугатиш ҳақида • Кам аҳамиятга эгалиги сабабли тугатиш ҳақида; • Интизомий ишни кўриш давомида Комиссия томонидан интизомий иш кўзгатиш учун қабул сабабнинг мавжуд эмаслиги аниқланганлиги оқибатида интизомий ишни тугатиш ҳақида.



	Россия Федерацияси	Франция Республикаси	Германия Федератив Республикаси	Америка Қўшма Штатлари	Қирғизстон Республикаси	Қозоғистон Республикаси
	<ul style="list-style-type: none">• Интизомий ишни малака комиссиясига қайта (янгидан) кўриб кўриб чиқиш учун юбориш ҳақида• Интизомий чораларни қўллаш муддати ўтганлиги оқибатида интизомий ишни тугатиш ҳақида• Кам аҳамиятга эғалиги сабабли тугатиш ҳақида;• Мақбул сабаб мавжуд эмаслиги оқибатида тугатиш ҳақида.				жавобгарлик чораларидан бирини қўллаш / ҚР Адлия вазирлигига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки тугатиш учун тақдимнома киритиш ҳақида	<ul style="list-style-type: none">• Адвокат-нинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) да қонунчилик талаблари бузилиши мавжудлиги ва унга нисбатан интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш ҳақида
Интизомий жавобгарлик чоралари	<ul style="list-style-type: none">• танбех;• огоҳлантириш;• адвокатлик мақомини тугатиш.	<ul style="list-style-type: none">• огоҳлантириш;• ҳайфсан;• адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан вақтинчалик маҳрум қилиш;• адвокатлар ассоциациясидан чиқариб ташлаш.	<ul style="list-style-type: none">• огоҳлантириш, ҳайфсан;• жарима;• бир йилдан беш йилгача адвокатлик фаолияти билан шуғулланишни таъқиқлаш• адвокатурадан чиқариб ташлаш.	<ul style="list-style-type: none">• огоҳлантириш;• танқидий фикр билдириш;• ҳайфсан;• танбех бериш;• адвокатлик фаолиятини тўхтатиш;• адвокатлик лицензияси амал қилишини тугатиш	<ul style="list-style-type: none">• танбех;• огоҳлантириш;• ҳайфсан;• Қирғизстон Республикаси адвокатураси аъзолигидан чиқариб ташлаш;• Адвокатлик лицензияси амал қилишини тўхтатиш;• Адвокатлик лицензияси амал қилишини тугатиш.	<ul style="list-style-type: none">• танбех;• ҳайфсан;• жиддий ҳайфсан;• Адвокатлик фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 60-моддасида назарда тутилган асослар ва тартибда адвокатлар коллегиясидан чиқариб ташлаш.



	Россия Федерацияси	Франция Республикаси	Германия Федератив Республикаси	Америка Қўшма Штатлари	Қирғизстон Республикаси	Қозоғистон Республикаси
Шикоят бериш	Адвокатлар Кенгашининг адвокат мақомини бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан интизомий жавобгарликка тортилган шахс томонидан уни қабул қилиш тартиби бузилганлиги сабабли, у қабул қилинган қарор ҳақида хабардор бўлган ёки билиши керак бўлган кундан бошлаб бир ой муддатда судга шикоят қилиши мумкин.	Қарор устидан апелляция судига жавобгарликка тортилган адвокат ёки у аъзо бўлган адвокатлар ҳайъати раиси, шунингдек округ прокурори томонидан шикоят киритилиши мумкин.	Шараф суди қарори устидан қуйи турувчи судларга нисбатан апелляция инстанцияси ҳисобланган суд палатасига шикоят киритилиши мумкин.	Юқори турувчи суд инстанцияларига шикоят киритилади.	Этика комиссиясининг қарори устидан манфаатдор тарафлар томонидан қарорни олган кундан бошлаб 10 сутка давомида, лекин уни якуний шаклда қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан ошмаган муддатда Қирғизстон Республикаси Адвокатураси Кенгашига шикоят берилиши мумкин. Қирғизстон Республикаси Адвокатураси Кенгашининг қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят берилиши мумкин.	Интизомий комиссия қарорлари устидан Республика адвокатлар ҳайъати ёки судга шикоят берилиши мумкин.

4. ЮРИДИК КАСБНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР





ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

Ҳимояга ва самарали юридик
маслаҳатчи (вакил)га бўлган ҳуқуқ

*Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар
тўғрисидаги халқаро пакт 14 (3)
(d)-моддаси, Юристарнинг ролига оид
БМТнинг асосий тамойиллари,
Муқаддима, 7-тамойил*

Адвокатнинг ҳуқуқий
мақоми ва роли

*Юристарнинг ролига оид БМТнинг
асосий тамойиллари,
Муқаддима, 12–15-тамойиллар*

Адвокатлик фаолиятини амалга
оширишнинг кафолатлари

*Юристарнинг ролига оид БМТнинг
асосий тамойиллари,
Муқаддима, 17–22, 23-тамойиллар*

Мустақиллик

*Юристарнинг ролига оид БМТнинг
асосий тамойиллари,
Муқаддима, 16, 26-тамойиллар*

Касбий этика

*Юристарнинг ролига оид БМТнинг
асосий тамойиллари, 26–29-тамойиллар*

Таълим ва касбий малака ошириш

*Юристарнинг ролига оид БМТнинг
асосий тамойиллари, 9, 10-тамойиллар*

Конфиденциаллик, адвокатлик сири

*Юристарнинг ролига оид БМТнинг
асосий тамойиллари, 22-тамойиллар*

Суд билан ўзаро муносабатлар

*Юристарнинг ролига оид БМТнинг
асосий тамойиллари, 5-тамойил*

Адвокатлик касби ва адвокатлик
фаолиятига қабул қилиш

*Юристарнинг ролига оид БМТнинг
асосий тамойиллари,
Муқаддима, 10-тамойил*

Адвокатларни ўзини ўзи
бошқариш тизими

*Юристарнинг ролига оид БМТнинг
асосий тамойиллари,
Муқаддима, 24-тамойил*

Интизомий жавобгарлик

*Юристарнинг ролига оид БМТнинг
асосий тамойиллари, 24-тамойил*



“ Адвокат тақдим
этилишини
сўрайман ”



ҲИМОЯГА ВА САМАРАЛИ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЧИ (ВАКИЛ)ГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ

Фуқаролик ва сиёсий
ҳуқуқлар тўғрисидаги
ҳалқаро пакт 14 (3)
(d)-моддаси, Юристарнинг
ролига оид БМТнинг асосий
тамойиллари, Муқаддима,
7-тамойил

Ҳар бир шахс адвокат, ҳимоячининг ёрдамидан фойдаланиши ва ўз вакилини тайинлаши мумкин. Етарли маблағларга эга бўлмаган шахслар одил судловга самарали имкониятни таъминлаш учун зарур бўлган ҳажмда (даражада) суд харажатларидан озод этилади.

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахсларга ўз адвокати билан маслаҳатлашиб олиши учун зарур бўлган вақт ва шароит берилиши керак.

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс ҳеч қандай кечиктиришсиз, цензурасиз ва тўлиқ махфийлик таъминланган шароитда адвокат билан учрашиш, у билан маслаҳатлашиш, мулоқотда бўлиш ҳуқуқига эга.



Хуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар
ва бошқа ҳужжатларни тузади



Хуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар
ва тушунтиришлар беради



Суриштирув, дастлабки тергов
босқичида иштирок этади



Судда вакилликни
амалга оширади

АДВОКАТНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА РОЛИ

Юристарнинг ролига
оид БМТнинг асосий
тамойиллари, Муқаддима,
12–15-тамойиллар

Мустақил юридик касб инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини адекват равишда таъминлаш учун зарурдир. Қонунчиликни мустаҳкамлаш мақсадида адвокатлар ўз касбларини амалга оширишда эркиндирлар. Адвокатлар жамият ва ҳокимият тарафидан ўз ролларининг тан олиниши ва ҳимоя қилинишига умид боғлаш ҳуқуқига эга, чунки адвокатларнинг ролига одил судловнинг ва умуман жамият ташкил этилишининг ажралмас қисми сифатида қаралиши керак.


Юристар ҳар қандай ҳолатда ҳам одил судловни амалга оширишда масъул ходимлар сифатида ўз касбларига хос бўлган шаъни ва обрўсини сақлайдилар.

Ўз мижозлари ҳуқуқларини ва одил судлов манфаатларини ҳимоя қилар эканлар, юристар миллий ва халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг ҳимоя

қилинишига кўмаклашишлари ва барча ҳолатларда қонун ва эътироф этилган юристнинг касб этикаси нормаларига асосан мустақил ва виждонан ҳаракат қилишлари керак.

Юристар доимо ўз мижозларининг манфаатларига қатъий риоя қиладилар.

Адвокатнинг одил судлов ишига хизмат қилишдаги биринчи мажбурияти унинг ўз мижози олдидаги мажбурияти, касбий виждон ва ишончга таянган ҳолда мижозига маслаҳат бериши ва унинг вакили бўлишидир.



АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Юристрларнинг ролига
оид БМТнинг асосий
тамойиллари, Муқаддима,
17–22, 23-тамойиллар

Давлатлар адвокатнинг фаолиятига ҳеч қандай тарзда аралашигга ҳақли эмас, адвокатларнинг хавфсизлигига таҳдид бўлган ҳолатларда уларга ҳимояни таъминлашлари керак, адвокат бундай ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолатлар бундан мустасно ҳамда ўз касбий мажбуриятларини бажаришлари учун зарур бўлган барча маълумотдан ўз вақтида фойдаланишлари учун имкон яратишлари керак.

Адвокатларни ўз миждозларининг жиноятлари, сиёсий қарашлари ва бошқа ишлари билан боғлаш таъқиқланади.


Адвокатлар қонуний ҳаракатлари ёки қонуний ташкилотларга аъзолиги оқибатида ўзларининг касбий фаолиятларида ҳеч қандай чекловлар қўйилмаган ҳолда ҳуқуқ, одил судловни амалга ошириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган жамоатчилик муҳокамаларида қатнашиш, маҳаллий, миллий,

ҳалқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиш ва улар йиғилишларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар .

Ҳукуматлар адвокатнинг касбий мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ муносабатлар доирасида адвокат ва миждоз ўртасидаги алоқалар ва маслаҳатларнинг махфий бўлиши кераклигини тан олишлари ва бунга риоя қилишлари шарт.

Юридик ёрдам кўрсатиш давлатнинг бурчи ва мажбурияти бўлиб, у аниқ қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилиши керак.

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар ўз ишларини самарали, эркин ва мустақил бажариш имкониятига эга бўлишлари керак.



МУСТАҚИЛЛИК

Юристарнинг ролига оид БМТнинг асосий тамойиллари, Муқаддима, 16, 26-тамойиллар

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини етарли даражада таъминлаш учун барча инсонлар мустақил адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдамдан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлиши талаб қилинади.

Мустақиллик адвокат томонидан ўзига юклатилган вазифаларни жасорат билан ва онгли равишда бажариши жараёнида ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти ҳамда бошқа шахслар томонидан унинг ишларига аралашмасликни назарда тутаяди.

Адвокатлар ўз касбий мажбуриятларини ҳеч қандай тазйиқларсиз, тўсиқларсиз, безовта қилиш ва ноўрин аралашувларсиз амалга оширишлари керак; ўз мижозларига эркин маслаҳат бериш имкониятига эга бўлишлари керак; ўз касбий мажбуриятларини ҳар қандай тазйиқ ёки санкциялардан қўрқувдан холи бажаришлари керак.

Мустақиллик талаби адвокатларнинг ўзларини, шунингдек давлат ва фуқаролик жамиятини юридик касбнинг мустақиллигини шахсий манфаатлардан устун қўйиш ва мустақил адвокатлик касбига бўлган эҳтиёжни ҳурмат қилиш мажбуриятини юклайди.

Касбий бирлашмалар тузиш ва адвокатурада ўз интизомий иш юритувини олиб бориш имкониятининг мавжудлиги адвокатлик касби мустақиллигини қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшади.

Адвокат унинг мустақиллиги бузилишининг олдини олишга ҳаракат қилиши ва ўз мижози, суд ёки учинчи шахсларнинг манфаатларини қондириш учун этика қоидаларига риоя қилмасликдан эҳтиёт бўлиши керак.



КАСБИЙ ЭТИКА

Юристарнинг ролига
оид БМТнинг асосий
тамойиллари,
26–29- тамойиллар

Ўз касбининг турига кўра инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва асосий эркинликларига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар бир шахс мазкур ҳуқуқ ва асосий эркинликларни ҳурмат қилиши ҳамда ўзларининг машғулотни ёки касбининг тури билан боғлиқ бўлган тегишли миллий ва халқаро ҳуқуқ-атвор ва этика стандартларига риоя қилиши керак.

Адвокатлар ўзларининг бошқарув органлари (ёки қонун чиқарувчи органлари) орқали миллий қонунчилик, одатлар, халқаро ҳуқуқ нормаларига асосан касб этика кодексларини ишлаб чиқадилар.

Касб этика кодекси адвокатлар касб этика принциплари ва қоидаларининг аниқ бузилишларини белгилаши ва қоидабузарликнинг даражасига мутаносиб интизомий жазо чораларининг рўйхатини ўз ичига олиши керак.

Адвокат доимо ўз мижозлари, суд, ҳамкасблари ва касбий мулоқотда бўлиши мумкин бўлган барча шахсларга нисбатан ҳалоллик, тўғрилик ва холисликнинг юқори стандартларини сақлаб туради.

Адвокат ўзига билдирилган ишончни қадр-қиммат, муносиблик, садоқат ва тўғрилик принципларига риоя қилиш орқали оқлаши керак. Адвокат ўз шаънига, адвокатлик касбининг нуфузига ёки адвокатлик касбига бўлган жамоатчиликнинг ишончига путур етказадиган хатти-ҳаракатлар содир қилмаслиги керак.



ТАЪЛИМ ВА КАСБИЙ МАЛАКА ОШИРИШ

Юристарнинг ролига
оид БМТнинг асосий
тамойиллари,
9, 10-тамойиллар

Хукуматлар, адвокатларнинг касбий бирлашмалари ва ўқув муассасалари адвокатларнинг тегишли малакасини ва тайёргарлигини ҳамда улар профессионал идеал ва ахлоқий мажбуриятларини, шунингдек миллий ва халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинган инсон ҳуқуқ ва асосий эркинликларини билишларини таъминлайдилар.

Ушбу касбга киришнинг зарур шarti сифатида юридик тайёргарлик ва ахлоқий фазилатларнинг юқори даражасини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриш керак. Адвокатларнинг малакасини оширишни таъминлаш керак.

Ҳуқуқий таълим, шу жумладан малака ошириш дастурлари ҳуқуқий билим ва кўникмаларни яхшилашга, этика ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича хабардорликни оширишга, адвокатларни ўз мижозларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат

қилиш, ҳимоя қилиш ва таъминлаш ҳамда одил судловни тегишли даражада амалга оширишни қўллаб-қувватлаш руҳида тайёрлашга қаратилиши керак.

Юрист бутун фаолияти давомида олиши, ўзида мужассам этиши ва такомиллаштириши керак бўлган тегишли касбий тайёргарликка эга бўлганидан кейингина касбий фаолият билан шуғулланиши мумкин.



КОНФИДЕНЦИАЛЛИК, АДВОКАТЛИК СИРИ

Юристарнинг ролига
оид БМТнинг асосий
тамойиллари,
22-тамойиллар

Касбий сир - бу адвокатнинг фундаментал ва асосий ҳуқуқи ва бурчидир. Адвокатлик сири вақт билан чекланмаган, даъво муддати йўқ.

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс ҳеч қандай кечиктиришсиз, цензурасиз ва тўлиқ махфийлик таъминланган шароитда адвокат билан учрашиш, у билан маслаҳатлашиш, мулоқотда бўлиш ҳуқуқига эга.

Ҳукуматлар адвокатнинг касбий мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ муносабатлар доирасида адвокат ва мижоз ўртасидаги алоқалар ва маслаҳатларнинг махфий бўлиши кераклигини тан олишлари ва бунга риоя қилишлари шарт.

Конфиденциаллик нафақат адвокатнинг имтиёзи, балки адвокатга ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг ҳуқуқи ҳамдир.

Конфиденциалликни бузган адвокат жавобгарликка тортилиши ва унинг айби исботланса унга жазо тайинланиши мумкин.

Адвокатларга мижоз билан муносабатларнинг конфиденциаллиги, шу жумладан адвокатлик иш юритувининг одатий ва электрон тизимини олиб қўйиш ва текширувлардан ҳимоялаш, шунингдек фойдаланилаётган электрон алоқа воситалари ва ахборот тизимларига аралашувдан ҳимоя таъминланиши керак.

Адвокатни унга касбий фаолияти давомида маълум бўлган ахборот ҳақида хабар беришга мажбур қилиш мумкин эмас. Агар адвокат инсоният ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган фаолият ҳақида хабар топса, у адвокатлик сири рухсат берган доирада ҳаётни ҳимоя қилиш чораларини кўриши керак.



СУД БИЛАН ЎЗARO МУНОСАБАТЛАР

Юристарнинг ролига
оид БМТнинг асосий
тамойиллари, 5-тамойил

Юрист доимо ўз мижозларига, судга, ҳамкасбларига ва касбий мулоқотда бўлиши мумкин бўлган барча шахсларга нисбатан ҳалоллик, поклик ва холисликнинг юқори стандартларига риоя қилади.

Юрист ҳамisha ўз мижозининг манфаатларини биринчи даражали деб билади, юристнинг суд ва одил судлов манфаатлари олдидаги қонунга риоя қилиш ва этика стандартларини қўллаш бўйича мажбуриятлари билан ихтилоф бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Адвокатлар судьялар тарафидан суд муҳокамаларида ўз ролларининг тан олиниши ҳуқуқига эга, чунки адвокатларнинг иштироки суднинг адолатлилигини таъминлайди.

Адвокатлар судьялар билан ўзарo муносабатларда ҳалол ва виждонан ҳаракат қилишлари ва суд мустақиллигини таъминлаш учун курашишлари керак.

Адвокат ҳеч қандай ҳолатда судга қасддан ёлғон ёки чалғитиши мумкин бўлган маълумотларни тақдим этмаслиги керак. Суд залида бўлган ёки процессда бевосита иштирок этаётган адвокат мазкур судда қабул қилинган этика қоидаларига риоя қилиши керак.

Судьяга ҳурмат ва садоқатни намоён этган ҳолда, адвокат ўзининг шахсий манфаатларини кўзламасдан ёки ўзи ё бошқа бирон-бир шахс учун ҳеч қандай оқибатларсиз ўз мижозини ҳалол ва виждонан ҳимоя қилиши керак.



АДВОКАТЛИК КАСБИ ВА АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Юристарнинг ролига
оид БМТнинг асосий
тамойиллари, Муқаддима,
10-тамойил


Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини бериш ва адвокатлик ҳамжамиятига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилишнинг фаолияти устидан назоратни фақат суд тартибида амалга оширилиши мумкин бўлган мустақил органга топшириш керак.

Адвокатлик касбига қабул қилишда ҳеч қандай асосда камситишга йўл қўйилмайди.

Хуқуқий тайёргарлик ва ахлоқий фазилатларнинг юқори даражаси касбга киришнинг мажбурий шarti ҳисобланиши керак.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш хуқуқи фуқаролик манфаати бўлганлиги учун Конвенциянинг (Адолатли суд муҳокамаси кафолатлари) 1-параграфи 6-моддаси талаблари адвокатлик мақомини бериш, тўхтатиш ёки тиклаш ҳақида қарор қабул қилиш процедурасига ҳам тадбиқ этилади.

Адвокатлик мақомини тиклаш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқишнинг аниқ процедураси мавжуд эмаслиги, аризачини адвокатлар реестрига кўшишни рад этишнинг асослантилган сабаби мавжуд эмаслигини Европа суди Конвенциянинг 1-параграфи 6-моддаси талабларини бузиш деб баҳолаган.



АДВОКАТЛАРНИ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ

Юристарнинг ролига
оид БМТнинг асосий
тамойиллари, Муқаддима,
24-тамойилл



Юристарга уларнинг манфаатларида вакиллик қилувчи, доимий равишда ўқитиш ва қайта тайёрлашни ташкил қилувчи ўзини ўзи бошқариш ассоциациялар тузиш ҳуқуқи берилиши керак.

Касбий ассоциациялар касбий стандартлар ва этика нормаларини қўлайдилар, ўз аъзоларини тазйиқ, асосиз чеклашлар ва тажовулардан ҳимоя қиладилар, одил судлов ва жамоатчилик манфаати мақсадларига эришиш учун ҳукуматлар ва бошқа институтлар билан ҳамкорлик қиладилар.

Юристарнинг касбий ассоциациялари а) у ёки бу юристнинг ҳибсга олиниши ёки ушланиши; б) юристнинг виждонли эканига шубҳа туғдирадиган иш юритишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилиш; с) шахсий тинтув ва адвокатнинг мулкида тинтув ўтказиш; d) юристдан хужжатлар ва предметларни олиб қўйиш ва ҳ.к.

Адвокатлар ассоциациялари юристнинг мижоздан интеллектуал ва иқтисодий мустақиллигини ҳам ҳимоя қилишлари, аҳолининг адлия тизимига, шу жумладан юридик ёрдамга бўлган эркин ва тенг имкониятга эга бўлишида кўмаклашиши керак.

Коррупцияга қарши стратегияни таъминлаш учун юристар ассоциациялари коррупцияга қарши курашда бундай ассоциациялар барча раҳбарияти ва аъзоларининг иштирокини таъминловчи ишончли тузилмалар ташкил қилишлари керак.

Юристар ассоциациялари ўз юрисдикцияларида бўлган, коррупцияга қарши курашда ижобий ҳаракатларни амалга ошираётган юристарга услубий ва техник кўмак беришнинг барча имкониятларини кўриб чиқишлари керак.



ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Юристарнинг ролига
оид БМТнинг асосий
тамойиллари, 24-тамойил

Интизомий ишлар қонунда белгиланган тартибда тузилган ҳолис интизомий қўмита ёки бошқа мустақил орган томонидан кўриб чиқилиши, Касбий хулқ-атвор Кодекси, адвокатлик касбининг умумбашарий стандартлари ва этика нормаларига асосан белгиланиши керак.

Қабул қилинган қарор суд томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Устидан шикоят тушган адвокат бу ҳақда дарҳол хабардор қилиниши ва шикоятнинг нусхасини олиши; шикоятга жавоб бериш, интизомий органнинг асослантилган қарорини олиши, интизомий органнинг қарори устидан апелляция органига шикоят киритиши учун оқилона имконият ва вақт берилиши керак.

Интизомий жавобгарликка жалб қилинган адвокатларга нисбатан қуйидаги санкциялар қўлланиши мумкин: хайфсан, жарима,

шу жумладан зарур ҳолларда гонорарни қайтариш, фаолият билан шуғулланишга бўлган ҳуқуқни тўхтатиш ёки тугатиш, фаолиятни юриштишга рухсат беришда чеклов ўрнатиш, қайта малака ошириш.



**ЎЗБЕКИСТОНДА АДВОКАТУРА:
ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ВА
РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**
(таҳлилий маълумот)